

# МАРҲАБО, НАВРЎЗ

**Баҳорхоним:** — Ҳамма барабар ишга киришсин, шаҳару қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз янада обод ва кўркам, ҳовлиларимиз чиннидай тоза, покиза ва чиройли бўлсин! Ҳар бир киши камида учтадан кўчат ўтқазсин!

## 1. КЎКЛАМ МАЛИКАСИ

Диёримизда Наврўзи олам кезмоқда. Наврўз... Бу сўз замирида олам-олам нафосат, туганмас завқшавқ, зеболик ва дилраболик бор. Япроқдаги шабнам софлигида ҳам, мусаффо ҳавонинг мовийлигида ҳам, булбул хонишию таъзимга эгилган келин саломида ҳам Наврўз нафаси мужассам.

Бутун борлиқ, замин уйғонмоқда. Мовий кўкдаги кўёш ҳарорати ошди. Боғларда ўрик ва гилослар, бодом ва олучалар қийғос гулга кирмоқда. Қўллари меҳнатда қабарган тadbиркор Бободехқон, кенг яйловларни соғинган чўпон-чўлиқлар учун қайноқ мавсум бошланди. Табиат майин жилмайиб, турфa рангда жило кўрсатди. Минг тусда товланиб, фасл-

лар келинчаги — баҳор кириб келди, кўклам маликаси — Наврўз ташриф буюрди. Ассалом баҳор. Марҳабо, Наврўз!

Қадимдан нишонланиб, байрам қилиб келинаётган Наврўз Мустақиллик йилларида янгича маъно ва мазмун касб этиб, эркин ва фаровон халқ байрамига, миллий санъатимизнинг ўзига хос кўригига, меҳнат баҳорининг тантанасига айланди. Ҳар йили Алишер Навоий номидаги миллий боғда нишонланадиган Наврўз минглаб томошабинлар қалбига баҳорнинг илк қувончларини етказди, унинг камалакранг нафосатию оҳанрабо тароватини тараннум этади. Айниқса, бу йилги Наврўз мустақиллигимизнинг ўн олтинчи баҳори — ўзининг етуқлигини намоён қилди.





*ижтимоий-сўёсий, илмий-баддий, маданият-маърифий, безакли журнал*

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари  
вазирлиги**

**Бош муҳаррир  
Азим СҮҮОН**

**Тахрир хайъати:**

Бахтиёр ГАНЖАМУРОД  
Хуршид ДАВРОН  
Ўткир ЖҮРАЕВ  
Жалолбек ЙҮЛДОШБЕКОВ  
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Абдусайд КҮЧИМОВ  
Гулстон МАТЁҚУБОВА  
Абдулла ОРИПОВ  
Акбар ЙҮЛДОШЕВ

(масъул котиб)

Комилжон ҚИЁМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Раҳмон ҚҮЧҚОР  
Азамат ҲАЙДАРОВ

**Бўлим муҳаррирлари:**

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ  
Баҳром РҮЗИМУҲАММАД  
Мирзаали АКБАРОВ

**Фотомуҳбир**

Шавкат ҚАҲҚОР

**Саҳифалаш ва дизайн**

Нодирбек АҲМЕДОВ  
Нигина ҚОДИРОВА

**Навбатчи муҳаррир**

М. АКБАРОВ

**Ушбу сонда:**

Мирзаали АКБАРОВ:

*Соҳибқирон сўёси*

(Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқаро Амир Темур жамоармаси раиси Муҳаммад Али билан суҳбат)

Болтабой ШОДИЕВ

*Наврўз 1-томоналари  
драматургияси*

ВАХРИ

*Турбакини доврчи сўёдилми?*

Марица БОДРОЖИЧ

*Тул муҳаббатга қодирми  
намоён элар*

Асрор МҮМИН таржимаси

*Менинг Доштоним*

Абдурауф БАХМАЛИЙ

*Санзор зор-зор...*

**Guliston**  
2007/2

Босишга 15.04.2007 йилда топширилди. Офсет қоғози.

Бичими: 60x84 1/8. Ҳажми 6,0. Адади: 2407

**Бююртма № 48**

Тахририят манзили: Тошкент — 700029, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01.

Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90.

Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова кўчаси, 33-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
091 — рақам билан рўйхатга олинган

**Муқоваларимизда:**

**1-бет:** Баҳорой; **2-бет:** Бахтли оила; **4-бет:** Муқимий номидаги тусикали-драма театри актёрлари **Хаким НОСИРОВ** ва **Гулчехра НОСИРОВА**

## 2. МАЖОЗИЙ БАҲОР

Наврўзнинг ўзига хос жозибасини ранг-баранг кўрсатиш учун байрамнинг мажозий образларини яратиш байрам тантаналарига айрича файз бахш этади. Янги йил байрамида Қорбобо ва Қорқиз бўлганидек, Баҳорхон ва Наврўзбеклар, Момоер ва Дехқонбоболар, Лолагул ва Бойчечаклар образлари байрам тантаналарига жуда ярашади.

Кўпчилик “Баҳорхон”ни бошига турфа ранг гуллардан ясалган чамбарак кийган, узун майда сочларига гуллардан попуқлар таққан, ўзига ярашиқли ҳарир кўйлагига устидан нақшинкор нимча кийган ҳолда тасаввур қилишади. Қўлидаги гултувак лолалар ва турфа хил гуллар билан тўлдирилган. Ҳар бир жамоа ўзлари яساتган Баҳорхон образи орқали Наврўз маликаси номини олиш учун ўтказиладиган кўрикларда иштирок этадилар.

Наврўз маликаси эса ўз тахтида туриб бир йилда бир марта айтиладиган ёқимли, серҳикмат ва сермаъно нутқини баён этади:

— Қадрдонларим! Баҳор байрамини муносиб нишонламоқ учун қадимий одатимизга кўра учта шартимни бажаришингизни истайман.

Биринчи истагим: “Наврўз” байрами кундаги шодлигингиз бутун йил бўйи давом этсин! Ўзаро хафалашганлар ярашсинлар, танишлар эса дўстлашсинлар! Ўзаро ёрдам, ахиллик қарор топсин! Наврўз куни ҳатто урушлар ҳам тўхтатилган. Бутун дунёда тинчлик барқарор бўлсин!

Иккинчи истагим: ҳаммамиз табиат бойликларини, унинг ноёб ва гўзал турларини сақлаш ва кўпайтиришга киришайлик! Шаҳару қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз янада обод ва кўркам бўлсин! Ҳовлиларимиз чиннидек тоза ва чиройли бўлсин. Ҳар бир киши камида учтадан кўчат ўтқазсин!

Учинчи истагим: Янги меҳнат мавсуми бошланди. Барча тадбиркорларимиз ва ишбилармонларимизнинг кучига куч қўшилиб, ишлари унумли ва баракали бўлсин! Ҳазрат Навоий айтганларидек, “ҳар тунинг Қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз”.

Наврўз энг аввало даладарда меҳнат мавсумининг бошланишини нишонлайдиган дехқонларнинг меҳнат нашидасини мадҳ этувчи байрамдир.

Қадимдан дехқонлар ерга уруғ қадашдан олдин даладан бир ҳовуч тупроқ олиб, уни экиш учун етилганини текшириб кўришган. Мана, қўлимда бир сиқим тупроқ, — дейди Бободехқон. — Бир қараганда бу оддий тупроқда ҳеч сир йўқдек туюлади. Лекин унда ҳаёт бор, жон бор. Бизни кўтариб турган замин ҳам, ризқимизни етказаётган ҳам, фаровонлигимизни таъминлаётган ҳам шу тупроқдир.



Қадимда деҳқонлар да- лага қўш чиқариш, ерга уруф қадаш муносабати билан “Биринчи қўш ҳайдаш”, “Қўш оши”, “Шохмой” каби маро- симларни ўтказишган. Бобо- деҳқон бу байрамларда омоч билан қўш ҳайдаб, дон сепиш, кўчатлар ўтказишни бошлаб берган.

Момоер эса юзлари- да сахийлик ва меҳр ёғилиб турган кекса ва доно аёл қиёфасидадир. Унинг чорпоя оқ рўмоли “оқ олтин” хирмонлари рамзи бўлса, йўл-йўл гул- дор кўйлаги пахтазор- лар, поёнсиз экинзор- ларни эслатади. Қўлида- ги лўппи очилган ғўза тупи ёки буғдой боғлама- си серҳосил тупроғида унган тухфадир. Момоер ўз заминида мўл ҳосил тўпланишига бағишлан-

ган “Уч нақлнинг уч си- ри”ни айтиб беради.

Бу сирларнинг биринчи- си — ҳамалдан ўз вақтида фойдаланиш ҳақидаги “Вақ- тинг кетди — нақдинг кет- ди”, иккинчиси — она ер- нинг тўқлиги ҳақидаги “Ер тўқ бўлса, эл тўқ”, учинчи- си — дастурхоннинг тўкин- лиги ҳақидаги “Тўқсон кун- да — товоқда...” нақллари- нинг мазмунини тушунтира- ди ва ҳар бирининг маъно- ларини шарҳлайди.

### 3. НАВРЎЗ ДАСТУРХОНИ

Байрамни ўтказишда Наврўз таомлари алоҳида аҳамиятга эга. Безатилган дастурхон даврасида кумуш киш таассуротлари баҳор гурунгларига, ноз-неъмат- лар Наврўзнинг тансиқ таомларига қўшилиб кета-

ди. Уй бекалари ва мезбон- лар, тадбирни ўтказувчилар йиғилган меҳмонларни тур- фа кўкатлар — буғдой кўки, ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, ис- малок, қоқи каби неъматлар- дан тайёрланган таомлар билан сийлайдилар.

Сумалак байрами ҳам шу кунни ўтказилади. Бу сар- хил таомлар, аввало, бай- рам дастурхонларию кек- салар, кўни-кўшниларгача тортилади. Умумхалқ ҳашарлари, шанбаликлар- да қатнашаётганлар ҳам Наврўз дастурхонига так- лиф этиладилар.

Бундай шодиёналарда халқ истеъдодларининг дил- рабо қўшиқ ва куйлари ян- грайди, раққосалар чирой- ли ва нафис рақслари би- лан олам-олам завқ бахши- да этадилар.

Рауф РАҲИМ



**Табиатимизнинг гўзаллигига беқиёс таъриф битган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий инсонларни баҳор нашидасидан, яшилга бурканган она заминнинг латофатидан завқланишга чорлайди.**

Дарҳақиқат, қуёш кокилини таранган, боғлар чечак таққан, инсонларга саҳоват улашган бу айём кимнинг кўнглига завқ олиб кирмайдими, дейсиз. Байрамларнинг ҳурилик қоси бўлмиш Наврӯз — қадимий халқ анъанавий байрами ҳисобланади. Тарихи узоқ ўтмишга (милoddан аввалги 2 мингинчи йиллар) алоқадор бўлиб, кўп асрлар мобайнида таркиб топиб келаётган маданиятимизнинг ажралмас қисмидир. Наврӯз байрамининг тарихи, нишонлиши ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Умар Хайёмнинг “Наврӯзнама”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий”, Садриддин Айнийнинг “Эсдалиқлар” китобларидан батафсил билиб олишимиз мумкин. Бу манбалардан билишимизча, “Қуёш жанубий экваторни тўла босиб, шимолий ярим шарга ўтиб ерга тикка нур сочади ва кун билан тун кундуз соат 12:00 да тенг бўлиб хут буржидан ҳамал буржига ўтилади. “Наврӯз” маъноси “Янги кун” демакдир”.

Ҳамал буржи баҳор фаслининг бошланишидир. Офтоб ҳам ўзининг ҳаётсевар нурларини шу кунга ўзгача таратади. Табиатнинг мафтункор мўъжизалари — боғларда майса кўкарса, тошлар остидан курт-қумурсқа ўрмалайди, чўпонларнинг кўйлари кўзилаеса, деҳқоннинг уруғи намланади. Она-

ларимиз шу кунга атаб 4-5 кун олдин буғдой майсасини ундирадilar. Момларимиз тайёр сумалакни “омонлик”, “омонлик — ҳеч кўрмайлик ёмонлик”, “омонликка етказганига шукур” дея невараларига ялатиб кўядилар.

Наврӯзда бошқача удумлар ҳам бор: байрам кунга баҳор нафаси гуркираб туриши учун, алоҳида идиш олиб буғдой ундириб, гултувакка нақшгул ва сунбул пиёз экиб кўйилар экан. Хўжанд, тошкентликлар эса “Лола сайли”, “Гул байрами”ни Наврӯзга кўшиб нишонлашлари анъанага айланган. Наманганликларда эса сумалакка улўлар назари тушган, деб сизлаб, яъни “сумалагимиз пишдилар” деб мурожаат қилиш одатдир.

Ўзингизнинг маҳаллангиздаги “Наврӯз байрами”ни кузатганмисиз?!

Кенг майдон... Бир томонда “кураш” мусобақаси, бир томонда “футбол” ўйини, бир томонда “хўроз уриштириш”, бир томонда “арқон тортар” каби миллий ўйинларимиз авжида бўлади. Халқ учун ёзилган дастурхондаги ширмой нон, қатлама, норин, чучвара, патир, мошхўрда, кўк сомса, варақи, сумалакларни айтмайсизми?! Куй-кўшиқ, аския, рақсларнинг жозибасини, самимий дил тилақларини тинлаганмисиз?!

Булар ҳамма-ҳаммаси қадимий одатларимиз бўлиб, дўстлик, ҳамжиҳатлик, биродарлик, ширинсуханлик, хо-

тиржамлик каби эзгу тилақларимизга ҳамоҳангдир.

Мен бу манзарани тасвирлар эканман, шоира Ойдин опанинг мана бу мисралари ёдимга тушди: **“Борига барака” деган элимга, Майзини қирқ бўлиб еган элимга, Меҳнаткаш, жафокаш тавти элимга, Дерман: ризқ-рўзанинг таборак бўлсин.**

Меҳнаткаш халқнинг бу байрами барака ва тинчлик, мурувват ва оқибат, нафосат ва яшариш, ҳамжиҳатлик ва адолатпарварлик рамзи ҳамдир.

Бинобарин, Юртбошимизнинг куйидаги фикрларидан ҳам бу айёмнинг муносиб ўзига хос жиҳатларини англаш мумкин: “Наврӯз халқимизнинг асл миллий байрамидир. У биз кимларнинг авлоди эканлигимизни, қандай улўф ва бой мерос ворислари эканлигимизни, қандай беқиёс салоҳият соҳиблари эканлигимизни жумлаи жаҳонга яққол намён қиладиган маънавий бир кўзгудир. Эндиликда Наврӯзи олам маънавиятимизнинг ажралмас қисми сифатида ҳаётимизда мустаҳкам ўрин олади”.

Наврӯз айёми “Ижтимоий ҳимоя йили”да юртимизда тинчлик ва хотиржамлик, хонадонларимизга қут-барака, файзу тароват олиб келсин.

**Ойсулўв МУСУРМОНҚУЛОВА,**  
*Сардоба тумани.*



# Байрамлар хурилик қоси

*Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар.*

# Соҳибқирон Сиймоси



(Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқаро Амир-Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али билан суҳбат)

— Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг хотираларини ёд этиш, кўрсатган жасоратлари ва хизматларига муносиб баҳо берилишини таъминлаш борасида асрларга татигулик ишлар қилинди. Масалан, 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилиниб, Соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик тўйи дунё миқёсида кенг нишонланди. Шу йили халқаро Амир Темур жамғармаси, Темурийлар даври тарихи музейи ташкил этилди. Аввало, жамғарманинг тузилиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.

— Жамғарма 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 14 мартдаги 100-сон «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори асосида тузилди.

Унинг мақсад ва вазифалари: буюк давлат арбоби Амир Темур ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш; Амир Темур фаолиятига оид тарихий манбаларни чуқур ўрганиш ва нашр этиш; Темурийлар даври меъморий ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлашга кўмаклашиш; ёш авлоднинг маънавий-маърифий камол топи-

шида мустақил Ватанимиз истиқболидан фахрланиш, навқирон қалбларга гурур ва ватанпарварлик гоёларини сингдириш руҳидаги тарбиявий ишларни амалга ошириш, шунингдек, мамлакат олимлари, адабиёт, маданият арбобларининг халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтириш ҳамда хорижий мамлакатлардаги Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзмаларни излаб топиш, олиб келиш, уларни таржима қилиб кенг китобхонлар оmmasига етказиш каби муҳим ҳамда долзарб вазифалардан иборат.

— Жамғарманинг аввалги йиллардаги фаолиятига тўхталиб ўтсангиз.

— Юқорида таъкидланганидек, мустақилликка эришилгандан сўнг Амир Темурга ҳаққоний баҳо бериш, жаҳон афкор оmmasига сингдиришда ноҳолис фикрларни ўзгартириш борасида катта ишлар бошлаб юборилди. Сир эмас, бу борада илгари тарихий далиллар бузиб кўрсатиб келинган, тарихий ҳақиқатлар очилиб кетмаслиги учун бадий асарлар деярли ёзилмаган, буюк салтанат давридаги илм-маърифат ва бошқа соҳаларни ёритишга бир ёқлама ёндашиб келинган.

1996 йил апрел ойида жамғармамиз ҳамкорлигида АҚШда, Вашингтон университетиде «Амир Темур ойлиги» ўтказилди. Анжуманда америкалик ва ўзбек олимларининг Соҳибқирон сиймоси,

унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маърузалари тингланди. Дунё мамлакатлари билан халқаро алоқалар йўлга қўйилди. Хусусан, ҳозирги кунда Қозоғистонда, Москва шаҳрида жамғарма бўлимлари ишлаб турибди. Лоҳур (Покистон)да очилган бўлим фаолиятини янада жонлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Францияда «Темурийлар жамияти» (тўлиқ номи «Темурийлар даври тарихи ва санъати Франция уюшмаси») фаолият кўрсатиб келаяпти, «Темурийлар» журнали чоп этилди.

Амир Темур бобомиз таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланган 2006 йилда АҚШ (Вашингтон университети)да америкалик олимлар ва талабалар иштирокида Амир Темурга бағишланган маърузалар тизими тингланди. Ўтган йил давомида республика радиосининг «Машъал» эшиттиришлари орқали «Амир Темур гурунги» туркумидан суҳбатлар олиб борилди. Республика «Ватанпарвар» ташкилоти фаоллари билан Бобур Мирзо таваллудига бағишланган учрашув ўтказилди.


— Амир Темурнинг улуг жасоратлари тўғрисида кўплаб илмий тадқиқотлар, асарлар ёзилган. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» асарлари, ўзингизнинг «Сарбадорлар», «Улуг салтанат» каби асарларингиз адабиёти-

мизда муносиб ўрин эгаллади. Шу билан бирга, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид ҳали етарли даражада ёритилмаган мавзулар борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

— Албатта. Шу муносабат билан юртбошимиз Ислам Каримовнинг 1996 йилда Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарашли ЮНЕСКО саройининг юксак минбаридан туриб айтган қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир. «Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка ва тарғиб этмасликка ҳаққимиз йўқ».

Амир Темур сиймосига нисбатан чексиз меҳру оқибат билан айtilган ушбу оташин сўзлар барча халқимизга, хусусан, биз каби қалам аҳлига, адибу олимларга қаратилган ибратли илҳомбахш сўзлардир.

Ҳар йили юртимиз адиб ва олимларининг, шунингдек, хорижлик олим, адиблар қаламига мансуб Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган 4-5 та асар чоп этилиб турибди. Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темурни ёд этиб», Убайдулла Уватовнинг «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида» Пиримқул Қодировнинг «Амир Темур сиймоси», Ҳаким Сатторийнинг «Ҳазрат Соҳибқирон» ва «Олтин силсила» ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг «Амир Темур саройига саёҳат»и — нодир асар ҳисобланади. Шунинг учун бу китоб испан тилидан бевосита таржима қилинди. «Буюк Амир Темур тарихи» (1403-1406) ёш мутаржим Улуғбек Жўраев таржимасида Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан 2006 йилда «Зарқалам» нашриётида чоп этилди.



Амир Темур ва Темурлар тарихи давлат музейи. Ташкент.

Ўзбекистонда муҳтарам юртбошимиз раҳбарлигида тарихимизни ўрганиш борасида олиб борилаётган самарали ишлар бошқа давлатларда ўзига хос ижобий акс-садо бермоқда. «Наука и жизнь» журналининг 2004 йил 4-сонида босилган ёш рус тарихчиси Михаил Арнолдовнинг «Бир муҳораба сири» мақоласида Соҳибқирон Амир Темурнинг Тўхтамишхон билан бўлган жангига янгича назар билан қаралган. Яна бир рус тарихчиси Александр Воробьев қаламига мансуб «Шавкатли Темурбек» номли мақоласи ҳам шундай мақолалар сирасига киради. Мустафо Камол Отатуркнинг Соҳибқирон ҳақидаги мақоласи ҳам Амир Темур даврига бағишланган.

— **Жамғарманинг ҳозирги кундаги фаолияти ҳамда келгуси режалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Жамғарманинг айна пайтдаги фаолияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, жамғарма илмий кенгаши қарори билан «Амир Темур ва темурийлар молия-пул сиёсати» номли китоб Акциядорлик тижорат «Пахта-банк» ҳомийлигида нашр этилди (муаллиф Ирпон Тўхтиев). Унда археологик қазилмалар натижасида топилган темурийлар даврида зарб этилган тангалар тарихи атрофлича ёритилган. Бундан ташқари, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» асари форс тилидан Асомиддин Ўринбоев таржимасида «Ўзбе-

кистон» нашриётида нашрга тайёрланмоқда.

Жамғармамиз томонидан, шунингдек, келгусида «Темур тузуклари»нинг янги нашрини, бундан ташқари, Шоҳруҳ Мирзонинг элчилари: Гиёсиддин Наққошнинг Хитой, Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон давлатларидаги фаолиятлари ҳақидаги асарларни ҳам уч тилда: ўзбек, рус ва инглиз тилларида чиқариш режалаштирилган. Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни дунёга кенгроқ ёйиш келгусидаги асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Жамғармамиз томонидан ҳар йили Темурийлар даври тарихи музейи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда Амир Темурга бағишланган анжуманлар, турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шундай анжуманлардан бири яқинда Навоий шаҳрида Навоий давлат педагогика институти билан ҳамкорликда ўтказилди. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Яккабоғ туман ҳокимлиги, халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоят Яккабоғ туманида Наврўз умумхалқ байрами ва буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишлаб, кўпқари миллий спорт мусобақалари уюштирилди.

— **Сермазмун суҳбатингиз учун катта раҳмат.**

**Мирзаали АКБАРОВ**  
суҳбатлашди.

Халқ чолгуларида созандачилик санъатининг вужудга келиши қадим замонларга бориб тақалади. Дастлаб урма зарбли чолгулар пайдо бўлган. Бинобарин, энг қадимий меҳнат қўшиқлари инсон иш фаолиятининг ритмик тузилиши билан бевосита боғлиқ бўлган экан. Йиллар ўтиб шовқинли чолгулар пайдо бўлган. Шарқ халқлари орасида марака (ҳиндуларда), идеафон (грекларда), сафаил, қайроқ, қарсак (ўзбекларда, уйғурларда) каби шовқинли чолгулар ижрочилик амалиётида ҳам кенг қўлланилган. Ижрочилар қарсак чалиб шовқинли чолгулар таъсирини янада кучайтирганлар. Ижрочи аёлларнинг қарсак зарблари («Бешқарсак») ўзига хос такрорланмас, гўзал ҳолатни вужудга келтирган. Қарсак зарблари жўрлигида қўшиқ ва рақслар ижро этилганлиги ҳақида ҳам тарихий манбаларда маълумотлар мавжуд.

# Дуторим — КЎҲНА СОЗИМ

Халқ рақслари аслида қош ўйини, елка ўйини, бош ўйини кабиларни ўз ичига олган бўлиб бу ўйинлар ҳам қарсак жўрлигида ижро этилган.

Дастлабки чертма чолгулардан арфа (чанг) сози ҳақида ҳам Шарқ мутафаккир олимларининг ноёб рисолаларида қимматли маълумотлар ёритилган. Қадим-қадим даврларда Осурия, Месопотамия давлатларида арфа созида ижрочилик санъати ниҳоятда юксак даражада кўтарилганлиги, сонинг «Чолгулар маликаси» деб аталганлиги ҳақида ҳам фикрлар қайд этилган. Улкан оркестр жамоаларига 500 тагача чолгулардан ташкил топган арфа ижрочилари гуруҳи киритилганлиги

ҳақида тарихий манбалар мавжуд. Арфа ижрочилари хонадонларда, саройларда катта-катта саҳналарда кўпинча якканавоз ижрочи сифатида маҳоратларини намойиш этганлар. Тарихий манбаларда Миср арфачиларининг номлари сақланиб қолган. Неферхотеба, Онху, қўшиқчи-арфачи қизлар Бакит, Сешешет ва бошқаларнинг номлари кўрсатилган. Тарихчи олим Иосиф Флавинининг (I аср) таърифлашича, ўша қадим замонларда ўтказилган оммавий байрам тантаналарида 200.000 қўшиқчи аёллар, 200.000 карнайчилар, 40.000 арфа чолгулари ва 40.000 шовқинли созлар чолгулари қатнашган экан. Тарихчи улкан байрамона тадбир-

да бир йўла ярим миллионга яқин санъаткор — ижрочилар қатнашганлиги ҳақида маълумот берган. Бу далиллар халқ чолгуларида созандачилик санъати нуфузи баланд эканлигини исботлайди.

Миллий чолгуларимиз қадимги Шарқ маданияти кучоғида шаклланиб, кўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос нақшинкорлик хусусиятларини, нозик товуш тусларини сақлаб қолган. Ўзига хос кўриниши, ўта сифатлилиги билан чанг, най, сурнай, карнай, доира, гижжак, танбур ва дутор созлари анъанавий шаклларда чолғу ижрочилик амалиётида қўлланилиб бизнинг давримизгача етиб келди. Соз ясовчи қўли гул



халқ усталари бир парча ёғочга, қамишга, суякка «жон» ато этдилар, ноёб созлар яратдилар. Миллий созларимиз ниҳоятда бой, хилма-хил бўлиб, соз ижрочиларининг сероҳанг, жарангдор, тубдор садолари тингловчилар қалбига руҳий ором бахш этиб келган. Хусусан, “дутор” (қўштор) ҳам етакчи соз сифатида ғазалларда мадҳ этилган. Дутор наволари, кўҳна соз садолари сайёрамиз бўйлаб ҳамиша янграб, жаранглаб келган. Дутор тўғрисидаги илк маълумотлар Ал—Хусайннинг XV асрда яратилган мусиқа қонунларида ёритилган. Дарвиш Алишер (XVII аср) мусиқа санъатига оид машҳур рисоласида ҳам дутор сози ижрочилигида етук бўлган Юсуф Мавлудий, ҳироти дуторий номлари келтирилади. Дутор сози аслида қадимий Мизробторли чолғулар оиласидан тарқалиб, кейинчалик миллий чолғулар сифатида турли халқлар орасида ўзгача атамалар билан номланиб созандачилик амалиётида кенг қўлланилиб келинган.

«Дутор» (иккита торли) атамасининг келиб чиқишига созни шаклан ўхшаш торли созлардан фарқлаш асосий сабаб бўлган. Дуторга ўхшаш чолғулар Озарбайжонда «Саз», грузинларда «Пандури», қирғизларда «Комуз», қозоқларда «Домбра» ва хитойликлар-

да «Пипа» каби атамалар билан созандачилик амалиётида қўлланилган.

Нажмиддин Кавкабийнинг «Илм адвор» деб номланган рисоласида ҳам етук дуторчи созандаларнинг номлари кўрсатиб ўтилган. Туркистон ўлкасининг таниқли тадқиқотчиси В.И. Массальскийнинг таърифлашича: мусиқа созлари — дутор ва қўбизни деярли барча хонадонларда учратиш мумкин эди. Бу хулоса шундан далолат берадики, халқ маданий—маънавий ҳаётида оилавий мусиқачилиқ дутор воситасида ҳам қадимдан амалиётга кўчган. Ҳар бир ўзбек хонадонининг тўрида созлардан ҳеч бўлмаса, дутор албатта, осифлиқ турган. Негаки, бир куни кимдир уни чалиб, кўпчиликни хурсанд этиши назарда тутилган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, дутор сози янада оммалашади, ижрочилиқ санъати янада ривожланади. Ўзбеклар, тожиклар ва туркманларнинг энг сеvimли чолғуларидан бирига айланади. Бинобарин, Ўзбекистоннинг турли даҳаларида машҳур дутор ижрочилари шакллана боради.

Дутор ижрочилиқ санъати тарихида ўчмас из қолдирган машҳур соз усталари ҳақида муштарийларга маълумот беришни лозим топдик.

**Ҳожи Абдулазиз Расулов** (1852-1936) Самарқандда таваллуд топган. Самарқанд санъат коллежи устознинг номлари билан юритилади.

**Абдусоат Ваҳобов** (1875-1934) Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Унинг энг сеvimли сози — дутор чолғуси бўлган.

**Куржи ота Авазматов** (1868-1940) Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида таваллуд топган.

**Қўзихон Мадраҳимов** (1888-1962) Марғилон шаҳрида тандирчи оиласида таваллуд топади.

Созанда «Кўштор» куйининг ўзгача ижро талқини билан кўп сонли тингловчилар эътиборини қаратади.

**Уста Рўзматхон Исабоев** (1885-1964) Наманганда темирчи оиласида таваллуд топган. Наманган мусиқа коллежи ҳозирги кунда устознинг номи билан юритилади.

**Муҳиддин ҳожи Нажмиддинов** (1888-1964) Андижон шаҳрида деҳқон оиласида таваллуд топган.

**Лутфихоним Саримсоқова** — (1876-1974) Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган. Ёшлигиданоқ дутор созига ҳавас қўяди.

«Ўзбек саҳнасининг онахони» сифати ва кўп сонли муҳлислар меҳр-муҳаббатига сазовор бўлади.

**Юнус Ражабий** (1897-1971) Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ўзбек халқ чолғулари ихтисослиги бўйича бирин-

чилар қаторида академик унвонига сазовор бўлади. Ўзбекистон радиоси тасарруфидаги “Мақомчилар ансамбли” устоз номи билан юритилади.

**Ориф Қосимов (1909-1999)** Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топади. Дутор созини чалишни уста Абдусотат Ваҳобов раҳбарлигида Тошкент мусиқа техникумида ўрганган.

**Ҳожихон Болтаев (1902-1987)** Хоразм вилояти, Хонқа туманидаги Атлуваж қишлоғида этикдўз оиласида таваллуд тошган.

Кўп йиллик самарали ижодий фаолияти эвазига моҳир дуторчи, мақом ижрочилик санъати устаси, машҳур ҳофиз даражасига кўтарилди. Элгата танилади.

Дутор созида моҳир ижрочилар авлодининг давомчиларидан тошкентлик Абдусамат Илёсов, Гуломжон Кўчқоров, Боқижон Раҳимжоновлар номлари ҳам машҳурдир. Созандачилик санъати тарихида мақом туркумий асарларни ижро этишда дутор, танбур ва доира созларидан жўрна овоз созлар сифатида фойдаланиб келинган. Сўнгги йилларда ижрочилик санъати янада ривожлана борди, янги поғонага кўтарилди. Эндиликда созандалар дутор созига янги ҳаёт бағишламоқдалар.

Дутор ижрочилик санъатининг кейинги даврдаги юксалиши Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолияти билан бевосита боғланади.

Зеро, 1948 йилдан консерваторияда дутор сози бўйича олий таълим-тарбия бериш ибтидо тошган.

Дутор синфи ҳам махсус синф сифатида ўша йили шаклланди. Ашот Иванович Петросянц бу хайрли иш ташкилотчиси бўлди. Таълим-тарбия соҳасида катта бурилиш вужудга келди. 1950 йилларга бориб, дутор ижрочиларининг янги авлоди етиштирилади, уларга бадий жамоаларда ишлашга йўлланма берилди. Лаълихон Султонова, Абдусамат Илёсовлар ҳам мазкур синфнинг илк битирувчилари эдилар. 1967 йилга келиб, дутор синфига консерватория битирувчиси Боқижон Раҳимжонов раҳбарлик қилади. Дутор синфи эндиликда етакчи синфлардан ҳисобланади. Ўша йиллардаёқ машҳур дуторчи, Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов ҳам ўқитувчилик ва таълим тарбия ишларига жалб қилинади. Олий тоифадаги дуторчиларни тарбиялаб етиштириш мақсадида вилоятларга юборилади. Юртимиздаги мавжуд мусиқа ва санъат ўқув юртларида ҳам дутор чолғуси бўйича олий ва ўрта маълумотли кадрлар тайёрлаш масаласи йўлга қўйилади.

1960 йилларга келиб ижрочилик санъатининг янада юксалиши натижасида дутор созида концерт ижрочилик фаолияти кенг қулоч ёзади. Созанда ижрочиларнинг кўрик танловларини ўтка-

зиш анъанаси такомиллашадди. Зарур шарт-шароитлар, имкониятлар яратилади.

1970 йилда Тошкент шаҳрида биринчи республика кўрик танлови ўтказилади. Созларнинг барча турлари, шунингдек, дутор сози ижрочилари ҳам танловда фаол қатнашадилар. Бу кўрик-танловлар оммавий мусиқа байрами тантаналари доирасида мунтазам равишда ўтказилиб, ҳозирги давргача муваффақиятли равишда давом эттирилиб келинмоқда.

Дутор сози учун бастакорларимиз томонидан талайгина мусиқий асарлар яратилди, Б.Ф.Назаров “Дутор наволари”, С. Жалилнинг “Концерт пьесаси”, С.Каримхожи, М.Жоймуродов пьесалари, Ойдин Абдуллаеванин “Дутор ифори”, Б. Гиенконинг “Туркман Эшвойи” М.Насимовнинг “Уфори санам” и шулар жумласидандир.

М. Асиров, Ф.Васильевлар томонидан “Дутор дарслиги” яратилди. Бу жараён узлуксиз давом этиб келмоқда. Дутор сози якканавоз оркестр ва ансамбл таркибида ҳам кенг қўлланилиб, ниҳоятда оммалашиб келаётган чолғулар қаторидан ўрин олди. Кўп сонли тингловчи мухлисларнинг севимли созларидан бўлиб қолди. “Дуторим—кўҳна созим” ҳали ҳали ўзбек хонадонининг тўрида осиглиқ турибди.

**Рўзиби ҲОЖИЕВА**

# ЧАГАЕВ

## МУШТИ



*Аллар ҳақида кўп ўқиганман  
Афсонаси кўндир улар ҳақида.  
Аммо чин ални кўриб турибман  
Русланбой Чагаев қиёфасида.*

*Улкан дев олдига гўё осмондан  
Кўндан бир кутилган баҳодир тушди.  
Зарбалар устига зарба ҳар ёндан,  
Ўзбекнинг гурзиси — Чагаев мушти!*

*Тун қўйни чақнади чақин, қалдироқ,  
Юракларда довул, бўронлар увлар.  
Рақиб вужудида изнисиз титроқ,  
Рақиб вужудидан сачради сувлар!*

*Ғолиб бўлмоқликни ким истамас, ким,  
Ким ахир истайди бўлмоқни мағлуб?!  
Тақдир шамоллари айланиб азим  
Она Ўзбекистон баҳодир, ғолиб!*

*Аллар ҳақида кўп ўқиганман  
Афсонаси кўндир улар ҳақида.  
Аммо чин ални кўриб турибман  
Русланбой Чагаев қиёфасида.*

**Азим СУҶОН**



# НАВРЎЗ ТОМОШАЛАРИ ДРАМАТУРГИЯСИ

*1989 йилдан Наврўз байрамини, унинг асослари, тартиб-қоидаларини тиклаш жараёни бошланди. Бу жараёни осон кечди деб бўлмайди. Кексалар хотираларини, журналистлар, ёзувчилар қаламларини ишга солиб, авваламбор Наврўз моҳияти, таркибий қисмлари, томошалари тартибини эсга олиш ва шу тарзда халқнинг мудроқ хотиротини уйғотиб юборишга киришдилар.*

Олимлар Наврўзни тадқиқ этишни бошладилар. Вақтли матбуотда кўплаб маърифий материаллар босилганини шу билан изоҳлаш мумкин. Мақсуд Қориев, Сулаймон Азимов, Иброҳим Раҳим, Ўйтибор Охунова, Йўлдош Муқимов, Пиримқул Қодиров, Шоислом Шомухамедов, Эркин Самандаров, Тоҳир Малик, М. Муродов, У. Қорабобоев, А. Ҳайитметов, М. Жўраев, А. Қоржовов, А. Абдиева, С. Маҳмудова, Т. Қиличев ва бошқа ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, олимлар Наврўзнинг халқчил моҳиятини очиб, унинг таркиби, қисмлари, маросимлари ва томошалари ҳақидаги ишонарли маълумотларни умумлаштирдилар. Бунда улар тарихий манбалардан ташқари донишманд қарияларнинг ҳикояларидан ҳам фойдаландилар. Шундай қилиб, Наврўзни қадрлаган, севган кишилар томонидан бутун мамлакатимиз бўйлаб мисқоллаб тўпланган афсоналар, ҳикоялар, лавҳалар байрамни ташкил этувчилар, саҳналаштирувчилар учун бебаҳо ижодий манба хизмати ни ўтади.

Айниқса, дастлабки йилларда байрам томошалари сценарийлари ва уларнинг саҳнавий талқинларида ўша кексалар тилидан ёзиб олинган тартиб-қоидалар, тимсоллар, маросимлар иш

берди. Ҳамма жойда маҳаллий ижодкорлар гуруҳи Наврўз байрамига тайёргарликни бошлаб юборар экан, ўша оқсоқоллар сайлгоҳ деб кўрсатган манзилларда йиғма ва алоҳида ўтадиган томошалар ва беллашувларнинг халқчил ва байналминал руҳда бўлиши, поклик, ҳалоллик, меҳр-муруват, ҳамжихатлик, тинч-тотув яшаш, она табиати асраш мақсадларига хизмат қилишини ўйладилар.

1989 йил, оз бўлса-да, жамиятда йўл кўйилган демократик, ошкоралик, ҳаракатлари мустабид шўролар ҳокимиятини ичидан кемириб бораётган, зиддиятлар кучайган, Ўзбекистонга олақўз билан қаровчилар кўпайган бир пайт эди. Шундай бир вазиятда, гарчи қадриятлар бўйича алоҳида комиссия тузилиб, ҳукмрон партия пленумида унинг Наврўзни тиклаш ҳақидаги қарори тасдиқланган бўлса-да, уни амалга ошириш осон кечмади. Халқ бу хушxabарни қувонч ва умид билан кутиб олган бўлса, Иттифоқ ҳукумати-нинг Тошкентдаги ишончли вакиллари байрамни ўтказишга имкон борича тўсқинлик қилишди. Наврўзни ўша йил Тошкентда ҳамда вилоят марказларида уюштирилган ҳолда, томоша шаклида ўтказиш имкони бўлмади. Аммо кичик шаҳарлар, қиш-

лоқлар, маҳаллаларда анъанавий тарзда Наврўз барибир байрам қилинди. Баъзи сайлгоҳлар, очпарлар, боғлар, қир ва адирлар, дала бошларида меҳнат аҳли ўйин-кулги қилишди, сумалак, ҳалим пишириб тарқатишди. Бир жойда пойга, бир жойда улоқ чопиш мусобақалари, концертлар ўтди.

Тошкентда ҳам халқ урф-одатларини илмий тадқиқ этган олимлар, уларни яхши билган ижодкорлар Наврўз томошалари сценарийларини ёзишга жалб этилдилар.

Байрамлар ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси 1991 йил Наврўз байрамига тайёргарликни бошлар экан, ўтган йиллардаги тажрибаларга таяниб, Наврўзнинг умумхалқ байрами моҳиятини, халқчилиги, оммавийлигини янада мустаҳкамлаш йўлини тутди. Байрам жамиятнинг илғор қатлами онгида миллий озодлик, миллий ғурур ҳиссиётини уйғотибгина қолмай, балки собиқ иттифоқ ҳукумати-нинг жонсарақ, пала-партиш сиёсати туфайли миллатлар орасида юзага кела бошлаган ўзаро гумонсираш ва таранглик кайфиятига барҳам бериш, ўзаро ишонч ва дўстлик ришталарини янада маҳкамроқ боғлашга хизмат қилиш воситаси бўлиши лозим эди. Шу боисдан ҳам Наврўзнинг асосий томошасини Бош майдонда ўтказишга қарор қилинади. Бу Наврўз мавқеини узил-кесил умумхалқ байрами сифатида тиклаш имконини яратади.

Байрамдан ярим йилча олдин асосий байрам томошаси учун сценарийлар яратиш бўйича тан-

лов эълон қилинди. Танловга қирққа яқин сценарий тушди. Биринчи ўринни Усмон Қорабоев сценарийси эгаллади. Аммо томошада бошқа сценарийлардаги диққатга лойиқ ўринлардан ҳам фойдаланиш лозим, деган хулосага келинди.

Бош майдондаги байрам томошасининг гоёвий мақсади Ўзбекистон ҳукумати ва Президент И. Каримов томонидан саҳналаштирувчи ижодий гуруҳ олдига қўйган баҳорий кайфият, гўзал анъаналар, тўкин дастурхон орқали турли миллат вакиллари бирлаштириш, юзага кела бошлаган мустақиллик майлларини кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим эди. Томоша сценарийси ва саҳнавий талқинда ана шу гоёвий мақсад ўз ифодасини топди. Шунингдек, томошада Она Ватанимиз тарихидан ҳикоя қилиш назарда тутилган. Томошабинлар ҳайкалнинг икки ёнида жойлашган, ҳукумат аъзолари ҳам улар орасида ўрнашган. Томошалар катта саҳнада ўтказилган. Майдоннинг тўрт томонида Тошкентнинг 12 дарвозаси рамзий кўринишлари, қўлларидан ранг-баранг байроқчалар ушлаган ёшларнинг жонли девори дарвозаларни бир-бирига боғлаб туради. Чор атроф баҳор рамзлари, ҳаво шарлари, осуда рангли байроқлар билан безатилган.

1991 йил Наврўз байрами, унинг томошалари, сайиллари мамлакатимиз бўйлаб бадий қадриятларни тиклаш, тарихни ўрганиш, Халқлар дўстлигини улуғлаш, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш руҳида ўтди. Гул, Наврўз, Баҳорой, Деҳқонбобо, Ая-маъжиз афсонавий-рамзий образлари шуҳрат топди. Айниқса, ҳазрат Алишер Навоий образи кўпгина бадий дастурлар, театрлаштирилган томошаларнинг нуфузини белгилади. Марказий телевидение орқали кўрсатилган узлуксиз кўрсатувлар шундан гувоҳлик беради.

Асосий театрлаштирилган байрам томошасини Халқлар дўстли-

ги майдонида ўтказишга қарор қилиндики, бу ҳам ўша сиёсий мақсаддан келиб чиққан эди. Наврўз томошаси орқали турли миллат, турли табақалардан чиққан кишилар халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигини намойиш қилиб, ишончсизлик ва хавотирланишга чек қўйиши ва шу билан Мустақилликка хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Шундай бўлди ҳам.

Халқлар дўстлиги майдони бор маҳобатли сатҳи бўйича томошагоҳга айлантирилди. Мана шу саҳнада кўпдан-кўп жамоалар, таниқли артистлар, спорт намояндалари, ҳаваскорлар, болалар ўз санъатлари ва ҳунарларини намоеън этдилар. Яъни байрам томошаси чинакам оммавийлик касб этди. Узоқда Хадра майдонигача бўлган халқ сайли жонли фон вазифасини бажарди. Режиссёр А. Раҳимов лойиҳаси охиригача амалга ошди деб айтиш қийиндир балки, лекин халқлар орасидаги дўстлик ва биродарликни улуғлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига яхши ниятлар билан кириб бораётгани ўз аксини топди.

Бугунги кунда Наврўз маълум даражада янгиланди, яшарди ҳам. Бу жараён мураккаб кечди. Мана шу жараёнда Наврўз томошалари драматургияси шаклланди.

Наврўз драматургияси деганда, биз фақат сценарийни назарда тутмаймиз, драматургия байрамнинг умумий тизими, тартиби, таркиби, мазмуни ва моҳиятидир. Халқ байрамларининг ҳаммаси ҳам азалдан театрлаштирилган. Айниқса, бу Наврўз байрамга хос хусусиятдир. Театрлаштирилган томоша ҳаётий лавҳалар, маросимлар, ижрочилик намуналарининг муайян жойларга, майдонларга мослаб бир-бирига боғлаб саҳналаштирилган дегани. Шунинг учун ҳам ҳар қандай байрам, айниқса, Наврўз ижтимоий-бадий ҳодиса ҳисобланади.

Ўтмишдаги Наврўз драматургияси асосан байрамлар билан

алоқадор ижодкорларнинг хотирасида сақланиб, авлоддан авлодга ўтиб келган оғзаки драматургия эди. У камдан кам ўзгарган ва кўпроқ ижрочилар, ижодий жамоалар, томошада қатнашган косиб-ҳунармандларнинг савияси, топқирлиги, ўзаро бадий алоқаларга киришувига таянган.

Наврўз байрамининг янги даври драматургияси анъанавий оғзаки драматургиядан тубдан фарқ қилади. Чунки ўзбек халқи бугунги кунда театр, кино, телевидение, радио йўналишида ижод қилувчи юқори малакали, профессионал режиссёрларга эга. Мана, энди майдон томошалари режиссураси ҳам пайдо бўлди. Наврўзнинг янги даври драматургиясини режиссура билан боғлаётганимизнинг сабаби шундаки, байрам томошасини яратишда адабий сценарийнинг ўзи кифоя қилмайди. Адабий сценарийни ёзиш жараёнидаёқ саҳналаштирувчи режиссёрнинг қатнашуви муҳим. Негаки, оммавий томоша драматургияси — бу адабий сценарий, шу негизда изланувчи режиссёр ва режиссёр сценарийни ҳамда шу асосда саҳналаштирилган томоша таркиби ҳамдир. Наврўзнинг катта томошаси драматургияси ўз ички тузилишига кўра мустақил ўнлаб томошаларни, маросимларни, композицияларни, лавҳаларни, ўйинларни қамраб олишини, булар ҳаммаси режиссёр ҳаракати билан ягона гоёвий мақсадга бўйсунини ҳам унутмаслик керак. Шу жиҳатдан Наврўзнинг янги драматургиясини кино драматургиясига қиёслаш мумкин.

Янги Наврўз драматургияси қисқа вақт ичида ҳаваскорликдан профессионаллик даражасига кўтарилиш йўлини босиб ўтди. Унинг ривожига икки босқич яққол кўзга ташланади.

1989-1994 йилларни ўз ичига олган биринчи босқичда, гарчи баъзи маданиятшунос ва этнографлар сценарийлар тайёрлашда қатнашган бўлсалар-да, лекин барибир бу ишда байрамнинг бош режиссёрлари етакчилик қилиш-

ган. Яъни мавзуларни ҳам, гоёларни ҳам, байрам томошалари ва сайллари таркибини ҳам режиссёрлар белгилашган. 1995 йилда драматургияда кескин бурилиш юз берди. Хуршид Даврон байрамнинг асосий томошаси сценарийсини яратар экан, гоёсини ҳам, мавзуларини ҳам ўзи топди, муқаддимаси, қисмлари, хотимаси, образлари, тўқнашувларини ҳам ўзи белгилади. Шундан эътиборан, Наврўз драматургияси профессионализм кўчасига кирди. Аммо у барибир ўзича мустақил бадиий ижодга айлангани йўқ. Ҳамон у режиссура билан мустақам алоқада, тўғрироғи, режиссура билан бирга яшаб келади. Драматургияни режиссурасиз, режиссурани драматургиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Режиссёрнинг режаси, батафсил ишлаб чиқилган сценарийсиз битмайди. Баъзан режиссёр режаси адабий сценарийдан олдин пайдо бўлиб, адабий сценарийга туртки бериши ҳам мумкин.

Демак, адабий сценарий, режиссёр режаси, режиссёр сценарийси (монтаж), гарчи алоҳида шаклга эга бўлса-да, бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Адабий сценарийда бўлғуси томошанинг умумий ва ички гоёлари, шунга яраша ва унга тобе мавзулар белгиланади, гоёлар ва мавзуларни очишга қаратилган таркиб, ундаги композициялар, сюиталар, театрлашган маросимлар, табиат ва меҳнат манзаралари, ўйинлар баён қилинади, қаҳрамонлар, воситалар, ўзига хос рамзий-фалсафий тўқнашув кўрсатилади. Оммавий томошада ҳам конфликт бўлиш керак. Бироқ бу театр саҳнасидагидай антагонистик кучлар тўқнашуви тусида бўлиши шарт эмас, қарама-қаршиликларни енгиш, мусобақа, инсоннинг табиат ёки муҳит билан кураши тусида ҳам бўлиши мумкин.

Режиссёрнинг сценарий режаси театрлашган композицион қурилишнинг умумлашган ифодасидир. Муаллифнинг конструктив фикри унда ёрқинроқ кўринади. Асосий қисмлар, эпизодлар тартиби бўлажак томошанинг ма-

роми (ритми)ни аниқ кўрсатиб туради. Сценарий режаси тажрибали режиссёрнинг онгида адабий сценарий билан ёки ундан олдин томоша кўрсатиладиган майдон билан танишган заҳоти пайдо бўлиб, саҳналаштириш жараёнида улар тузатилиши, баъзан ҳатто ўзгариб кетиши ҳам мумкин.

Режиссёр сценарийси — бўлғуси томошанинг чизма монтажидир. У режиссёр партитура-си ҳам дейилади. Чунки унда бутун майдон бўйлаб жойлашган қисмлар, эпизодлар, лавҳалар, тимсоллар, уларнинг ҳаракат йўналишлари, воситалари ўзаро боғланиши, узвийлиги аниқ кўрсатилган бўлади. Барча саҳналаштирувчилар, техниклар, ёри-тувчилар, овоз созловчиларнинг вазифалари аниқ белгиланади. Бундан ташқари, ҳар бир қисм, ҳар бир эпизод бўйича ҳам аниқ режа-топшириқлар бўлади.


Хўш, Наврўз томошалари драматургиясининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?

Аввало шуни айтиш керакки, бунда объект ўзгармайди, ҳар йил томоша Наврўз байрамига бағишланади, Наврўз ҳақида ҳикоя қилади. Баъзан сценарийни стандарт шаклда ишлаб чиқиб, ҳар йили унинг фақатгина ижрочиларини янгилаш, янгидан саҳналаштириш етарли эмасмикин, деган фикр хаёлга келади. Аммо 15 йил ичида Мустақиллик, Халқлар дўстлиги майдонларида, Алишер Навоий боғида уюштирилган Наврўз томошаларини бир-бир хаёлдан ўтказиб, гарчи объект биргина Наврўз байрами бўлса-да, томошаларнинг бир-бирига ўхшамаслиги, бир-бирини қайтармаслиги, ҳар бири ўз мазмуни, шаклу шамо-йили ва бадиий воситалари билан ўзига хослигини эслайсанда, бу фикрдан қайтасан киши. Негаки, замон ўзгариши, жамият ривожланиши натижасида янги гоёлар, янги мавзулар пайдо бўлиб, Наврўз томошаларида ўз аксини топади. Ҳа, ҳар гал асосий театрлаштирилган томошада Наврўз Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётига маҳ-

кам боғланган ҳолда ўзининг янги бир қиррасини намоён қилади. Биргина томошада Она юртимизнинг ҳам тарихини, ҳам бутунги кунини, ижодий қудратини, салоҳиятини, изланишларини кўргандай бўласиз. Табиийки, Наврўзга бевосита алоқадор мавзулар, қисмлар такрорланиши мумкин, лекин улар ҳам ҳеч қачон мазмунан, ижро ва саҳналаштириш нуқтаи назаридан бир хил бўлмайди. Ҳар гал ўзгача, янги, ранглари, жилolari бошқача. Томошабинларга таъсир кўрсатиш воситалари, усуллари бўлақча.

Иккинчи хусусият — Наврўз томошалари драматургиясининг сиёсатдан, мафқураддан холи бўлишидир. Шўролар даврида оммавий намоёнлашлар, байрамлар ҳам ҳукмрон мафқура ва компартия сиёсатини тарғиб этиш воситасига айлантирилган эди. Мустақиллик давридаги Наврўз томошаларида сиёсат ва мафқуранини тарғиб этувчи бирон бир лавҳа, қаҳрамон, воқеа, шiorни кўрмайсиз. Уларда байрамнинг лавҳалари, қаҳрамонлари, табиат манзаралари, халқ ижодиёти, шодиёнаси, халқнинг кўтаринки руҳияти, ҳис-туйғулари тасвирланади. Тўғри, Наврўз қотиб қолган бир нарса эмас, жамият ҳаёти билан бирга у ҳам ўзгариб, ривожланиб боради. Ижтимоий ҳаёт, жамиятимиз тараққиёти таъсирида Наврўз томошаларида янги мавзулар, янги гоёлар акс этирилиши табиий. Томошаларда Сиёвуш, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби сиймолар гавдаланди, Алшомини саҳналари, инсон қадри, оила бахти, авлодлар истиқболли, халқлар дўстлиги, Туркистон — умумий уйимиз каби мавзулар ёритилди. Мазкур тасвирлар мезони мафқура эмас, балки миллий ва умуминсоний қадриятлардир.

**Болтабой ШОДИЕВ,**  
Саъатшунослик фанлари  
номзоди.



*Нақл қилишларича, қадим замонларда Хоразмга араб мамлакатларидан бир машҳур табиб келибди. Меҳмондорчиликда даставвал дастурхонга қатиқ қўйишибди. Ширин-шакар мевалар, болдек қовунлар тортилибди. Неъматлардан табиб кўрган табиб «Бу мамлакатга менинг керагим йўқ экан. Шундай неъматларни тановул қилган элга хасталик яқин йўламайди» деб ортига қайтиб кетган экан.*

Албатта, бу бир ривоят. Аммо, ривоят замирида ҳақиқат йўқ эмас.

Тарих китобларида қайд этилишича, қадимги замонларда Хоразм қовунлари махсус идишларда араб мамлакатларига олиб кетилган. Қовунларнинг хушгаъмлиги, шифобахшлиги доимо саёҳатчилар диққатини тортгани манбалардан маълум. Жумладан, Хивага саёҳатга келган венгер олими Х. Вамбери воҳа қовунларига, асалдан ҳам тоғли, деб баҳо беради.

лар ҳам бор. Эҳтимол, касби-кори қовунчи экани сабаблими ёки бошқа жиҳатлари туфайлими, ишқилиб «Гурвак» то ҳануз баъзи одамларга нисбатан қўлланилади.

Воҳада қовунчилик жуда қадим замонлардан бери равнақ топиб келади. Маълумки, Хоразмнинг тупроғи — шўрҳок тупроқ, Ҳар йили баҳорда тупроқ шўри ювилади. Баъзи далаларга кўз ташласангиз қор қоплангандек туюлади. Аслида бу шўрҳок ернинг юза қатламидир. Ана

ни янтоқ, шўра, қамиш каби ўт-ўланлар босиб кетди. Оқибатда, бир вақтлар қовунларни гуркираб ўстирадиган дала ташландиқ жойларга айланди — қолди.

Айнан XX асрнинг 70 — йилларида қовунчилик илми кун тартибидан чиқа бошлади. Ерни алдашга ружу қўйилди. Селитра бу илми ич-ичдан емирди. Эндиликда қовун шифобахш неъматга эмас, балки касаллик келтириб чиқарадиган маҳсулотга айланди.

Ёдимда, 1984 йилнинг куз ойлари эди. Ўша вақтда мен туман газетасида ишлаб юрган эдим. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Абдулла Вайсов машҳур бир қовунчи тўғрисида ҳикоя қилди. У Қангли қишлоғида яшаркан. Исми шарифи Оташ қовунчи экан.

# ГУРВАКНИНГ ДОВРУҒИ СЎНДИМИ?

Дарҳақиқат, шундай. Хоразм қовунлари таъми жиҳатидан беназир десак муболаға бўлмас. Ана шу қовунлар сирасига гурвак ҳам киради. Гурвак қовуннинг энг қадимий турларидан. Ёз келиши биланок Хоразмда аввал бодринг, ҳандалак, таннак, кейин эса гурвак пишши.

Хоразмда ҳандалакни «зомча» дейдилар. Гурвак зомчадан салгина каттароқ. Пишган вақтида пўчоқ юзаси тўрлаб кетади. Ана ўша маҳалда пичоқ учи тегиши билан тарс ёрилади. Мағзи худди асалдек, тилла рангда товланади. Ширинликда унга тенг келадиган на-да қовун нави, балки мева-чевалар ҳам йўқ. Шу боисдан полиз оралайдиган чиябўрилар гурвакни хуш кўрадилар. Тонг чоғи ёрилган гурвакларга кўзингиз тушади. Тотли ҳид полизни тутиб кетадики, кишининг боши айланади.

Гурвакнинг машҳурлигини шу жиҳатдан билса бўладики, Хоразм воҳасида «гурвак» лақабли киши-

ўшандай ҳолат қовунлар ривожини учун қўл келса керак.

Ёдимда, ўтган асрнинг 70-йилларида қишлоғимиз четидаги ерларга қовун экиларди. Рўзимён канали соҳилларига. Ўша жойларда янтоқ, қамишлар гуркираб ўсиб ётгани ёдимда.

Қорахонбува, Матюсуббува каби ўнлаб асл қовунчилар ёз келиши биланок полизга кўчиб ўтиб чайла қуришарди. Биз полизга қовун теришга борардик. Ишимизни тугатгач, қовунхўрликка рухсат бериларди. Шунда бир қизалоқ ўрнидан тураолмай йиғлаб ўтиргани ҳамон ёдимда. Бонси, қовунлар шу қадар ширин-шакар эдики, киши тўйганини, ҳаддан ташқари кўп қовун тановул қилганини ҳам билмай қоларди.

Кейинчалик, пахта яккаҳокимлиги авж олиб, канал кўмиб ташланди. Қовунчиликка барҳам берилиб, ёппасига пахта экилди. Бироқ бу майдонларда чигит текис унмади. Бунинг устига нимжон гўзалар-

Абдулла ака билан қовунчининг полизига бордик. Воҳанинг қадимий манзараларини эсга туширадиган полиз. Қовун ҳидидан кўнгилай йрайди. Оташ қовунчи — озгин, қатъиятли, тиришқоқ киши — бизга ўз ишининг «индаллоси»дан гапириб берди. Айтишича, раисдан қаровсиз ётган, ташландиқ ерни сўраган. Унинг гап-сўзларини эшитиб, дастлаб раис ҳам, агрономлар ҳам ҳайрон қолишган экан. Оташ қовунчи янтоқни илдизига ча ўрдириб, ўша илдизга уруғ эктирган. Шу тариқа қовунчилик илмида янги саҳифа очибди.

— Хоразмнинг энг катта ёшулдилари мендан қовун олади, — деди Оташ ака фахрланиб. — Ҳозир бундай қовунлар ҳеч қаерда йўқ.

Шунда, узоқ йиллардан бери илк маротаба дори қўшилмаган қовунлардан тановул қилдик. Биз кўрган қовунлар асалдан-да тоғлироқ эдики, буни таърифлашга қалам ожиз. Ҳали кимёвий дорилар қўллашга ружу қўйилмаган



вақтларда қовун-тарвузлар шифо мақсадида ишлатилганини биламиз. Касаллик ниҳоятда сийрак учрарди ўша замонларда. Ҳозир-чи? Айниқса ёш болалар хасталикларга кўп чалинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳаддан ташқари кўп дори-дармон истеъмол қилинганда жигар ишдан чиқар экан. Шу боиски, отабоболаримиз табиатнинг ўзидан малҳам излаганлар.

Ҳақли равишда савол туғилади. Хоразм қовунчилиги довғруғи нима сабабдан аста-секин сўниб бормоқда? Нега гурвак шуҳрати тарихга айланмоқда? Бунинг боиси нимада ўзи?

Полизкорлар бу саволни қовуннинг нархи билан изоҳлашади. Чунончи, бошқа маахсулотларга нисбатан олганда қовуннинг баҳоси ниҳоятда паст. Хива хонлиги замонида қовунчилар энг бой табақа ҳисобланган экан. Бу тўғрида «Даракчи» газетасида мақола эълон қилинган эди. Полизкор кузги ҳосилини пуллаб, бир йилча муддатда ҳеч қийналмасдан яшаши мумкин бўлган. Айни вақтда бу сингари гапсўзлар бизга афсонадек туюлади.

Алалхусус, бир вақтлар дунёга донғи кетган воҳа қовунлари тўғрисида чуқурроқ ўйлаб кўриладиган давр келди. Ҳар бир қовун нави алоҳида ўрганилса мақсадга мувофиқдир. Чунончи, гурвакнинг довғруғини қайта тикламоқ жоиз. Истиқлолдан аввалги йилларда биз журналистлар пахта яккаҳокимлиги мавзусида кўп ёзар эдик. Айни шу мавзу 90-йилларда одатга айланди. Ҳозир эса бунга ҳожат йўқ. Жамоа хўжаликлари тарқатилиб, ерга фермернинг ўзи эгалик қилмоқда. Далага нима экилишини эндиликда фермер белгилайди. Хўш, шундай экан, нега бизда Оташ қовунчига ўхшаган «ярқ» этиб кўринадиган қовунчилар майдонга чиқишмаяпти? Ёки раҳматлик Оташ қовунчининг илми ҳам ўғмишининг битта бўлагига айланганми?

Халқимизда ишлашни хоҳлаган имконият, хоҳламаган баҳона ахтаради, деган мақол бор. Айни вақтда фермерлар ҳолидан хабар олсангиз баъзилари муҳбирлардан қочишади, «бизни тинч қўйинг» дейишади. Баъзи бирлари эса баҳоналар тизimini рўқач қилишади. Бундан келиб чиқадиган хулоса битта: ерни сев-



маган киши ҳеч қачон элини севмайди. Тилини билмасангиз ер асрорини айтмайди.

Бизнинг қишлоқ жойлашган жамоа хўжалигида ўтган асрнинг 80-йилларида консерва заводи барпо этилган эди. Заводда турли-туман мураббо ва шарбатлар, жумладан, қовун мураббоси ва шарбати тайёрланиб, мамлакат бўйлаб савдога чиқарилган. Талабалик вақтларимизда пойтахт дўконларида ўзимизнинг мураббо, шарбатларни кўриб фахрланиб юрардик. Айни замонда жамоа хўжалиги ерлари фермерларга бўлиб берилди. Консерва заводи ҳам эга чиқди. Лекин тараққийддан ҳануз дарак йўқ.

Бугунги кун одами, дейлик, хонлик замони одамидан кескин тафовут қилади. Боиси, фан-техника ниҳоятда ривожланиб кетган. Бироқ оддийгина сув чиқариш муаммо бўлган хонлик тузумидаги каби натижа кўзга ташланмаяпти. Бизнингча, бунинг сабаби кишилар атворидаги дангасалик иллоти га тақалса керак.

Яқинда «квартира» бозори ёнидан ўтатуриб Баҳодир исмли қишлоқдошимни кўрдим. Бундан ўн йиллар муқаддам хорижий мамлакат билан ҳамкорликда чарм фабрикаси очаман деб майдонга чиққан, қолаверса, пича ер олиб фермерчиликка ҳаракат қилган йигит далоли бўлиб юрибди. Боисини сўрасам, «қишлоқда қийин», деб елка қисади.

Биз тоталитар тузумдан нолиган эдик. Пахта яккаҳокимлиги ҳақида тинмай мақолалар ёзардик. Хусусий мулкчилик тизimini орзу қилардик. Бугун ўша орзулаганимиз — хусусий сектор амалга кўчди. Аммо, нега то ҳануз сезиларли натижа йўқ?

Бу — мислсиз улкан муаммо. Матбуотга олиб чиқиб узоқ вақт муҳокама қилишга арзийдиган муаммо. Нега биз ер қадрига етмай-миз? Аждодларимиз дастурхонини безаган ноз-неъматларни тобора қўлдан чиқараямиз?

Биргина қовунни олайлик. Қовуннинг баъзи турларини бир мавсумдан иккинчи мавсумгача махсус жойларда сақламоқ мумкин. Қовун қоқи, қовун мураббоси, шарбати харидоргир махсулотлари сирасига киради. Воҳа раҳбарлари, ишбилармонлари нега бу соҳага эътибор қаратишмаяпти?

Шундай корхоналар борки, ичимлик билан дунё бозорини эгаллашади. Дейлик, «Пепси-кола», «Кока-кола» ичимликлари жаҳоннинг турли жойларигача етиб борган. Қадим замонларда Хоразм қовунларининг, хусусан, гурвакнинг довғруғи шу шарбатларниқидан кам эмасди.

Мамлакатимиз жуғрофик жиҳатдан қурраи заминнинг энг қулай нуқтасига жойлашган. Чунончи, Европага қиёсан олсак, мева-чеваларининг ширинлик даражаси баланд. Европа олма-юноклари нақ чойнакдай келса-да, биздаги каби тотли эмас. Худди шу каби қовунларимиз алоҳида нуфуз касб этади. Бозорларимизда олис мамлакатларда етиштириладиган киви учрайди. Хоразм гурвакларини-чи? Дейлик, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Америка бозорларини гурвак безаб турадимиз? Бунинг жавоби тайин. Йўқ... Сабаби, биз асл гурвак навини аста-аста қўлдан чиқармоқдамиз. Гурвакнинг довғруғи сўндими?

БАҲРЎЗ

# ЯРИМ АСР ПОРЛАГАН

# МАЁЎК

Мен устоз Озод акани ўлмайдиган одам деб билардим. Бу табаррук зот вужудидаги мислсиз ирода, бардош, шижоат хали бери ўлимни яқинига йўлатмаса керак деб юрардим. 2005 йил 4 октябрида – муборак рамазони шарифнинг илк тонгида устознинг вафоти хабарини эшитганимда, сўнг Қибрайдаги хонадониди худди тирикдек ётган майити ёнида тиз чўкиб ўтирганимда, не ҳолга тушганимни ифодалашга тилим ожиз. Начора, тувилиш бор экан, ўлим ҳақ. Ҳаётимдаги энг мушкул дам ўша кунни устоз тобути бошида туриб Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Хайридин Султоновлар қатори видео сўзини айтиш бўлди. Ўша дамларда кўнглимдан кечганларни қоғозга туширгудек бўлсам, бутун бошли китобга айланарди.

Озод аканинг ярим асрлик фаолиятининг асосий қисми Ўзбекистон Миллий университетиди ўтди. Мен у кишининг биринчи шогирди эдим. Ярим аср у билан бирга ишлаш, ҳамкору ҳамнафас бўлиш мен учун Аллохнинг беназир инояти деб биламан. Мислсиз истеъдод соҳиби, шахси бутун бу улур сиймонинг ижодий жасорати туфайли миллий университет мамлакатимизда жамоатчилик тан олган адабий-танқидий марказлардан бирига айланди. Устоз бу масканда ўзига хос мактаб яратди.

О. Шарафиддинов миллий адабиётимиз ривожиди Сталин вафотидан кейин 50-йиллар ўрталаридан бошланган янги бир тўлқиннинг танқидчиликдаги даракчиси си-

фатида майдонга чиқди. «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Замон, қалб, поэзия», «Ниҳоллар» сингари мақолалари билан адабий-танқидий тафаккур равнақида бурилиш ясади, расмий доираларга хизмат қилувчи ўта мафкуравийлашган «шеърият»га қарши илк бора мардона туриб жанг очди. Шеъриятда шоир кўнғил розларини, қувончу ташвишларини, дардли дунёсини ифода этувчи чинакам инсоний тамойилларни ҳимоя қилиб чиқди, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари ёрқин истеъдодларни илк қадамларидаёқ ҳимоя қилиб уларнинг ижодий тақдирига кучли таъсир кўрсатди. Бугина эмас, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Миртемир, М. Шайхзода, Шухрат, Асқад Мухтор, О. Ёқубов, П. Қодиров сингари етакчи адиблар билан ҳамкору ҳамнафас, маслакдош сифатида жўшқин адабий жараён ичида ёниб яшади, бетиним ижод этди. Шу пайтга қадар бизда ижод аҳли билан мунаққиднинг бу тарздаги ҳайратомуз ва ибратомуз ҳамкорлиги бўлган эмас.

Дадил айтиш мумкинки, биринчи галда Озод аканинг саъй-ҳаракати туфайли миллий танқидчилигимиз замонавий жаҳон танқидчилиги тафаккури даражасига кўтарилди. Ярим аср давомида бу улур зот танқидчилигимизнинг қарвонбошиси-лидери бўлиб келди. Бунақаси жаҳон танқидчилиги тарихида сийрак учрайдиган ҳол.

Аёнки, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб танқидчи ва адабиётшунос мутахассислар тайёрлаш-

нинг муайян тизими шаклланди, филология бўйича фан номзоди, доктори илмий даражасини олиш ҳаракати оммавий тус олди, бу соҳа тирикчилиги, касб-хунар, лавозим, мартабаларни эгаллаш воқитасига айланди. Номзодлик, докторлик диссертацияларининг низомлари яратилган, ҳозир у адабиётшуносликнинг муайян жанри тусини олган, унинг қатъий талаблари бор, ҳатто диссертация таркиби, нечта боб ва фасллардан иборат бўлиши зарурлиги қатъий белгилаб қўйилган. Ҳар йили бизда адабиётшунослик бўйича 30-40 атрофида фан номзоди, доктори тайёрланади. Бироқ масаланинг «лекин»и бор. Хўш, шулардан нечтасини «мунаққид» — чин истеъдод эгаси деб аташ мумкин? Бунга дадил жавоб беришга тил ожиз. Гарчи Озод ака ҳам фан номзодлиги диссертациясини ёқлаган, ўзи 26 та фан номзоди тайёрлаган бўлса-да, бу ҳаракатни унча хушламас, диссертация масаласига қандайдир киноя-истеъзо билан қарарди. Ўз номзодлик диссертациясидан кўнгли тўлмаган, докторлик диссертацияси устида ишлашни эса ҳаёлига ҳам келтирмаган. Гап шундаки, устоз табиатан диссертация қолипига тушмайдиган, стереотипларни тан олмайдиган шахс эди. У танқидчиликни санъат деб биларди, худди Нитше фалсафани поэзия, дoston даражасига кўтаргани каби, Озод ака ҳам танқидчиликни чинакам ижод – санъат асари, шеърият даражасига олиб чиқди. Агар хоҳиш-истак, майл

бўлса, муайян тайёргарлиги бор ҳар бир одам бемалол номзодлик, докторлик диссертациясини «ясайвериши» мумкин; аммо «Чўлпонни англаш», «Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари»дек асарларни фақат Озод акадек ноёб истеъдод сохибигина яратиши, бунёд этиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, мунаққид ижодий фаолиятининг ўттиз беш йили шўро истибдоди даврида кечди. Мустабид тузум адабий сиёсати, яккахоким мафкура, соцреализм ақидалари босими, табиийки, унинг ижодий тақдирида муайян даражада ўз асоратларини қолдирди. Бирок унинг бу йиллардаги жўшқин фаолияти замон таъкибу тазйиқлари остида акидапарастликка қарши курашлар, адабиёт оламидаги чин истеъдодлар, асл асарлар химояси йўлида ҳақиқат, адолат учун мурасасиз мардона жанглари ичида ўтди. Унинг минбарлардаги, матбуотдаги деярли ҳар бир жиддий чиқиши кескин қаршиликларга учради, унинг номи ҳар доим қора рўйхатларда юрди. Бу хусусда аввало устознинг ўзи «қўб» ва «хўб» ёзган. Бунинг учун унинг «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?», «Чўлпонни англаш» рисоаларини эслаш кифоя. Бу борада шахсан ўзим гувоҳ бўлган баъзи воқеаларни эслатиб ўтсам дейман.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб Миллий университетда Фулом Каримов бошчилик қилган, Озод ака ишлайдиган Ўзбек адабиёти кафедрасининг мавқеи гоёта баланд, XIX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти ҳамда замонавий адабий жараён тадқиқи бўйича мўътабар илмий марказ саналарди. Шу орада кафедранинг иккига ажратиш масаласи кўтарилди. Адабиёт тарихи бўйича мудир тайин, аммо ажралиб чиқажак замонавий адабиёт кафедрасини ким бошқаради, деган муаммо юқори доирадагиларни ўйланти-

риб қўйди ва бу масала узоқ йиллар пайсалга солиниб келинди. Ниҳоят, Ф. Каримовнинг қатъий туриб олиши туфайли 1974 йил баҳорида матбуотда янги кафедра мудирлигига конкурс эълон этилди. Конкурс натижаларига бағишланган илк мажлисда маълум бўлдики, мудирлик лавозими учун Турсун Собиров, Салоҳиддин Мамажоновлардан ариза тушибди. Бироқ университет домлаларидан бирортаси ҳам ҳужжат топширмагани мажлис аҳлини ўйлантириб қўйди. Ф. Каримовнинг маслаҳатига кўра Хатиба Ҳакимова ва камина ариза топширишимиз лозим эди. Гоёта андишали аёл Хатибахон Озод акадай буюк олим турганида бу лавозимга даъво қилишни ўзига эп кўрмаган ва устоз таклифини қатъиян рад этган. Менинг вазиятим ҳам аён, ахир устоз турганида мен қандай қилиб бу ўринга даъвогарлик қиламан?... Мажлисда бу гаплар дангалига ўртага ташланди. Қизик, ўша куннинг ўзида Т. Собиров билан С. Мамажоновлар аризаларини қайтариб олдилар.

Эртаси куни Ф. Каримов мени ўз ҳузурларига чорладилар; асл ниятга ўтиб, мудирликка ариза топширасиз, шунга келишдик, дедилар. Кўнгилдаги андишаларимни айтганимда: «Аслида, бу жой Озодники, — дея сўзларини давом эттирдилар. — Мен кўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, лекин гапимни ўтказолмадим, юқоридагилар «Бу лавозимни Озодга бериб бўлмайдими» деб туриб олишди. Агар пайсалга солсангиз, бу ўринга бошқа ёт бир одам келди-ю, Озодга ҳам, Сизга ҳам ёмон бўлиши мумкин. Бир йил ўтар, икки йил ўтар, фурсат келар, ана ўшанда мудирликни икки қўллаб асл эгасига топширасиз. Озоднинг фикри ҳам шу!»

Ноилож рози бўлдим, орадан шунча йиллар ўтиб кетди, аммо домла ваъда қилган фурсатдан да-

рак бўлмади. Шундай бўлса-да, кўнгил бир жиҳатдан таскин топади: 26 йил хозирги ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилган бўлсам, асосий вазифам устозни бало-қазолардан асраш, кўнгилдаги улуг оруз-ниятларини имкон қадар рўёбга чиқаришда унга таянч ва суянч бўлишдан иборат эди.

Шу йиллар давомида кафедра ҳаёти, илм-фанга оид барча жиддий муаммолар устоз билан бамаслаҳат ҳал этиларди. Яширмайман, айрим масалаларда баҳслашиб ҳам қолардик. Истиқлол руҳи билан йўғрилган мактаб адабий дастури, олий ўқув юртлари учун XX аср ўзбек адабиёти дастури ва дарслиги унинг иштирокида—ҳаммуаллифлигида яратилди. Ажиб ибтидо ва интиҳо: сафарда бўлганликлари туфайли муаллифга катта шуҳрат келтирган «Замон, қалб, поэзия» китоби корректурасини ўқиб нашриётга тақдим этишни ишониб менга топширган эдилар. Орадан қирқ йил ўтиб ўзи «Замон, қалб, поэзия»дан кейинги энг яхши китобим деб санаган «Ижодни англаш бахти»га масъул муҳаррир бўлиш, сўзбоши ёзиш шарафи менга насиб этди. Қизик, каминага тақдим этилган бу китобдаги дастхатда устоз мени негадир «дўстим» деб атаган ва «Менга сadoқатингиз туфайли доим қаноатланиб юраман» деб ёзган.

Дориломон кунлар келгач, истиқлол туфайли устоз елкасига офтоб тушган кезлари у кафедра мудирлигидан ҳам муҳимроқ лавозимларда, чунончи, аввал «Ҳазина» нашриётида бош муҳаррир, сўнг энг нуфузли янги нашрлардан «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири ўринбосари, ниҳоят, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири вазифаларида хизмат қилди. Лекин у Миллий университет, факультет, ўзбек адабиёти кафедраси билан алоқасини узмади, умрининг охирига қадар ўзини шу даргоҳнинг одами, фарзанди

(Давоми 29-бетда)

# БИР О В Н И Н Г

# Х А Қ И

Хикоя

Садриддин мактабни битириб, институтга кираман, деб орзулар огушида юрган кунларнинг бирида узоқ вақтлардан бери касалланиб ётган отаси қазо қилди. Отанинг ўлими хонадондагиларни саросимага солиб қўйди. Отаси жон бераётган чоғида болаларини чақиртириб, “Яхши, ҳалол одам бўлинглар, бировнинг ҳақиға хиёнат қилманглар, умр бўйи бировнинг бир тийин ҳақиға хиёнат қилмадим, иложи бўлса ўқинглар, ўқиганга нима етсин. Ҳа, айтганча, Раззоқ чойхоначидан зарур бўлиб қолиб бир ярим минг сўм қарз олган эдим, шуни бериб қўйинглар. Ўлимлигим ёстиғимнинг тағида, қарз ёмон нарса, нариги дунёда тинчгина ётай, шунча қилган тоатибодатим зое кетмасин”, — дейишга улгурди ҳартугул. Фарзандлар суянган тоғларининг кетиб бораётганидан ўкиниб йиғладилар, лекин насиҳатларини “отанинг ҳар доимги гаплари-да” деб қабул қилдилар.

Шундай қилиб, Садриддин отасининг маъракалари билан андармон бўлиб, институтга ҳужжат топширишга-да имкон бўлмади.

Тўқимачилик комбинатида узоқ йиллар ишлади. Икки марта институтга ҳужжат топшириб кўрди, аммо омад кулмаган экан, зиёли бўлолмади, армонда қолди. Бола-чақали бўлганидан сўнг эса институтга кириш ҳақида ўйламай ҳам қўйди. Ўқимадим-ўқимадим-да, дея ўзини юпатарди у. Мана, кўшниси Азим иккита институтни битирганман, дейди. Ҳеч бири икки

бўлмади. Мен ўқимаган бўлсам, насиб бўлса, болалар ўқишади. Замон, вазият ўзгариб Тўқимачилик комбинатида ишчи сони қисқарди ва Садриддин ҳам бошқа иш излаб қолган кунларнинг бирида кўшниси “Саъдуллавовай катта новвойхона очяпти, бирга ишламаймизми», деб қолганида сира иккиланмай рози бўлди, кўшнисига кўшилиб новвойликни ўрганди. Садриддин маҳалла бошида, икки қаватли данғиллама иморатда яшовчи Саъдуллавовай деган кўшнисини ҳар замонда бир кўради, холос. Мана ишлаётганига бир йилча бўлиб қолди, фақат машинасида ўтиб қолганида кўрмаса, деярли яқиндан кўрмади. Бир куни новвой йигитлардан “Бу хўжайин қанақа одам ўзи?” деб сўраган эди, улардан бири “Узумини еб юравергин, боғи билан нима ишинг бор?” деб қўйди. Иккинчиси эса “Хўжайин жуда яхши одам, кўли очиқ, ўтган йили ўғилчамнинг кўлини ҳалоллайман, деб озроқ қарз сўраб борган эдим, берди. Уч ойдан кейин қайтардим, бирон марта қистагани йўқ,” — деди.

Садриддиннинг бу инсонга бўлган ҳурмати тобора кучая борди. “Қандай қилсам, бой бўламан. Одамлар қандай қилиб бойишар экан-а?” дея қаттиқ ташвишга тушди. Эшитишига қараганда, Саъдуллавовайнинг отаси оддий шофёр бўлган, ўғил-қизлари эса қазо-қазо жойларда ишлашади, ўқишади.

Астойдил меҳнатлари туфайли уни бош новвой ўринбосари қилиб қўйишди. У бири икки бўлгани сайин хасис ва қурумсоқ бўла борди. Қозонга ҳафтада бир марта гўшт солинадиган,

картошка-пиёзгача тежаладиган бўлди бу хонадонда. Эрининг кундан-кунга қизганчиқ бўлиб бораётганлиги аёлини таажжубга сола бошлади.

Садриддин ундан иқтисод қилиш йўлларини ўрганди, бунинг учун ҳамирга ачитқи кўпроқ солинади ва ҳамир кўпроқ шишади, натижада нон каттароқ кўрилади. Лекин одамлар анойи эмас, бора-бора айримлар бу новвойхонани четлаб ўтадиган бўлдилар. “Ҳечқиси йўқ, дея ичида қулди Садриддин, олмасаларинг олманглар, нон ҳеч қачон қолиб кетмайди, ярим тунгача бўлсада ўтириб сотамиз!” — деди. Лекин шундан кейин Садриддиннинг ишлари юришмай қолди ва нон қолиб кетадиган бўлганидан сўнг “шеф”нинг қулоғига етиб боришидан, ризқи қийилишидан чўчиб, ҳамирни аввалгидек тайёрлай бошлашган эди, аввалги харидорлар яна келадиган бўлиб қолиши ва бироз танбех ҳам беришди.

Бир куни мижозлардан бири “Бош новвойга бериб қўйинг, тўй қилмоқчи эдим, кеча келишган эдик, закат ташлаб кетинг, деган эдилар, бериб қўйсангиз” деб эллик минг сўм ташлаб кетди. Садриддин киши билмас пулнинг орасидан беш мингини олиб, қолганини бош новвойга берди. Новвой унга қаттиқ ишонар эди. Пулни санаб ҳам ўтирмасдан умумий пул сақланадиган пулга кўшиб қўйди. Садриддин кечкурун чарчаб-ҳориб уйига кириб борса, ўғилчаси қорнини ушлаб чирқиллаб йиғлаб ётар, хотини қаттиқ ташвишланган кўйи боланинг тепасида парвона бўлиб дори ичираётган эди. Ҳамшира кўшниси ҳам шу ерда. “Ташвишланманг, бирпасда ўтиб кетади, бироз офтоб урган холос. Тезроқ бориб дорихонадан мана бу дориларни олиб келинг, кўрмагандек бўлиб кетади”, — деди. Садриддин болага қарама-

ган аёлини очикчасига сўкиб-сўкиб дорихонага югурди.

Бир соатлардан сўнг ўгилчаси ўзига келди. Шундан сўнггина Садриддин ўзига келди ва қаттиқ чарчоқ ҳаяжондан уйкуга кетди. Эрталаб туриб чўнтагига қўл суққанида кечаги пул жойида йўқ эди. Демак...

Эртаси куни бир болакай пул узатиб, “Тўртта нон беринг, амаки” деди. У болани бола билиб унга чети куйган нонлардан берди. Фалокатни қарангки, кейинги тандирдаги нонларнинг ҳаммаси негадир куйиб кетди. Демак... деди у ичида ва яна-яна хато қилишдан чарчамади. Бир сўм қилган фойдаси ўзига уч-тўрт сўмига зарар бўлиб, алдаганлари ўзига бир неча баробар алдов бўлиб қайтаверди. Садриддиннинг хафсаласи пир бўлди, бойларга ҳеч қачон ҳавас қилиб бўлмас экан, улардек бўламан, дегунча умуртқаси синиб кетар экан.

Бир куни тонг азонда отаси тушига кирди, Садриддин отасига салом берса, алик олмас, жуда қаттиқ хафа эмиш. Садриддин уйғонганидан сўнг отаси нима учун хафалигини билолмай боши қотди, бир неча кун кўнгли гаш бўлиб юрди-ю хотиним билар, деб тушининг таъбирини сўради. “Отамиз, менимча, сиздан қаттиқ хафага ўхшайдилар. Эсингиздами, ўзингиз айтиб берган эдингиз, қайсидир чойхоначидан қанчадир қарзлари бор экан, шуни узиб кўйинг хўжайин, қарз энг ёмон нарса”, — деб қолди.

Хотини бало экан, ҳарҳолда ўқиган-да, ўқитувчи. “Э, кўйсангчи, орадан уч-тўрт йил ўтди, қарзи арзимаган бир ярим минг сўм экан. Ўша чойхоначининг уйи қаердалигини ҳам аниқ билмайман” деган эди, хотини “Йўқ, ундай деманг, эринмай излаб боринг, отамизнинг қарзини узинг” деди астойдил куйиниб.

Садриддин хотинининг гапига парво қилмади, ўз ишлари билан андармон бўлиб кетди-ю, тушини ҳам унутди. Лекин ишлари чаппасидан кетаверди, бир таниши уни алдаб-авраб эллик минг сўм пулини олди-ю, анча

кундан бери бермай қочиб юрибди. Орқасидан излаб борган эди, топа олмади, ижарада яшар экан, кўшнилари унинг бошқа жойга кўчиб кетганлигини, кўп одамлардан қарз олганлигини ва ўша одамлар қарзини қистаб келаётганлигини айтишди.

Хуллас, Садриддиннинг бири икки бўлмади. Бир сўм фойда қилса, ўн сўм зарар бўлиб чиқиб кетаверди. Хотинининг қистовларидан сўнг Раззоқ чойхоначининг уйини излаб кетди. Унчалик урингани ҳам йўқ, топди.

Дарвозани ўттиз ёшлардан ошган йигит очди ва уни ичкарига таклиф қилди. Садриддин ота билан учрашмоқчи эканлигини айтган эди, йигит “Гапингиз бўлса, менга айтаверинг, отамнинг ўтиб кетганларига бир йил бўлди” деган эди, Садриддин ёмон аҳволга тушиб қолди. Ичкари уйга киришди, Садриддин отанинг ҳаққига қуръон туширди.

— Ука, — дея гап бошлади Садриддин. — Отамиз бундан бир ярим йил илгари бандаликни бажо келтирдилар. Отангиз билан оғайничилиги бор экан. Шу десангиз... отам амакимиздан озроқ қарз олган эканлар, шуни бериб кўяй деб...

— Қанча қарзлари бор экан? — сўради чолнинг ўғли. — Сиз қайдан билиб қолдингиз қарзлари борлигини?

— Бандаликни бажо келтираётганларида бизга айтиб эдилар. Унчалик парво қилмадик. Яқинда тушимга кирдилар, қовоқ уйиб турибдилар-да, нима дейсиз...

— Қарзлари қанча экан?

— Бир ярим минг...

— Бир ярим минг? Кўкиданми?

— Йўғ-е, — деди ўнғайсизланган кўйи Садриддин. — Бир ярим минг сўм, ука...

— Э, яшанг-е ака, — деди йигит. Шунга шунча ташвишми? Ҳе, шуям пулми? Одамни жуда пастга урманг ака. Отамнинг ўрнига мен мингдан минг розиман. Энди, ака, ишларим кўпроқ эди. Хайр!

— Ахир?

— Мен сизга нима дедим? Орадан шунча вақт ўтиб уялмасдан арзимаган пулни кўтариб кел-

дингизми? Шундоқ отам шу... арзимаган пулга тенг бўлдиларми-а? Давай, жўнанг! Хув сендақа ҳалол одамни... Виждонлари уйғониб қолибди бу кишининг!

Садриддин унга “пулни олинг, бирон нимага ишлатиб юборинг” деб роса ялинди. Марҳумнинг ўғли тажанглашгандан тажанглашди. Шу пайт ичкаридан ёши етмишларга яқинлашган бир онахон чиқиб келди.

— Болам, мени роса уялтирдинг-ку, — деди онахон. — Мехмонга ҳам шундай муносабатда бўладими, одам? Бир одам гўрида азоб чекиб, қийналиб ётса-ю, ўғлининг тушларига кириб безовта этаверса, биз нега жим туришимиз керак экан? Пулни менга беринг, болам. Чолимнинг ўрнига мен қабул қилиб олдим. Бугуноқ бу пулга набираларимга ширинликлар сотиб олиб бераман! Болам, сиз жуда ҳалол инсоннинг фарзандисиз. Отангизни танирдим, бизниқида бир неча марта бўлганлар...

Садриддиннинг кўнгли хотиржам бўлиб чиқиб кетди ва ўша куни оёғини узатиб тинч ухлади. Тонгда уйғонганида худди тоғни талқон қилиб кўйган одамдек кучли ҳис қилди ўзини. Тушга яқин унга таниш болакай келди. Бу Садриддин ҳамиша куйган нон тутқазиб юборадиган бола эди. Бола нон олишдан олдин унга бир зум термулиб қолди.

— Амаки, — деди бола. — Менга яна куйган нон берманг, дадам ўшанда бир тарсаки урдилар.

Садриддин ғалати куйга тушди. Гўё бола катта одаму Садриддин унинг қаршида жуда-жуда ожиз, чумолисифат одам ўрнида кўрди ўзини. Айланиб ташқарига чиқди ва болакайнинг у юзидан, бу юзидан ўпди.

— Болажон, — деди у. — Мен сенга энг лўппи, энг чиройли нонлардан бераман, мана буларни куйган нонларингнинг ўрнига бераман!


— Йўқ, керакмас, — деди болакай жиддий тортиб. — Бу ахир бировнинг ҳаққи-ку! Менга ўзимнинг нонларимни берсангиз бўлди, амаки...

Садриддин ичидан зил кетди.

# ҚҰЛИ ОЧИҚ ЧАВАНДОЗ

*Ўғатлик Содиқ полвон ўтган асрининг қирқинчи йилларигача улоқ-кўпкари пойгаларида иштирок этиб, эл ўртасида донғи чиққан чавандозлардан бири бўлган. Кексаларнинг таъкидлашича, у Бухорода от чопиб бир неча бор совриндор бўлиб, амир Олимхон назарига тушган экан. Ҳатто кўшни Қозоғистон ва Тожикистондаги биродарларимиз ҳам уни тўй-ҳашам, тантана ва йиғинлардаги улоқ-кўпкариларга таклиф қилиб туришган. Полвон ҳеч бир пойгадан қуруқ чиқмас, кўлга киритган совринларининг кўпчилиги қисмини масжид ва мадрасаларга, ёрдамга муҳтож бўлган оила ва бечора-ҳол одамларга бериб юборавераркан.*

*Ҳаёти давомида у ҳеч қачон ёрдамга муҳтож бўлмаган, ҳеч кимдан қарз ҳам сўрамаган. Неки тиласа, фақат Оллоҳдан тиларкан, ориятли ва гурури баланд инсон бўлган.*



## ОТНИ СОВУТИШДА ГАП КЎП

Содиқ полвон ҳар сафар пойга олдидан пасту баландни писанд билмайдиган, донғи чиққан қамишқулоқ саманини совутишга алоҳида аҳамият берарди. Отлар султони, пеши қашқа саман — юввош, эгасини тепмас ва тишламасди. Юлдузни кўзлаб, марра сари илдам чопиб совриндор бўларди.

Совутишда дастлаб у армуғоғига жабдуқ билан эгар босиб ҳовли чеккасидаги яккамихга боғлаб кўяр, бир ҳафта ўтгач, яқин атрофга миниб айланиб келарди. Отнинг бадани қизиби кетмаслиги ва от оқсамаслиги учун дарёдаги кечувга вақти-вақти билан олиб боришни канда қилмасди. Кейин бир неча соат қантариб қўйилгач, охурига оз-оздан емиш соларди. Зиёрак ва ақлли жонивор ана шунда пойгалардан қуруқ чиқмас ва ҳақини ерда қолдирмасди.

## ХАЛҚ САЙЛИ

1939 йил, баҳор фаслининг илик кунлари эди. Галлаорол туман марказида катта халқ сайили бўлиб, унда уч кун улоқ-кўпкари берилди. Пойга мусобақалари бошланиб кўшни вилоят ва туманлардан ҳам чавандоз полвонлар иштирок этишди. Дастлабки кун галлаоролликлар сон жиҳатдан кўп бўлса-да, уларнинг ҳеч бири улоқ олишолмади. Ўша вақтдаги туман раҳбари Мирзакарим Абдусатторов чавандозларга қаноатланмай қандай йўл би-

лан бўлмасин, бир вақтлар донғи чиққан ўғатлик Содиқ полвонни топиб олиб келишни буюриб Қўйтош кўрғонига одам юборади.

Полвон бу вақтда кексайиб, ёши бир жойга бориб қолган, нафақада бўлишига қарамай, элнинг корига яраб дурадгорлик ҳунари билан машғул эди. Устахонасидаги олтмишдан зиёд асбоб-ускунасини кўз қорачиғидай асраб-авайлар, эл орасида юриб ҳурмат-эътибор тошган эди.

Кечки чой устида полвон Қўйтош тоғ ораликларидagi баланд довондан ошиб келган уч отлиқнинг мақсадини англатач:

— Куч-қувватдан қолиб, ёшим бир жойга бориб қолди. Мендан нима истайсизлар, ахир? — деди. Аммо кўнглининг бир чеккасида халқ сайилида қатнашиш, улоқ-кўпкари пойгаларини томоша қилиб завқ-шавқ олиш истаги ҳам йўқ эмасди.

Ўйлай-ўйлай охири уларнинг раъйини қайтара олмади. Тўғриси, туман фаоллари ва оқсоқолларининг таклифини инobatга олмаслик одобдан бўлмас, деб ҳисоблади.

Шу кеч Содиқ полвон шериклари билан сайлгоҳ яқинидаги қўноқларнинг бирида меҳмон бўлишди. Уларга ҳурмат юзасидан семиз бир қўй сўйилди.

Эргасига сайхонликда улоқ-кўпкари бошланиб, отларнинг дупури ва пишқириви, ишқибозларнинг эса қий-чувлари бир-бирига кўшилиб кетди. Шунда

полвонга туман оқсоқоллари катта ишонч ва умид билан Даврон раиснинг семиз ола тарлонини рўпара қилишди. От ўта асов ва қахру газабли бўлиб, жиловни ҳам қаттиқ, уни минишга унча-мунча чавандознинг юраги дов бермасди. Полвон унга минган заҳоти жиловини маҳкам ушлаб ўнгу-сўлга қаттиқ зарб билан тортган ҳам эдики, тарлоннинг оғиз бўшлиқларини айириб юборди. Асов тулпор оғзидан қон сизиб оқишига қарамай, ҳеч нима кўрмагандай олдинги оёқларини кўтарганича ўзини тўдага урди.

Чортоқдан ташланган улоқни биринчи бўлиб яна қизил жийронли форишлик Остон полвон эгаллади. У олган заҳоти улоқнинг оёғини қайириб эгар қошига ўраб, тақимига босганича марра томон илгариларди. Атрофда эса уни шериклари ўраб-қўрғалаб ҳимоя қилиб боришарди. Улар сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилишарди. Етти-саккиз от бир ёқ, Содиқ полвоннинг ола тарлони бир ёқ бўлди. Қамчи зарбидан баттар қахру газабни олган ола тарлон отлар орасидан ёриб ўтиб, қизил жийрон ёнига рўпара келганида Содиқ полвон улоқнинг оёғини тутиб бирикки силтаб бор кучи билан тортган ҳам эдики, Остон полвон жийронининг айил ва пуштаси узилиб кетиб ҳаммага масхара бўлди. Соврин Содиқ полвонга насиб этганди.

### КИМ ҒОЛИБ?

Халқ сайлининг сўнги кунда чор атрофи ямғир майсаларга бурканган қир-адирлар ҳар қачонгидан кўра улоқ-қўпқари ишқибозлари билан тўлган. Сайхонликдаги арғумоқлар сони 400 дан ошиб кетганди. Улар орасида юлдузни кўзловчи, отларнинг пеши, донги чиққан буйрул, қизил жийрон, бойқўнғир, қамишқулоқ, оқ қоптол каби зотдор отлар ҳам бор эди. Отларнинг бир хиллари энгашганда ёли ерга тетар, думи чуваланиб юрарди.

Содиқ полвон арғумоғини алмаштириб бошқасини минган бўлса-да, ҳамюртлари уни кўздан бир дам ҳам қочирмас, фахр-ифтихор туйғуси билан гурурланишар ва чавандоз номига таҳсинлар ўқишарди. Кунгай томонда тизилишиб ўтирган ёшсу-қари ва бола-чақалар ҳайратланиб боқишар, ҳаттоки қўшни вилоятдан келган меҳмонлар ҳам чин дилдан олқишлашарди.

Чортоқдан чамаси эллик кило оғирликдаги эркак улоқ ташланди. Марра сайхонлик чеккасида доира шаклида тўкилган сомон ичида эди. Ўртакаш радиокарнай орқали улоқ нимтасини биров билан шерик бўлмасдан маррага ҳалол олиб келиш лозимлигини, соврин учун уч яшар гунон, магнитофон, патефон, радио ва гиламлар қўйилганлигини эълон қилди. Туя — солимнинг энг каттаси эди.

Ўрқачли тоғлар билан қуршалган сайхонликда чопаетган арғумоқларнинг туёқлари остидан гўё ўт чақнар, кўтарилаётган куюқ ва сарғиш чанг осмону фалакка ўрлаб борарди. Отлар тўдаси тоғтоҳ бузилиб тарқалишар, полвонлар қамчиси остида улар тағин ўз сафларига қўшилишарди.

Улоқ-қўпқари пойғаси қизғин тус олиб, тобора марра сари интилаётган Содиқ полвоннинг арғумоғи олдини бир пайт зоминлик Узоқ полвон минган бўз от тўса бошлайди. Шунда полвонларнинг яккама-якка улоқ тортишувлари ўн-ўн беш дақиқача чўзилди. Ҳатто улар жиққамушт бўлишгача боришди. Охири улоқ нимтаси тенг иккига бўлиниб, полвонлар олдинма-кейин марра томон яқинлашишарди. «Марра ким томонда? Энди солимни полвонларнинг қайси бири оларкин?» каби саволлар ҳаммани қийнар ва сабр-тоқат билан кутишарди. Радиокарнайдан «улоқнинг бўйин томони кимда бўлса, ўша чавандоз ғолиб», деган хабар эълон қилинган, Содиқ полвон номига олқишлар ёғилиб кетди. Шунда барча уринишлари зое кетган Узоқ полвоннинг аъзои-бадани қалтираб, пешонасидан совуқ тер қуйила бошлади. Унинг оқ ёлли бўз оти ҳам терлаб чарчаган, тақалари сийқаланиб-юпқаланиб кетганди. Халқ сайли охири баъзи отлар тинка-мадори қуриб, ҳолсизланиб, жонлари ҳалқумига келиб қолган, куч-қувватлари адо бўлганди.

Қисқаси, Қўйтош қўрғонининг Ўтаг қишлоғида истиқомат қилган Содиқ полвон Исмоилов ўн етти ёшидан бошлаб улоқ-қўпқари пойгаларида қатнашиб, уларнинг ҳеч биридан қуруқ чиқмаган. Солимнинг кўпини қўлга киритиб эл-юртнинг олқишига сазовор бўлиб келган. Мақсади — турли маърака, давра ва йиғинларда кишиларни хурсанд қилиш, майдонга тушиш олдида пиру устозларини ёдга олиш каби ҳавас қилса арзигулик ҳислатлари қалб-қўрига сингиб кетганди. Шунингдек, у маънавиятли, мард ва камтар инсон бўлган. Эришган муваффақиятлари ҳақида оғиз очмаган. Улуғликни инсонийликда, эл-юртнинг корита ярашда ва ҳалол яшашда деб билган.

Полвон кўринишидан ўрта бўйли, елкадор, қўл ва бармоқлари йирик, даврадаги суҳбатларда зуваласи пишик бўлса ҳам, доим жиддий ва камгап эди. У тўққиз пудлик юкни бир ўзи ўнгариб органида оти базўр кўтарганини узоқ умр кўрган қарияларимиз ҳали-ҳануз гапириб юришади.

Абдулла САИДОВ



Федерация президенти  
Жамолиддин  
БОБОХОНОВ





**ЎЗБЕКИСТОН  
КАМОНДАН ОТИШ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ**

*Республикамизга  
ташриф буюрган  
корейлик меҳмон Сеул  
олимпиадаси чемпиони  
жаноб Ин Со Чун  
юртимиз камончиларига  
отиш сирларини  
ўргатмоқда.*



© Worldprints.com



## МАРИЦА БОДРОЖИЧ

Марица Бодрожич Европанинг машхур адибаларидан бири. Хусусан, жорий йилда босилган "Битта пати-да ўзгармабди колибрининг" шеърлар тўплами муқовасида қуйидаги битикларга кўзимиз тушади: "Улкан ёруғлик ва турфа ранглар уйғунлиги асосида оҳори тўкилмаган товушлар яратади: Марица Бодрожич шеърлари тил орқали дунё мўъжизакорлигидан мужда келтиради".

Табийки, Европа миқёсида қисқа фурсатда танилиш осон эмас. Марица буни уддалади. Жумладан, илк ҳикоялар тўплами — "Тито ўлди" анча-мунча

шуҳрат қозонди. Бу тўплами учун адиба учта мукофот (Херманн Ленц стипендияси (2001), Хаймито фон Додерер (2002), Адалберт фон Шамиссо (2003)га лойиқ кўрилди. "Ботиний лаҳзалар ўйинчиси" романи эса Роберт Бош жамғармаси стипендияси билан тақдирланди. "Шамол тўпловчи" ҳикоялар китоби учун яна шу стипендияни кўлга киритди. Булардан ташқари адиба Адалберт Штифтер мукофоти, Эльза Хайдигер жамғармаси йиллик стипендияси, икки карра Германия Адабиёт жамғармаси йиллик стипендияси, Берлин Бадий академияси Адабиёт мукофоти соҳибаси бўлди. Унинг асарлари тўғрисида бир қанча тадқиқотлар мавжуддир. Қисқача айтганда, хушсуврат хорват қизи нафис қалами ила жаҳонни ҳайратга солди. Кейинги беш йил мобайнида чоп эттирган ўн та асари салмоғи сўзимизга яққол далилдир. Шунингдек, у "Хотиранинг қалб суврати" бадий фильмининг муаллифи. Эссенавис сифатида ҳам машхур.

Жорий йилнинг 27 феврал куни Марица Бодрожич Тошкентга келди. Олимлар, шоиру таржимонлар, талабалар билан учрашди. Сўнг уч кун мобайнида Фарғона бўйлаб саёҳатда бўлди.

Марицахоним камтаринлиги, хушчақчақ ва дилкашлиги билан ўзбек зиёлиларини ўзига ром этди.

Адиба 1973 йилнинг 3 августида таваллуд топган. 1983 йилдан бери Германияда яшайди. Эркин ижодкор. Хорват, немис тилларидан ташқари инглиз, француз, испанчани билади. Уч йил мобайнида Францияда истиқомат қилган.

## ГУЛ МУҲАББАТГА ҚОДИРЛИГИН НАМОЁН ЭТАР

### БИТТА ПАТИ-ДА ЎЗГАРМАБДИ КОЛИБРИНИНГ

туш оламига кириб келаркан  
қанотлари ила ҳавони чизар  
мен осмонман, дейди,  
мен мовий осмонман.  
Одамлар учаётган гўзаллик қошида  
лол қолишаркан, устомонлик қилишар  
чамалаб-чамалаб  
шундай дейишади колибрига:  
сендаги ранг — ранг эмас, хаёл.  
Қуш таажжубни одамлардан ўрганди  
бинафшаранг гуллар ёққа учиб кетди.  
Дафъатан сеҳрли китобини очиб кўрди-ю  
шоша-пиша варақлади-ю

капалакка айланди варақлар ёпилгунча то.  
Қанотлари ила ҳавони чизиб  
мен осмонман, деди,  
мен мовий осмонман.  
Бундан буёғига болалар туш кўришмас,  
гапираётган мўъжизани бармоқлари орасига  
олишса — чанг тўкилади.  
Капалак баттар сарғайиб  
учиб кетди суратларнинг кўҳна макони  
томон,  
унда лимон ҳиди ҳукм суради.  
Энди у колибри. Битта пати-да ўзгармаган  
парвоз қилаётгани — тушлар олами.  
Яна ўша теварак - атроф,  
яна ўша ҳайрат оғушидаги одамлар.

### МИНГ БИР ЙИЛ ЎТАР ИККИ БОРА

токи мўъжизалар куртак ёзгунча,  
ёронгулга айлангунча сўзлар  
навбатма-навбат,  
дам узилиб, дам сузилиб ўсишгунича,  
ўзларини унутиб аҳён-аҳёнда.  
Ботинда — Улкан кўз. Бу дунёга нисбатан  
мисоли Кўзгу. Унда аксланади тақдир  
чигалликлари,  
беомон уруш лавҳалари. Очлик. Қаҳатчилик.  
Қалбнинг ўзига хос ўрта асри.  
Бироқ шунда ҳам китоблар ёзилар. Асл  
шимол буғулари  
таваллуд топар. Ёз ўз мавсумин тутатар.  
Эртақлар, ривоятлар, шамол бирма-бир  
санаб юрган  
мавжудотлар. Бинобарин, ўша даҳо Моцарт  
бир куни албатта тирилар қайта.

### АПЕЛЬСИН ОСМОНИ. ЎЗГА БИР ОХАНГ

айланар фонийлик гирдоби ичра  
хуш дамларнинг самимий саси.  
Мевалар кўзи — рангдор жомадон,  
гир-атроф мезбон. Ҳаводан илингани  
Меҳр. Сўрагани — Мўъжиза.  
Инсон булуғларни ушлаб кўради:  
тўкилаётган шабнам — орзуси,  
нур эса гўзал ишқдан чарчаб кўрган  
тушлари.

### БАЛИҚ ПАРВОЗ ҚИЛАР.

Соялар аввал дарёда  
сўнг кўлда чўмилишади.  
Киндигимда шаҳодат битиги бор,  
киндигимга Ер яширинган.  
Якшанба шитоб ила ўтаркан  
бир ишчи Ерни замбилгалтақда ташийди.  
Шунда бармоқларим ҳунар кўрсатади,  
ёмғир томчилари остида очилади.  
Дов-дарахтлар кетишга тараддуд кўрар  
уларнинг қисмати шу-да ахир.  
Шамол дарахт учлари билан мажлис тузиб  
шоҳчаларнинг шивир-шивирдан иборат  
суҳбатини  
таққа тўхтатди.  
Гўё шуни кутиб тургандай  
уйғонди мушуклар оиласи ҳам —  
ботинимда. Пешона ва юракнинг орасида.  
Ёлғизгина делфиним бор эди  
мунофиқ одамлар делфинимни  
узоқ вақтгача яшириб қўйишган экан.

Мен буни билиб қолдим.  
Яна битта илова:  
Ўзимни кўрдим — шунча уриниб-туртиниб  
ҳеч қачон мени ўз измига  
сололмаган Ўзимни кўрдим.

### ШАМОЛЛАР ОРТИДА. пальмаларнинг нариғи тарафига

қанақа битиклар бизни кутиб олмоқчи экан.  
Улар бизни яшиллик оғушида кутишади.  
Улар тоғлардаги  
ҳеч қачон тотиб бўлмайдиган сарҳадларда  
бизга илҳақдирлар.  
Май марваридгули водийсида  
гул муҳаббатга қодирлигин намоён этар.  
Кун тўхтаб қолган эди, ҳамон бутунги кун  
эди  
чунки марваридгулларни кўринмас нарсалар  
ила  
озиқлангирардик. Сал-пал тегиниб, сабрли  
тилимиз ила  
парвариш қиларкан  
тасвирланишга муносиб қилардик  
марваридгулларни.

### ЮЗМА-ЮЗ ТҮЙҒУ. Кўллар настига, ерда

кулдиргичлар оша сочилган мўъжизалар—  
ортга қараётиб шуларни кўрдик,  
соатимиз милларини қордек совуқ  
фаришталар  
тўхтата билмади,  
бунинг сабаби хотирот оғриқлари  
қўлларимизга маъно бериб турарди.  
Ўшанда декабр ойи эди, адвент ўрталари  
билдикки, хамир тоғорада билимимиз ухлаб  
ётган экан  
ашёлар гўзаллигин туш кўриб.  
Исmlларимиз оёқларимиздаги пойафзал каби  
фёъл-атворимизга мос тушган эди.  
Ўлчоқларимизни ҳеч кимга ўғирлатмаган  
эдик.  
Ташқарида эса инсонларнинг ҳақиқий  
дунёсида  
ҳозирги замон қалингина кийиниб олган  
эди.  
Ўтмиш лом-мим демади.  
У билан азоб-уқубатларни баҳам кўрганлар  
бу ёққа ташриф буюрмади ҳам.  
Сен ва мен,  
яъни синглим ва сенинг боланг  
ёйилган масофаларни  
фикрлар чўтқаси ила тараб-тараб

босиб ўтишди.  
 Гумбаз ертўласида,  
 қадам товушларимиз ортида  
 асалли кулчалар ҳамда  
 зияворларнинг димоқни ёргудай  
 хуш бўйлари анқир эди.  
 Декабр об-ҳавоси илиқ келганди,  
 бу тароват  
 даврамизга юқар эди  
 қадам-бақалам.  
 Даврамизда декабр илиқлиги кулф урар эди.

### БИР ТУЛКИ ИШКОМ ОРАЛАБ

япроқ қосасидаги шудринларни сипқориб  
 қўйди,  
 дум-думалоқ кўзлари ила менга узоқ  
 тикилди,  
 худди танбеҳ беришимни кутиб тургандай.  
 Мен эса уни ҳам,  
 бошқа бир ҳайвонни ҳам  
 ҳузуримга чорламаган эдим.  
 Рўпарада тоғ дараси,  
 юқорига қарасам  
 дарада аксим кўринди.  
 Шунда  
 пириллаб қушлар учиб чиқишди дарадан,  
 қанотларида нотаниш ифор —  
 бегона бир ҳид.  
 Қорнимда хайрихоҳ қўшиқ жаранги,  
 келишув, ботиний битим номаси.  
 Ичкарига кирдим,  
 кўзим ёриди,  
 тулкига кўрсатдим боламни.  
 Тулки бувакнинг митти кулоқларидан  
 оёқчаларига қадар тикилди.  
 Шунда шоша-пиша  
 бирваракайига тўртга соатига қараб  
 оёғида ялтиллаган шудринга имо қилди.  
 Кўрсаткич бармоғига  
 маҳлиё бўлиб турган пайтимда  
 болага чанг солди,  
 кўз очиб юмгунча ғойиб бўлди у.  
 Узумзорга қарасам марварид шудринг  
 доналари,  
 ишком узра гир-гир эсмоқда  
 ёқимли бир тонг шаббодаси.  
 Ҳавони симирдим,  
 ўйга чўмдим,  
 сўнг эса уйимга жўнадим.  
 Келаси кузда,  
 янги ҳосил йиғими вақти,  
 яна кўриб қолдим ўша тулкини.

Анчайин ҳорғин...  
 Айтишига қараганда  
 бу ёққа атайин келмаган экан,  
 йўл-йўлакай бурилган шунчаки.  
 Мен бу гапига ишондим.  
 Шундан сўнг бошқа кўрмадим уни.

### СИБИРДА ОЛМА ДАРАХТЛАРИ ЎРНИГА

манфур кимсаларнинг фикрлари гуркираб  
 ўсарди,  
 машиналарда туш кўриб  
 уйғонишарди одамлар.  
 Олма дарахтининг ўрнида  
 ўсаётган нарса —  
 совуқнинг асл сабаби.  
 Ботинимдаги оққушларни  
 ими-жимиди тинчитиб юборган ганим  
 айнан Ер ўлчовидир.  
 Коинотни эса унинг таъсири орқали  
 таниганимиз айни ҳақиқат.  
 Таъқиқлар устун келган вақтда  
 майитлар унда, бунда сочилиб ётарди.  
 Сабаб бошқа бир сабаб билан олишиб  
 уйқуга кетарди қўққисдан.  
 Троцкийнинг янги одами-чи  
 ҳузур-ҳаловати учун олов сўради.  
 У чирсиллаб ёнди,  
 ёнаётганда кўриниши улуғвор эди.  
 Ёнди. Сўнг эса бизни — чирпирак бўлиб  
 осилиб ётганларни  
 сочимиздан токи оёқ панжамизгача кулга  
 айлантиришди.  
 Онамнинг айтишига қараганда у барча-  
 барчасини  
 ўз вақтида кўриб, тушуниб етган.  
 Ҳавода ясалганида олов халқаси  
 аллақандай қўланса ҳид теваракка  
 тарқалган.  
 Буйрак чиқиндисими,  
 жигар исими,  
 ўпка тутуни.  
 Ўшанда у ҳам  
 шох-шаббалар орасида  
 ўзини куйдиришларини истаган экан,  
 соғинган экан ўз ўлимини.  
 Чунки ўшанда  
 тузумлар нақ тузумнинг ўзи эди,  
 одамлар шунчаки одам эди, холос.

*Немис тилидан  
 Мирзаали Акбаров ва  
 Баҳром Рўзимуҳаммад  
 таржималари.*

**(Давоми. Боши 18-бетда.)**


санаб, бу ердаги барча муҳим тадбирларда фаол иштирок этди. Магистрантлар, Олий Адабиёт курси тингловчилари билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб турди. Одатдагидек, турли анжуманларда теран профессионал, жўшқин, мардона ҳақ сўзлари билан тингловчилар, хусусан, ёшлар кўнглига олов ёқиб келди.

Беихтиёр 60-80-йиллар кўз олдидан ўтади: ўша кезлари барча олий ўқув даргоҳларида бўлгани каби университетда ҳам «сиёсий хушёрлик» олий даражада эди. Озод аканинг қолипларга сиғмайдиган гаплари ҳамиша сиёсий «хушёр» соқчиларнинг эътирозларига учрарди. Факультетда бир ортодоксал коммунист ишларди. Тилшунос доцент сифатида аудиторияда студентларга тил илмидан деярли ҳеч нарса бермас, асосий хунари тил ва адабиёт соҳасидаги «сиёсий хатолар»ни аниқлаш, бу ҳақда тегишли даргоҳларга «гап етказиш»дан иборат эди. Биров унинг мушугини пишт деёлмасди. Бу кимсанинг Озод акани кўрарга кўзи йўқ эди. Адабиёт дунёсида ниманики «чатоқлик» содир бўлса, Озод акани унинг бош айбори деб биларди. Ёзувчилар уюшмасида, турли адабий анжуманларда Озод ака шаънига танқидий гаплар айтилганида, устоз олқишлаб мақола ёзган «Тобутдан товуш» кескин танқид остига олинганида, у муҳаррирлик қилган «Тирик сатрлар», «Ёшлар билан суҳбат» китоблари қатағонга учраганида, Эркин Воҳидовнинг «Фузулий ҳайкали қошида», «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Биринчи муҳаббатим», «Аёл» шеърларига маломат тошлари отилганида — бу каби нохуш воқеаларни университетда биринчилардан бўлиб зўр қувонч билан қарши олган, факультет жамоаси, талабалар орасида уларни кенг тарғиб ва ташвиқ этган ҳам ўша зот эди.

Ҳатто у университет партия мажлиси минбарида туриб, «Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповларнинг ижодда хато йўлдан кетишларига Озод Шарафиддинов айбдор» дейиш даражасига борди. Шунда нотаниш бир талаба минбарга отилиб чиқиб: «Озод Обидович Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар қатори халқимизнинг фахри, ифтихори, виждони, бу табаррук зотнинг ҳақорат қилинишига тоқат қилолмаймиз» деганида улкан зал гулдурос қарсақлардан ларзага келгани, ўша кезларда қалбларда жўш урган қувонч нашидасини ҳамон унутолмайман.

Устознинг университет даври фаолияти устивор йўналишларидан бири Чўлпон муаммоси бўлган. Чўлпон расман оқлангач, Озод ака Ёзувчилар уюшмасида тузилган Чўлпон ижодини ўрганувчи комиссияга аъзо қилиб киритилган эди. Ҳаламисларнинг пинҳона қаршилиги туфайли комиссия ишламади. Сўнг Озод ака яққа ўзи мустақил равишда бу борада изчил фаолият кўрсатди, Чўлпон асарларини йиғди, у ҳақидаги мақолаларни тўплади, адиб замондошлари хотираларини ёздириб гоҳо эса ўзи ёзиб ола бошлади. Университет аудиторияларида тап тортмай Чўлпондан сўз очар, шеърларидан намуналар ўқирди. Ҳанимларнинг фитналарига, юқори доираларнинг таъқибига қарамай, бу ишни изчил давом эттираверди. Ёдимда, бир гал иккимизни парткомга чакириб, шу хусусда гап очишганда, устоз шоирнинг соф лирикаси намуналаридан «Гўзал»ни, шўролар сиёсатига мослаб ёзилган айрим шеърларини ўқиб: «Буларнинг нимаси зарарли?» деган саволни қўйди. Шунда партком котиби ҳеч нарса дея олмади, ҳар ҳолда бу масалада эҳтиёт бўлиш керак, деган мужмал гап-

дан нари ўтолмади... Бу ҳол бир эмас бир неча бор такрорланди. Ҳар гал Чўлпон хусусида дағдаға билан бошланган можаро Озод аканинг асосли далил-исботлари туфайли мужмал бир тарзда муроса билан яқунланарди. Энг охири дағдаға ва кулгили ҳодиса 1985 йилнинг декабрида юз берди. Кафедра мажлисига йиғилган эдик. Факультет декани ҳузуримизга кириб Озод ака иккимиз тезликда парткомга чиқишимиз зарурлигини айтди. Маълум бўлдики, гап кафедра аъзоси Н. Худойбергановнинг «Вопросы литературы» журналининг 1985 йил 12-сонидан босилган танқидчиликдаги маҳаллийчилик хусусидаги мақоласи устида экан. Мақолада, жумладан, Чўлпон ижодий мероси ҳамон эътибордан четда қолаётгани, асарлари қайта босилмаётгани айтилган эди. Марказқўмдан университет парткомига кўнғироқ қилишиб, тезликда бу мақолани муҳокама қилиш, унинг муаллифига партиязий чора кўриш вазифаси топширилади. Озод ака котибга ётиғи билан мақола моҳиятини тушунтирди, Норбой партия аъзоси эмаслигини эслатди; бунинг устига мақола Москванинг нуфузли нашрида босилгани, ундаги гаплар ҳозир жиддий шов-шувларга асос бўлолмаслиги, агар шундай қилинса, университет шаънига доғ тушиши мумкинлигини айтди. Котиб иккилашиб қолди. Марказқўм билан телефон орқали боғланиб, бўлган гапларни юқорига етказди. Марказқўм ходимлари ўз сўзларида туриб олдилар, мақолани эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини, албатта муҳокама қилиниб «миллатчи шоир»ни оқламоқчи бўлган муаллифга кескин чора кўриш ва бу ҳақда марказқўмга ёзма ахборот бериш топширилди. Менинг шахсий архивимда марказқўм учун икки ой давомида 1986 йил 12 март сана-



си билан тайёрланган айни шу хусусдаги батафсил тушунтириш хати сақланади. Гарчи Озод ака кўп масалаларда Норбой билан чиқишолмаса-да, унинг Чўлпон хусусидаги позициясини қатъий туриб химоя қилди. Озод ака маслаҳати билан Норбой иккимиз тайёрлаган, устоз таҳрир қилиб берган бу тушунтириш хати бутун бошли бир тадқиқот эди. Унда Чўлпонни ётиғи билан – аниқ далил-исботлар, рад этиш мумкин бўлмаган илмий асослар орқали дадил химоя қилинганини эслаб бугун ҳайрон қоламан... Шундан кейин марказқўмдагилар бизни бошқа безовта қилмади. Замон шитоб билан ўзгариб борарди. 1987 йил 7 февралда Марказқўм котиби Раъно Абдуллаева ҳузурда таниқли адабиётшунос ва тарихчи олимлар, ёзувчи, шоирлар иштирокида ўтган кенгашда университетдан Озод ака билан мен ҳам тақлиф этилган эдик. Унда, жумладан, Чўлпон меросини ўрганиш, чоп этиш масаласи кўтарилди, бу хусусда қизгин мунозаралар бўлди, одатдагидек Ю. Султонов, Х. Абдусаматов, К. Яшинлар Чўлпон асарларини нашр этилишига қарши чиқдилар, Э. Каримов билан О. Шарафидинов қатъий туриб Чўлпонни халққа қайтариш пайти келганлигини айтдилар. Баҳс-мунозара авжга чиққан дақиқаларда собиқ Марказқўм идеология бўйича котиби Ҳабиб Турсунов сўз олди. Нотиқ Раъно Абдуллаевага мурожаат этиб: «Бир вақтлар мана шу хонада кўп нохуш воқеалар бўлган, қанчадан-қанча бегуноҳ ижодкорлар устидан ҳукм ўқилган. Яшин ака, яшириб нима қиламиз, Сизу биз Қодирий, Чўлпонларнинг муҳлиси эдик, Чўлпон шеърларини ёд билардик... Шунга қарамай, замон сиёсати йўлини тутганмиз, шунга мажбур бўлганмиз. Ўша йилларни ўйласам, юрагим тошкотади, кечалари ухлолмай

тўлғаниб чиқаман» дея кўзига ёш олди. Нотиқ гап орасида Чўлпоннинг кўп машҳур сатрларини ёддан айтди. Қизик, боя Чўлпон хусусида кескин танқидий гаплар айтган Яшин домла нотиққа қўшилиб у тилга олган сатрларнинг давомини ёддан айтарди...

Бу ҳол анжуманга ажиб рух бахш этди. Мажлисда ҳеч қанақа қарор қабул қилинмади, аммо гишт қолипдан кўчганлиги – Чўлпон муммоси руҳан ўз-ўзидан ҳал этилгани аён эди. Орадан роппа-роса бир йил ўтиб, «Шарқ юлдузи»нинг 1988 йил 2-3-сонларида «Кеча ва кундуз» романи Озод аканинг каттагина сўзбошиси билан эълон этилди. Устоз ташаббуси ва таҳрири остида 1991 йили «Яна олдим созимни» тўплами чоп этилди, кўп ўтмай Чўлпоннинг уч жилдлик «Асарлар»и нашрга тайёрланди, Чўлпон адабий-танқидий мақолалари ҳамда буюк шоир замондошлари хотираларидан иборат «Адабиёт надир» китоби чиқди. Миллий университет ҳузурда Қодирий ва Чўлпон ижодини тадқиқ этувчи илмий марказ ташкил этилди; филология фанида биринчи бўлиб Чўлпон шеърляти, адабий-танқидий қарашлари ҳақида номзодлик диссертациялари тайёрланди, истеъдодли ёш адабиётшунос Д. Куронов истиклолнинг дастлабки ойларида «Кеча ва кундуз» романи бўйича номзодлик диссертациясини, 1997 йили эса Чўлпон насри поэтикасига доир докторлик диссертациясини химоя қилди. Ёш олимнинг устоз ва камина таҳрири остида «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Чўлпон насри поэтикаси» китоби чўлпоншуносликнинг муҳим ютуғи сифатида эътироф этилди.

Қаердадир ўқиб эдим: буюк зотлар зиммадаги тарихий миссиясини адо этмагунча бу фоний дунёдан кетмайдилар. Тарихда бунга мисоллар кўп. Улуғ сиймо Озод аканинг тақдири ҳам бунга тўла тасдиқлайди. Энг қийин дақиқаларда ҳам ҳаётбахш умид туйғуси ус-

тоз кўнглини тарк этмади. Қандайдир сирли-сеҳрли илоҳий куч кўнглига ҳамиша далда бериб турарди. Устоз Чўлпонни юзага чиқариш учун роппа-роса ўттиз йил бетиним курашди. Шу туфайли унинг табарруқ бошига не-не савдолар тушмади, дейсиз. Озод аканинг умр йўлдоши Шарофат опа бу хил охири кўринмайдиган можаролардан тўйиб кетиб, бир гал: «Ўша Чўлпонни тинч қўйинг энди, ахир биз ҳам одамларга ўхшаб яшайлик» деганини эшитганман. Бироқ келин ойи Озод акани бу йўлдан асло қайтариш мумкин эмаслигини яхши биларди. Аслида, дунёда уни ахдидан қайтарадиган кучнинг ўзи йўқ эди.

Мен кўп кузатганман: устоз гарчи ҳаётда диний-исломий шартларга унчалик риоя этмаса-да, руҳан Аллохнинг ҳақлигига, қудратига ишонарди. Қаранг, 1958 йилдан бошланган саъй-ҳаракат, эзгу орзу-ният, яратгандан илтижолари ўттиз йил ўтиб, 1988 йилдан рўёбга чиқа бошлади, 1994 йили чоп этилган миллий танқидчилигимизнинг ноёб намунаси «Чўлпонни англаш» рисоласида улуғ шоирни рўёбга чиқариш йўлидаги жонбозликлари, кўнгили розларини, дарду дунёсини тўкиб солишга эришди. Чўлпоннинг ашаддий рақибларидан бири бир гал катта кетиб: «Озод акангизга айтинг – овора бўлмасин. Мен тирик эканман, совет ҳокимияти бор экан, Чўлпон ҳеч қачон юзага чиқмайди!» деб эди. Аллох кароматини қарангки, совет ҳокимияти ҳали қуламай туриб, ўша арбоб тириклигида Чўлпон юзага чиқа бошлади. Бу ҳол банди оғир учун абдий сабоқ бўлиб қолажак.

Фақат Чўлпон масаласида эмас, юқорида эслатилганидек, замонавий адабий жараён бобидаги курашларда, баҳсу мунозараларда охири оқибат устоз ҳақ бўлиб чиқди, бунга ҳам Аллохнинг бу кишига нисбатан саховати, савоб ишлари учун ажри мукофоти деб биламан.

Озод ака миллат ўғлонлари орасида энг кўп китоб йиққан, ўқиган зиёлилардан. Жаҳон адабиёти, фалсафаси, санъати соҳасидаги билимдонларнинг энг билимдони эди. Мамлакатимизда «Иностранная литература» типидagi она тилимизда журнал бўлишини орзу қиларди. 1997 йили шу орзуси ушалди, «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил топди, омадни қарангки, бу янги журналга у муҳаррир этиб тайинланди.

Аллоҳ бандасини унга ҳам бахт-омад бериб, ҳам дард бериб, бошига ғам-андух солиб синайдди, дейишади. Қарангки, зўр иштиёқ билан тайёрланган «Жаҳон адабиёти»нинг илк сони чиққан кунини у касалхонада оғир жароҳлик амалиётини бошдан кечирди, бир оёғидан жудо бўлди. Орадан бир мунча вақт ўтиб иккинчи ва учинчи жароҳлик операциялари, дард устига чипқон деганларидек, қизилўнгач ва кўз хасталиклари келиб қўшилди. Томовидан сув ҳам ўтмайдиган пайтлар бўларди, матнларни махсус лупа орқали ўқирди. Домла тўққиз йил давомида бу хил хасталиклар билан мардона олишди, кўп вақтлари касалхонада ўтди. Ақл бовар қилмайдиган ҳолат: шу ҳолда фикрлашдан, ижоддан бир дақиқа тўхтамади, хатто уйқусида, тушида ҳам ишлади, аввало, журнал фаолиятини маҳорат билан бошқарди, унинг муҳаррирлигида «Жаҳон адабиёти»нинг роппа-роса 100 та сони тайёрланди; бир етук таржимон умр бўйи адо этиши мумкин бўлган ишни – юздан ортик роман, қисса, хикоя, адабий-танқидий мақолалар, эссе, очеркларни таржима қилиб эълон этди. Боз устига асосий хунари – танқидчилик фаолияти барқ уриб ривож топди. Устоз одатдагидек соф профессионал соҳаси доирасида чекланиб қолмай, қайноқ ҳаёт жараёни ичида жўшиб, миллат дардига дармон, миллат фи-

дойилари билан ҳамкору ҳамдам бўлиб яшади. Унинг матбуот саҳифаларидаги, радио ва телевидениедаги ҳар бир чиқиши, мардона сўзи эл овзига тушди, одамларни тўлқинлантирди. Энг муҳими, бу йиллари яратган асарлари жамланиб «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» номи остида китоб ҳолида нашр этилди. Бу икки китобга жо бўлган адабий-танқидий мақолалар, эсселарни илк китоби «Замон - қалб - поэзия» билан солиштириб кўринг – йигитликдаги ҳарорат, жўшқинлик, фикр теранлиги кексаликда ҳам заррача сусайгани йўқ.

Озод аканинг кўп умри қафасдек тор «дом»ларида ўтди. Оғир хасталикка чалинган кезлари бахт-омади қулиб умр бўйи орзу қилган нияти ушалди, Қибрай туманидаги Геофизиклар маҳалласидаги кенг ва кўркам боғ ҳовлига кўчиб ўтди. Етти йил давомида бу маскан бамисоли Л. Толстойнинг Ясная полянадаги мулки сингари ижодий зиёлиларнинг саждагоҳига айланди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, чет эл элчихоналаридан келиб турадиган меҳмонларнинг, вақтли матбуот, радио ва телевидение муҳбирларининг кети узилмасди. Бу хонадонга ташриф буюрган, Озод ака суҳбатини олганларнинг ҳар бири бир дунё таассурот билан кетарди.

Шуниси ҳам борки, устоз ўз навбатида «Ўзбекчилик» деб аталган меҳр-оқибатни жойига қўяр, ижод ва илм аҳли, дўсту биродарларнинг тўю маракаларида ҳамisha ҳозир у нозир эди. Тошкент бу ёқда қолиб оғир хаста бўлишига қарамай Чимкент, Самарқанд ва Фарғона водийсига дўстлар кўнгли деб сафарларга чиқарди.

Озод аканинг шу хил инсоний фазилатлари, табиийки, аввало ижодий шижоати туфайли танқидчилигимизнинг нуфузи, обрў-этибори бениҳоя кўтарилди, мунақ-

қид номи Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари сўз усталари қаторида эҳтиром билан тилга олинадиган бўлди; танқидчилар орасида биринчи бўлиб «Буюк хизматлари учун» ордени ва Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Ниҳоят, устоз Аллоҳнинг раҳмати ёғиладиган рамазони шарифнинг биринчи тонгида осонгина омонатини топширди. Ғ. Фулом, Ойбек сингари машҳур сиймолар вафот этганида, сафарда эдим. Ижод одамининг бу қадар катта дафн маросимини кўрган эмасман. Ўша кунини Геофизиклар маҳалласига одам сиймай кетди, жанозага келганлар сафи Қибрайдан то Форобий кўчасидаги қабристонгача чўзилди. Жанозани Муфти ҳазратларининг ўзлари ўқиди. Озод ака устози Абдулла Қаҳҳорнинг шундоққина рўпарасида абдий маскан топди.

Устоз маслакдошларидан бири шоир Асқад Мухторнинг мана бу сатрларини ниҳоятда хуш кўрар, руҳан ўзининг ҳаётдаги шиори сарнади:

*Мен дунёга келиб  
дунё орттирдим  
Ҳаммасини ташлаб  
кетарман.*

*Қалбни эса  
сўнги хужайрасигача  
Ловуллатиб ёндириб  
кетарман.*

У аҳдида катъий турди, сўнги нафасигача ижоддан, ҳақ сўзни айтишдан тўхтамади, қалбининг сўнги хужайрасига қадар ловуллатиб ёндириб миллат, адабиёт равнаки йўлида фидо этди.

Биз каби шогирдларга таскин берадиган жиҳати шундаки, устоз қалби ёлкини – ярим аср порлаган маёқ зиёси ундан баҳраманд бўлганлар кўнглида ҳеч қачон сўнмагай.

**Умарали НОРМАТОВ**

Расул ҲАМЗАТОВ

# МЕНИНГ ДОФИСТОНИМ



**Доно ҳикмат айтиб, тентак эса  
бақриб ҳайрон қолдиради.  
Баҳор келса — кўшиқ куйла,  
Қиш келса — эртак сўйла.**

**М**ана мен тоғ қаршисидаман, ундан ошиб ўтишга чоғланишман. Учқур тулпорим тоғнинг исталган сўқмоғидан олиб ўтишга қодир. Тоғ — менинг мавзуим, тулпор — менинг воситам, таъбир жоиз бўлса ифода тилим. Энди мен азим тоғдан ўтадиган сўқмоқни танлашим керак, холос.

Мен тоғликман. Аждодларим ҳар доим тўғри сўқмоқни танлашган. У тик, хавфли, аммо энг қисқа сўқмоқ бўлган. .. бу сўқмоқдан ўтаётиб ҳалокатга ҳам учраш мумкин, бироқ мақсад манзилга тезроқ етиш.

Ёки мен қалъа қаршисидаман, уни забт этишга чоғланишман. Жанг пайтида панд бермаган ажойиб қуролим ҳам бор. Қалъа — менинг воситам, таъбир жоиз бўлса, ифода тилим. Энди метин қалъани талафотсиз эгаллаш йўлини танлашим лозим: ё кўққисдан хужумга ўтишим, ёки қамал қилиб пайт пойлашим керак.

Айтайлик, тариқ экилган дала бор, тоғда эса жилга. Ана шу жилга сувини қандай қилиб далага олиб келиш мумкин?

Уйда ўтин бор, қозон ва унга солинадиган масаллиқлар ҳам бор. Гап тушликка қандай таом тайёрлашда қолган.

Муҳаррир менга ёзган мактубида исталган жанрни танлашимга рухсат берганди: ҳикоями ё қисса, шеърми ё мақола. Лекин танлаш имконияти қанча кўп бўлса, танлаш шунча қийин.

## ЁН ДАФТАРЧАДАН:

Адабиёт институтига кирганимда, биринчи босқичда йигирмата шоир, тўртта ёзувчи ва битта драматург эдик. Иккинчи босқичда ўн бешта шоир, саккизта ёзувчи, битта драматург ва битта танқидчи бўлдик. Учинчи босқичда саккизта шоир, ўнта ёзувчи, битта драматург ва олтита танқидчига

бўлиндик. Охирги — бешинчи босқичда битта шоир, битта ёзувчи, битта драматург қолдик, бошқалар танқидчи бўлиб кетишди.

Эҳтимол, бу бўрттириб тўқилган латифадир. Аммо унда ҳаёт ҳақиқати мужассам. Негаки, кўпчилик ижодини шеър тўқишдан бошлайди, кейин насрга, кейин драмага, кейин мақола ёзишга ўтади. Ҳозир киносценарий ёзиш урф бўляпти.

Шоҳлар баъзан маликаларни фарзанд кўрмаганликда айблаб ўзгартиришади. Бир неча марта уйлангандан кейингина айб маликаларда эмаслигини тушуниб етишади. Чунки уларнинг кўзи тушадик, шу атрофда яшаган деҳқон умри бўйи бир аёл билан тирикчилигини ўтказаяпти ва лекин бир этак болалари ҳам бор.

Мен шундай ўйлайман: вино ич, лекин ўзингни нон ейишдан тийма. Кўшиқ куйла, лекин эртакларни ҳам тингла. Шеър ёз, лекин ҳикояни олдинга солиб ҳайдама.

## НАСР

Эсимда, онам болагимда ухлатишга ётқизар экан, алла айтарди. У битта аллани такрорларди, бошқасини билмасди. Отам таниқли шоир бўлса ҳам ўз болаларига атаб алла ёзиб бермаганди. Онам ҳам ҳил воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилиб беришни хуш кўрарди. Агар аллани онамнинг шеърятини деб айтадиган бўлсак, ҳикоялар унинг насри эди. Отам шеърят ҳақида суҳбатлашишни ёқтирмас эди. Менимча, у шеър ёзишни жиддий иш ҳисобламасди. У томорқадаги ерни ағдаришга, уй-жойни тузатишга, мол-ҳолга қарашга, томдаги қорни курашга, чақириб кетишган пайтда овул ва туманга боғлиқ ишларни бажаришга жиддий ёндашарди.

Отам шеърни ёзиб бўлпач, унинг қаерда чоп этилишига қизиқмасди. Марказий газетами ёки овулдаги деворий газетами, унга барибир эди. Ҳатто шеърларини деворий газетада чиқаришса, кўпроқ қувонарди.

У Анасил Муҳаммаднинг севги куйчиси сифатида танилган ўғли Маҳмудга айтган гапини тез-тез такрорлаб турарди. Айтишларича, ёр ҳажрида сарсон-саргардон кезиб қийналган, ҳижрон



қўшиқларини ёзиб эзилган, афтодаҳол Маҳмуд уйга келиб ейиш учун бирон нарса сўраган, отаси эса хотиржам жавоб қайтарган:

— Шеърларингни егин, севгини куйла. Мен сенинг ўрнинга томорқамизда ишлашдан чарчадим.

— Албатта, қушлар сайраб туриши керак, лекин уларнинг асосий вазифаси уя қуриш, овқат топиш, полапонларини боқишдир.

Гўё отам ўз шеърларига қушларнинг сайрашига қарагандай қарарди. Сайроқи қушнинг овози ёқимли, жарангдор, лекин жуда муҳим нарса эмас. Отам учун шеър эрталаб учрашганда айтиладиган “Ассалому алайкум”, ухлашдан олдин айтиладиган “Хайрли кеч” сўзларидай, байрамларда билдириладиган табриклардай, бошпа мусибат тушганда кўнгил сўрашдай одатий ҳолат эди.

Ҳар бир шоир ўзига хос феъл-атворга эга, деган гап бор. Отам феъл-атворига кўра тоғлик эди. У тоғликларга ўхшаб давраларда шошилмай суҳбат қуради, даврадошлари айтиб бераётган воқеаларни, ҳикояларни бўлмасдан охиригача тингларди. Барибир яна гап айланиб насрга келди.

Отам ўзининг ёзган дастлабки шеърларини машҳур шоир Маҳмудга кўрсатибди. Шеърларни ўқиб, ажабланиб, шоир шундай деган экан: Тушунмадим, сира тушуна олмасам керак, қандай қилиб сигирлар, тракторлар, кучуклар, Хунзах овулидаги сўқмоқлар ҳақида шеър ёзиш мумкин?

— Унда нима ҳақида шеър ёзай, — деб сўрабди отам.

— Севги ҳақда, фақат севги ҳақда ёз. Севги қасрини қуришимиз керак.

### МАҲМУДНИНГ ШЕЪРИ:

*Замин узра севги қасри айладим бунёд,  
Фақатгина унга ўзим сиғмадим, ҳайҳот.  
Ёр кўнглига йўл тонай деб*

*кўприклар солдим,*

*Улар бир-бир қулаб тушди, қолдим бенажот.*

Отам севги қасри қурмади, бундай бунёдкорлик ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Унинг ўй-хаёлида уй, оила, болалар, овул, от, мамлакат, дунё, замин, осмон, Қуёш, ёмғир, майса бўлди ва улар шеърини мисраларга айланиб қоғозга кўчди.

Тўғри, у бир гал севги ҳақда, ёр ҳақда шеър ёзганди. Бироқ бу шеърни ҳеч ким ўқий олмаслиги учун араб имлосида қоғозга туширганди. Чунки бу шеър ёлғиз ўзига ва ёрига бағишланганди.

Ҳа, отам шошилмасдан ҳикоятлар сўзлашни ёқтирарди. Эсимда, кечки салқин тушган пайтлари тиззасига мени ўтқазиб, пўстини билан ўрарди ва

ҳикоясини бошларди. У узоқларга кетиб қолган одамлар ва шу заминда яшаётган овулдошлар ҳақида сўзларди. У йўллар, дарёлар, қийғос бўлиб очилган гуллар ва уларга нима учун асаларилар учиб келиши ҳақида сўзларди. У қуёш қандай чиқиши ва боши ҳақида сўзларди. У маънавият, урф-одатлар, жанг олди қасамёдлари ҳақида сўзларди.

Отам осмонга бирров қараб олиб, эртага ёмғир ёғадими ёки кун очиқ бўладими, дарҳол айтиб берарди. Агар бизда ёмғир томчиси кўлобга айлана ҳосил қилиб тушса, Телега овулида қуёш чарақлаб турганини, Хунзах овулида эса дўл ёғаётганини яхши биларди.

У менга тарик бошоғида қанча дон бўлишини, нима учун осмонда чиройли камалак ҳосил бўлишини шошилмасдан тушунтирарди.

Агар овул четида йўловчи кўринса, у нима мақсадда йўлга чиққанини ва кимнинг уйида тунаб қолишини батафсил сўзларди...

Отам буларни нега айтиб берди экан? Ундан кўра қоғозга туширса бўлмасмиди? Улар Ҳамзат Цадасанинг насри бўлиб қоларди.

Ҳаёт ва ҳикоя! Бу тушунчалар отам учун бир хил мазмунга эга эди. У фикрлаш деганда ҳикояни, ҳикоя деганда фикрлашни тушунарди. Шеърини эса қайсар юракка ўхшатарди.

Отам ўз ҳикояларини қоғозга тушурганида яхши бўларди. Чунки мен улғайганимдан кейин биринчи навбатда юрагимга кулоқ солдим. Агар осмонда қуш учиб ўтаётган бўлса, мен уни осмондаёқ ушлаб олгим, яъни шеърларимга кўчиргим келди. Отам ҳар қанча ҳаракат қилмасин, болалигимда тинглаган ўша ягона аллани ҳамма нарсасдан, барча ҳикоялардан яхши кўрардим.

Болалигим қўшиқ айтиб ўтди, ўсмирлигим қўшиқ айтиб ўтди, қўшиқ айтиб улғайдим, мана қўшиқ айтиб сочларимга оқ тушди.

Мени тақдир қайга бошламасин, қайси қўшиқларни куйламай, доим бургутлар учиб келиб қўнишини кутаётган қояларни кўрдим, доим қушлар учиб келиб уя солишини кутаётган дарахтларни кўрдим, доим эшиги тақиллашини кутаётган уйлар ёнидан ўтдим, шунингдек, шоир келишини кутаётган насрга ҳам кўзим тушди.

Мана, мени кутган қоя устидан тушдим, эшикни ҳам тақиллатдим, у очилиб уйга таклиф этишларини истайман. Тушундимки, ҳаётда кўрганларимни, ўйлаган ва ҳис этган нарсаларимнинг ҳаммасини тўлалигича шеърда ифодалай олмайман.

Тушундимки, наср бу қўшиқ эмас, тик туриб айтиладиган. Наср ёзиш учун енгини шима-

риш, столнинг ёнига стул қўйиб ўтириш лозим, кечаси уйку босмаслиги учун аччиқ чой дамлаш ва соатнинг қулогини бураб қўйиш керак.

Агар ниҳоллар аввалдан тартиб билан эжилган бўлса, пойдевор тўғри қўйилган бўлса, уй қурилишида ҳавотирга ўрин йўқ.

Мен эса ёзганларим кейинчалик нима деб номланишини билмайман: ҳикоями, қиссами, эртакми, ривоятми, афсонами ё оддий мақолами?..

Эҳтимол, айрим муҳаррир ва танқидчилар ёзганларимни ўқиб чиқиб, бу роман ҳам, қисса ҳам, эртак ҳам, умуман ҳеч нарса эмас, дея таъна қилишар. Бошқа муҳаррир ва танқидчилар эса унисидан ҳам, бунисидан ҳам, умуман ҳаммасидан бир чимдимдан бор, дея кулиб қўйишар.

Ҳеч қайсингизга эътироз билдирмайман, олдин ўйлаганларимни ёзиб олай. Тугатганимдан кейин уни нима деб атасангиз ҳам майли. Мен китобий қонунлар асосида эмас, юрагим буюрганини қоғозга тўкаяпман. Юрак эса қонунларга бўйсунмайди. Тўғрироғи, юракнинг ўз қонуни бор.

Ўзимча ўйлайман: агар қоғозга тўшг, гуруч, мевани солиб қайнатсам, бирданига туз ва асални қўшсам, таомнинг мазасини бузиб қўймайманми? Ёки аксинча, ўзига хос мазали таом бўладими? Яхшииси, бу ҳақда таомдан татиб кўрганлар айтишсин.

Менинг хотираларим, менинг орзу-армонларим, менинг эртакларим! Эсимда, болалигимда отамнинг, акаларимнинг уйга қайтишларини кутиб қиш кечаларида узоқ вақт ухлай олмасдим. Мен эшик гирчиллаб очилишини кутиб ётардим. Худди соат тўхтаб қолгандай, вақт ўтмасди.

Шундай кечаларда бобом ёнимга ўтириб, секингина ҳикоя бошларди. Гоҳ қўшиқ хиргойи қиларди, гоҳ эртак айтарди. Гоҳ ибратли, гоҳ қизиқ, гоҳ кулгули, гоҳ кўрқинчли воқеаларни сўзларди. Мен вақтни унутардим, қулогимга фақат бобомнинг овози кирарди. Кўз олдимда у тасвирлаётган воқеалар гавдаланарди. Отам ва акаларимнинг қайтиши бобомнинг сўзини бўларди. Шунда мен воқеанинг қизиқ жойида бўлинганига ачинардим.

Кейинроқ ўзим ҳам улғайганимда ўзга юртлардан отамдай, акаларимдай уйга шошиб қайтаётганимда юрагим тобора тезроқ ураётганини сезардим, хаёлимда босиб ўтишим керак бўлган дараларни санардим. Шунда қайсидир йўлдош эртак ёки ривоят, ўзи кўрган ёки бировдан эшитган қизиқарли ҳикояни бошлаб қоларди. Мен тинглай-тинглай манзилга етганимда ҳикоячининг гапи охирига етмаганига афсусланардим.

Отам саломимга алиқ олгач, сўрарди:

— Тоғдан эсон-омон ўтдингми, дараларни қор қопламабдими?

Шунда мен на тоққа, на дараларга, на қорга эътибор бермаганимни сезиб қолардим. Ёдимга сўзамол йўлдошимнинг гаплари келарди. Унинг ҳикояси менга тик довонни равон, қорли кунда мушкулумни осон қилган экан.

Менинг ҳикояларим, менинг таассуротларим! Сиз ҳам қачонлардир қишнинг узун кечаларида қорли сўқмоқлардан уйи томон шошиб кетаётган йўловчиларнинг манзилини яқин қила олармикин-сиз?

Шўрвани мазали қилиш учун хушбўй кўкатлар қўшилгандай мен ҳам ўз эсдаликларимга керакли ўринларда бир-иккита шеър, мақол, ҳикоят киритяпман.

Танлух овулидаги қизлар лаби атрофига иккита кичкина хол қўйишади. Менинг насримдаги бу қўшимчалар қизлар юзидаги ўша холлардай ярашиб турган бўлсин.

Тошлардан текис қилиб терилган девор ёнига, гўё мен ён дафтарчамдаги хотираларни теряпман. Маълумки, девор тиклашга ҳамма тошни ҳам ишлатиб бўлмайди. Мен ҳам кераксиз тошни ишлатиб ҳикояни давом эттираётганимда баъзан диндорлар бошидан кечирадиган ҳолатга тушаман: таҳорат бузилган, лекин ибодатни тўхтатмаяпман. Начора, ҳикояни тўхтатиб ўша ўрнини топмаган тошни олиб ташлайман.

Шундай, мен суронли шеърят ва қўшиқлардан осойишта насрга ўтаётirman. Менку вақтинча қўшиқлар билан хайрландим, лекин улар мендан ажралгиси келмайди. Агар мизғишга чўзилсам, улар мулойим мушук каби кўрпамнинг бир четидан кириб келади. Худди эрталабки кўёш сингари деразамни очишим билан уйимга нурларини сочади. Гўё қадаҳ тубидаги энг сўнгги тотли қултум каби менинг симиришимни кутади. Гина қилиб сўзлашмай юрган аёлдай ҳар доим йўлимни пойлайди. Ниҳоят, сабри тугаб йўлимни тўсиб сўрайди:

— Сен мени шундай ташлаб кетмоқчимисан. Уйлаб кўр, сен менсиз яшай олмайсан. Сен салқин ўрмонда яшашга ўрганган кўтоссан. Сен муздай ғармоқларда сузган лососсан. Наҳотки, сен ўзингга тинч ва иссиқ кўл суви ёқиб қолади деб ўйласанг? Агар мендан жуда кетгинг келаётган бўлса, кел бир лаҳза юзма-юз ўтирайлик.

## ШЕЪРИЯТ

Мен сени ҳеч қачон ташлаб кета олмайман. Қандай қилиб, оғриқларимдан кейин кўз ёшларим билан қуйилган шодликларимдан воз кечаман.

Сен барча ўғил кутаётган пайтда туғилган қиз болага ўхшайсан. Ҳа, сен туғилиши билан яқинларига мурожаат қилган ўша қиз боласан:

“Яхши биламан, сиз менинг туғилишимни кутмагандингиз ва ҳеч қайсингиз ёқтирмайсиз. Илтимос, мен улғайишимга, чирой очишимга, сочларимни ўстириб кокил қилиб тарашимга ва қўшиқлар куйлашимга имконият беринг. Ўшанда кўрамиз ер юзида мени севиб қолмайдиган одам топилармикан?”

### ШЕЪРИЯТ

Ишлар бор, ишдан сўнг ўйламайсан ҳам,  
Гоҳ оддий туюлар саёҳат — роҳат.  
Сен менга саёҳат ва ундаги дам,  
Сен менга оромсан ва оғир заҳмат.

Сен бошимда онам алиаси бўлдинг,  
Баҳор, мардлик бўлиб сингдинг шуурга.  
Сен оташ ишқ билан бирга туғилдинг,  
Ишқ эса туғилган мен билан бирга.

Ёш пайтим онамдай бўлдинг меҳрибон,  
Навқирон давримда суюкли дилдор.  
Кексайсам, қизимдай асрашинг аён,  
Агар ўлсам, мендан қолурсан ёдгор.

Сен гоҳо чўққисан, гоҳо лочиним,  
Учсам қанотимсан, баҳсда исботим.  
Сени ўйлаганда йўқоқлар тинчим,  
Сенга бахшидадир ижод, ҳаётим.

Қайда тугайди иш ва бошланар дам,  
Қайда оз муддатли саёҳат — роҳат.  
Сен менга саёҳат, чўққисан ҳар дам,  
Сен менга оромсан ва оғир заҳмат.

**ОТАМ АЙТАРДИЛАР:** Эзмани тўхтатиш учун сўз навбатини ҳурматли нуроний ёки меҳмон олиши керак. Шундан кейин ҳам у сафсатасини тўхтатмаса, қўшиқ бошланглар. Агар қўшиқ ҳам унга таъсир қилмаса, истиҳола қилмасдан ёқасидан олиб кўчага чиқариб ташлашингиз мумкин. Умуман олганда, қўшиқ куйлашга ҳалақит берадиган эзмага мушт туширса ҳам бўлади.

**ШЕЪРИЯТ,** ўзинг жуда яхши биласан, сен ҳақингда қанча гапирган билан бадийлигинг ошиб яхши бўлиб қолмайсан. Қандай қилиб, гаплар билан қўшиқни улуғлаш мумкин? Қандай қилиб, чойнак жўмрагидан сув куйиб тоғ жилғасининг шидлатини ошириш мумкин? Қандай қилиб, пуфлаб шамолни кучайтириш мумкин? Қандай қилиб, бир бўлак қор ташлаб қорли тоғни улуғвор қилиш мумкин? Наҳотки, кийим бичимини ўзгартириш ёки мўйловни тарашлаш билан онанинг ўғлига бўлган меҳрини ошириб бўлса?!

**ШЕЪРИЯТ,** сенсиз мен етим бўлиб қолардим.  
**ШЕЪРИЯТ,**  
Сенсиз дунё ўхшарди гўё,  
Куёш нури тушмаган горга.  
Ё юлдузсиз сим-сиё само,  
Ё бир ошиқ зору зор ёрга.

Сенсиз дунё ҳаёт йўқ уммон,  
Суви музлаб гезариб қотган.  
Сенсиз дунё гулсиз бир макон,  
Булбултарсиз ҳувиллаб ётган.

Сенсиз дунё баргсиз бир дарахт,  
Бошида қиш, унга ёт баҳор.  
Сенсиз башар гариб ва бебахт,  
Куйламас, куй бўлмайди зинҳор.

**АВАРЛАР АЙТИШАДИ:** “Шоир дунё пайдо бўлмасидан юз йил аввал яралган”. Бу билан улар дунё шоирлар туфайли гўзалдир дейишмоқчи шекилли.

Биз оилада беш фарзанд — онам ва тўртта ака-ука эдик. Онам ҳаммамиздан катта бўлгани учун барча тоғлик аёллар қаби унинг пешонасига ҳам меҳнат, тапвиш ва кўз ёш тўкиш ёзилган экан. Шу боис отам бизга тез-тез такрорлаб турардилар:

— Сиз тўртгасиз, опангиз эса ёлғиз. Уни асранглар, ҳар доим ғамхўр бўлинглар. Ер юзида сизга опангиздан яқинроқ одам йўқ.

Ҳақ гап, онам — менинг энг яқин меҳрибоним. Бироқ менинг иккинчи онам ҳам бор. Билмайман, уларнинг қайси бири менга қадрдонроқ. Менинг иккинчи онам — **ШЕЪРИЯТ.** Мен усиз яшай олмайман.

Баъзан ўз-ўзимдан сўрайман: мен учун Шеъриятнинг ўрнини бошқа бирор нарса боса оладими? Тўғри, мен учун дунёда бошқа қадрдон нарсалар ҳам бор: тоғлар, қор ва жилға, ёмғир ва юлдузлар, куёш ва нон... Бироқ тоғлар, ёмғир, куёш шеърият билан, шеърият эса улар билан улуғвордир. Чунки шеъриятсиз тоғлар тошлар уюмидан иборат тепаликка, ёмғир намликни орттирадиган ва кўлмак ҳосил қиладиган суюқликка, куёш эса иссиқлик таратувчи осмон жисмига айланиб қоларди.

Яна ўз-ўзимдан сўрайман: шеъриятнинг ўрнини бошқа бирон нарса боса оладими? Тўғри, чексиз замин, қушлар сайроғи, мовий осмон, безовта юрагимнинг дук-дуклари бор. Бироқ шеъриятсиз улар ўзларининг гўзал кўринишини намоен этишармиди? Ахир шеъриятсиз олис мамлакатлар ўрнида географик ҳудудлар, қушлар сайроғи ўрнида нарнинг макиёнига табиий эҳтиёж юзасидан

қилган изҳори, мовий осмон ўрнида турли газлар аралашмаси, безовта юракнинг дук-дуклаши ўрнида организмда қон айланиши деган тушунчалар қоларди, холос.

Тўғри, нафосат, яхшилик, раҳмдиллик, муҳаббат, гўзаллик, ватанпарварлик, ифтихор, нафрат каби тушунчалар бор. Бироқ шу тушунчалар шеърият пайдо бўлганидан, шеърият туфайли улугвор. Улар шеъриятсиз, шеърият уларсиз мавжуд эмас.

Менинг шеъриятим ўзлимни яратибди. Мен эса шеъриятимни яратяпман. Биз бир-биримизсиз ўликмиз, аниқроғи мавжуд эмасмиз. Менинг танимда ҳам суяклар ва мушаклар бор. Ташқаридан қараган одам қайси суягим бутун ва мустаҳкам, қайсиси синган ва битиб кетганини билмайди. Аммо рентген нурлари танамдан ўтганда менинг суякларим тўғрисида бегоналарга ҳам тўлиқ маълумот беради.

Менинг қалбим ҳис-ҳаяжонлари қовурғамга, умуртқамга, ёки ўпкамга нисбатан янада ичкарироқда ва янада мустаҳкамроқ ҳимояланган. Лекин шеърият нурлари қалбимни ёритади ва ундаги ҳар бир ҳис-ҳаяжон ўзгаларга ошкор бўлади. Ҳа, менинг қалбим сизга кафтдагидай намоён. Шеъриятнинг сеҳрли нурлари туфайли ўзгалар уни аниқ-тиниқ кўришади.

Компьютерда минглаб қисм ва симлар бор. Унинг дастурига кўшлаб сонлардан иборат мураккаб масалани ечишни жойлашгирдингиз. Электр токи компьютернинг сон-саноқсиз қисм ва симлари бўйлаб ҳаракатга тушади. Компьютерда кечаётган бу жараёнларни ҳеч бир кўз кўрмайди, ҳеч бир ақл тасаввур қилолмайди. Бироқ мониторда жавоб — масаланинг ечими пайдо бўлади.

Худди шундай менинг танамдаги сон-саноқсиз томирларимдан қандай таассурот, қандай муҳаббат, қандай нафрат оқаётганини ҳеч ким билмайди. Ижодкор қалбимда кечган мана шундай минглаб туйғуларнинг ҳосиласи охир-оқибат қоғоз узра шеърга айланади.

Мен кўп мамлакатларда кезганман. Баъзан пиёда, баъзан отда, баъзан самолётда учдим, юмшоқ ўриндиғига суяниб мизғиб ҳам олдим, баъзан поезд купесининг юқори полкасида ухлаш учун чўзилдим, баъзан автомобилда йўлимни давом эттирдим.

Мени отда ёки пиёда кетаётганимни кўрган одамлар шундай ўйлаган бўлишлари мумкин: Мана Расул Ҳамзатов. Бир ўзи кетаяпти. Ёлғизликдан зерикаётгандир. Бироқ мен ҳеч қачон ёлғиз ўзим қолмаганман. Ҳар доим мен билан одам — Шеърият

бўлган. Биз бир-биримиздан бирон лаҳзага ҳам ажрала олмаймиз. Ҳатто тушларимда ҳам шеър тўқийман, ё аввал ёзган шеърларимни эслайман, ё бошқа шоирларнинг шеърларини ёддан ўқийман.

Авваллари дунёда шоирлар жуда кам деб ўйлардим. Шубҳасиз, шоирларга ўзгалар даврасида бўлиш қийин. Ҳар кимнинг ўзига яраша ташвиши бор. Таниш ва қўшнилар билан нима ҳақда гаплашиш мумкин: иш, маош, уй-рўзгор, хотинлар ғалваси, дам олиш, балиқ ови, кино, касалликлар ва шунга ўхшаш бир талай мавзулар. Албатта, шоир ҳам бу мавзуларда ўзгалар билан гаплаша олади. Аммо ким у билан шеърий қарашлари, шеърият ҳақида дардлашади.

Энди тушундимки, дунёда шоирлик хусусияти йўқ одамнинг ўзи йўқ экан. Ҳар бир одам қалбан шоир. Ҳар ҳолда, қадрдонлар бир-бирининг уйига бориб йўқлаб тургандай, шеърият ҳам ҳар бир одамнинг уйига меҳмон бўлиб борган.

Халқимиз болаларни севгандай қўшиқларни ҳам севади. Ҳа, бизнинг ҳаммамиз шоирмиз. Фақат бизнинг фарқимиз шундаки, айримларимизгина шеър ёзамиз. Чунки шеър ёзишни биламиз. Бошқа бировлар ҳам шеър ёзади, фақат улар шеър ёзишни биламан, деб ўйланади. Учинчи тоифадаги одамлар эса умуман шеър ёзишмайди. Эҳтимол, ҳақиқий шоирлар ана шу учинчи тоифадаги одамлар орасидалир.

Менинг шеър ёзмаган вақтим ҳам бўлган. Наҳотки, мен ўшанда шоир эмас эдим? Наҳотки, ўшанда менинг юрагим секин урган, қоним совуқ бўлган? Наҳотки, ўшанда мени аламлар қийнамаган, хурсандчиликлар шодлантирмаган? Наҳотки, ўшанда дунёни билиш иштиёқи менда суст эди? Наҳотки, ўшанда кўзларим дунё гўзалликларини ҳозиргидай кўра олмаган? Наҳотки, ўшанда қора булутлар орасида чарақлаган юлдузни кўрганимда ҳозиргидай ҳаяжонланмаганман? Наҳотки, ўшанда жилғаларнинг жилдираши менга янги оҳанглари шивирламаган бўлса? Наҳотки, ўшанда турналар ноласи ва тушпорлар кишнаши мени ўйга толдирмаган? Наҳотки, ўшанда қадимий қўшиқларимиз ва ота-боболаримизга бағишланган қасидаларни тинглаганимда кўзларимга ёш келмаган бўлса...

ЭСИМДА, болалигимда кўшнимизнинг отини уч кун ўтлатиб келгандим. Кўшнимиз бу хизматим эвазига менга битта эртақ айтиб берганди.

ЭСИМДА, болалигимда тоғдаги чўпонлар ҳузурига қатнардим. Ярим куним боришга, ярим куним қайтишга кетарди. Мен тоққа шеър тинглаш учун борардим.

Ахир бежизга Унцикул ноклари, Имрин узумлари, Буцрин асали, аварликлар қўшиқлари дейилмайди.

ЭСИМДА, иккинчи синфда ўқиётган вақтимда ўзимизнинг Цада овулига борганман. Ўша овулда отамнинг кекса қадрдон дўсти яшарди. У кўплаб қадимий қўшиқ, шеър ва афсоналарни биларди. Қария тўрт кун давомида эрталабдан кечгача билан шеърларини ўқиди ва қадимий қўшиқлардан куйлади. Мен уларни мумкин қадар ёзиб олишга ҳаракат қилдим. Мен шеър ва қўшиқ ёзилган қоғозларни хуржунимга солдим, уни елкамга ташлаб хурсанд ҳолда йўлга тушдим.

Буцра овули тоғ бағрида жойлашган. Мен тоққа чиқаётган вақтимда бир тўда қопоғон итлар мени қувлаб қолишди, улар ўнтадан кўп эди. Улар ортимдан майса тўлқинлари узра худди кемага йўналтирилган торпедолардай учишарди. Мен итларнинг катта оғизларидаги ўткир тишларини аниқ кўрдим. Яна бир лаҳза ўтса бас, итлар мени гажиб ташларди. Шу пайт чўпоннинг ҳайқирини янгради:

— Ёт! Қимирлама!

Мен ерга юзгубан ётиб тошдай қотдим. Қимирлашга ҳолим йўқ, хатто нафас олишга ҳам кўрқардим, фақат юрагим дук-дуклаб урарди, унинг овози ён-атрофда акс-садо берарди. Итлар атрофимда тўхтаб, мени ва шеърлар солинган хуржунимни ҳидлашди. Янглишганини сезишгандай бир-бирига қарашди. Кейин хаёлларида пайдо бўлган янги ўлжани қувлаб чошиб кетишди ва бир зумда тепалик орқасига ўтиб кўздан гойиб бўлишди.

Мен чўпон кўйларини ҳайлаб ёнимга келгунча ётавердим.

— Ҳой, кимнинг ўғлисан?

— Мен падалик Ҳамзатнинг ўғли Расулман.

Атайин отамнинг исмини айтдим. Чўпон отамнинг исмини эшитгач, менга қаттиқ ботадиغان гаплар айтмайди, деб ўйлагандим.

— Сен бу тоғларда нима қилиб юрибсан?

— Мен Буцрага шеър-қўшиқ ёзиб олгани боргандим, мана улар хуржунимда.

Чўпон шеър ёзилган қоғозларни олиб, кўздан кечирди.

— Демак, сен ҳам шоир бўлмоқчисан. Нега унда итлардан кўрқдинг? Танлаган йўлингда ҳали сенга итлар кўп ташланишади. Улар менинг итларимга ўхшаб шеърларингни ҳидлагач, олдиндан тезда кетишмайди. Аммо сен кўрқма, ҳеч нарсадан кўрқмаслигинг керак. Сен бу тоғ қандайлигини биласанми? Айнан шу тоғдан Ҳожимурод сакраган ва таъқибчиларни доғда қолдирган. Билиб кўй, ўз юртингда сени тоғлар ҳам суяди.

Рус тилидан

Асрор МҶМИН таржимаси.

(Давоми келгуси сонда).

## МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ

Обрў! Ҳали сиз буни бўлмағур нарса деб ўйлайсизми, афандим? Ахмоқларнинг ҳурмати, гўдакларнинг ҳайрати, боёнларнинг ҳасади-ю, доноларнинг нафрати.

**Барнав**

\*\*\*

Сўз инсонга дилидаги фикрни яширмоқ учун ато этилган.

**Ҳазрат Малагрида**

\*\*\*

Ҳаёсизлик ва бағритошлик билан муваффақиятга эришаётган барча кишилар кўнгилчан ва мурувватли одамлардан нафратланадилар.

**Юнг**

\*\*\*

Агар юрагида ҳеч бўлмаганда алангнинг учқуни бўлса, хаёл қилиш иқтидори бўлган одам учун чала-чулпа эшитилган гаплар, тасодифий учрашувлар ҳам рад қилиб бўлмайдиган далилга айланади.

**Шиллер**

\*\*\*

Дадил режа билан уни амалга ошириш ўртасидаги вақт нақадар изтиробли бўлади.

**Шиллер**

\*\*\*

Табиатнинг ўзи инъом этган чинакам жозибанинг кучи, айниқса, бу фазилат соҳибининг ўзи буни сезмаса, ана шундай таъсирли бўлади.


**Стендаль**

\*\*\*

Бизнинг сербулут осмонимиз тагида эса камбағал йигитча шоиртабиат бўлгани учун пул сарф қилиш лозим бўлган қувончларга интилганидан ҳам шуҳратпараст бўлиб қолади.

**Стендаль**

**НИГИНА тўплади.**



*Йигирманчи аср ўрталаридан бошлаб Ахборот технологиялари барча ривожланган мамлакатлардаги каби Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Бу янги жабҳада ўсиш кузатилмоқда.*

*Демак, жамият ва ёш авлод олдидан турган энг долзарб масалалардан бири ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш, илғор ахборот технологиясини жорий этишдир. Жаҳон ахборот интеграциясига қўшилиш энг асосий вазифалар сирасига киради.*

*Хўш, Ўзбекистон ушбу соҳада ўз ўрнига эга бўла оладими?*

*Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти ва иқтидори шу жабҳадаги ривожланиш учун етарли бўла оладими?*

*Ушбу саволаримизга Тошкент Ахборот Технологиялари университети қошидаги «Жавоҳарлаъл Неру» номидаги Ўзбек-ҳинд Ахборот технологиялари маркази ўқитувчиси Шриниваса Рао Мутчи ва ушбу олий ўқув юртида таҳсил олаётган иқтидорли талаба ёшлар жавоб берадилар.*

# КЕЛАЖАКНИ



**Шриниваса Рао Мутчи:**

Аввало бир нарсани зўр ифтихор билан айтиш жоизки, Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлати ўртасида тузилган қўшма меморандумга биноан, Ўзбекистонда ушбу марказ ташкил этилди. Марказ ўз олдида Ўзбекистон ёшларининг ахборот технологиялари соҳасидаги билим даражаларини кенгайтириш, бу борада уларга чуқур билим беришни мақсад қилган. Дарслар фақат инглиз тилида олиб борилади. Таълим бераётганимда ўзбек ёшларининг иқтидори ва нечоғли билимга эга эканлигини

кўриб қувонаман. Уларнинг бугунги изланиши, иқтидори ватанининг эртаси учун хизмат қилишига ишонаман.

Ўзбекистон— ўз тараққиёт йўлини белгилаб олган юрт. Ахборот технологияси, умуман, исталган соҳа ривожини учун энг аввало ўша давлатда тинчлик, осойишталик ҳукмрон бўлиши керак. Ўзбекистонда эса энг аввало тинчлик ҳимояланган. Демак, билим олиш, янгилликлар яратишга зарур шароитлар, имкониятлар етарли. Давлат бу борада ғамхўр. Ёшлар учун имкониятлар, эътибор катта. Буларни мен ўз тажрибаларим давомида кўрдим. Талабалар бу эътиборга муносиб тарзда жавоб беришади. Мен бунга аминман. Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасида ҳам ҳали кўп муваффақиятларга эришади ва жаҳоннинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олади. Буни билимга ва изланишга чанқоқ ўзбек ёшлари нигоҳида кўриш мумкин...



**Махфуза  
ЙЎЛДОШЕВА:**

Албатта, бизнинг орамизда ушбу соҳа ривожини учун хизмат қиладиган жонкуярлар, фидойилар бор экан, ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Сизу биз ўзбек деган буюк миллат наслимиз. Халқимизга

хос фазилатлар: тинчликни қадрлаш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, дўстлик ва тотувлик руҳи олға интилишимизга қанот бағишляпти. Давлатимиз томонидан берилган имкониятлар, яратилган шароитлар куч-қудратини кундалик ҳаётимизда яққол сезяпмиз. Ўзбекистон ёшларининг келажаги буюк! Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа қолмади. Бу йўлда муносиб изланишлар қиламиз! Барчамизда дахлдорлик туйғуси бўлса, бас!

зусида сайтлар яратдим. "Fond forum" жамғармаси стипендиясига муносиб деб топишди. Хулоса қилиб шуни айтаманки, билим олиб меҳнат қилган инсон барча ерда қадрланади. Соҳа ривожини учун хизмат қилишга доимо тайёرمىз!

**Искангар  
РАҲМАТУЛЛАЕВ:**



Мен ўйлайманки, Ўзбекистон шу соҳада ривожланиш жараёнларида катта қадамларни қўймоқда. Мисол учун, биз таълим олаётган ушбу марказ соҳани ўрганишимизга, унинг сирасорларини еча олишимизга ёрдам беради.

Ёшларимиз ахборот технологиялари оламига босқичма-босқич кириб келмоқда. Мукамаллик даражасига етишимиз учун кўп излани-

# ЯРАТИШ ҲИССИ



**Руслан  
СУЛТОНОВ:**

Дарҳақиқат, жуда долзарб масала ҳақида сўз бормоқда. "XXI аср — ахборот технологиялари асри" деб бежиз айтилмаган. Бу жараёнда барча ёшлар фаол иштирок эти-

шимиз зарур. Чунки бугунги кунда инсоният ахборот технологиялари ривожланишини англаб етмасдан янги турдаги технологиялар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистонда аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Юрт бизга ишонч билан қарамоқда. Ишонччи оқлай олиш — фарзандлик бурчимиз. Ҳар бир янгиликка, кашфиётга тайёр турмоғимиз зарур. Биз ҳар бир кашфиёт моҳиятини тушуниб олишимиз лозим. «Ахборот технологияларини ривожлантириш» мавзусида Япония тил маркази ўтказган тадбирда ўз пойиҳам ва ғояларим билан қатнашдим. «Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш» мав-

шимиз лозим. Лекин бизнинг қизиқишларимиз, интилишларимизни ҳисобга олган ҳолда муваффақиятларга ва ютуқларга эришишимизга, ватанимизни илғор ахборот технологиялари давлатлари сафидан жой олишига ишонаман. Чунки энг муҳими, бизда интилиш ва хоҳиш бор!

Юқоридаги фикрларга таяниб шундай дейиш мумкинки, бугунги кунда барча соҳалар қатори таълим соҳасида ҳам компьютер тизимларининг аҳамияти ўта юқори. Ушбу асрда эришилган ютуқлардан энг муҳими шу бўлдики, инсон ўз ақл-идроки, тафаккури ва ижодий салоҳияти билан мураккаб техника ва электроника каби технологияларни кашф этди. Чунончи, бугунги кун иқтидорли ёшлари уларни бошқариш салоҳиятига эга. Ўзбекистонда ватани, юрти тараққиёти учун хизмат қиладиган интилувчан ёшлар бор экан, бу соҳа тез суръатларда ривожланаверади. Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Илм маёғини қўлдан қўйманг, азиз ёшлар.

**Махфуза тайёрлади.**

**Азиз муштарийлар!**

Шу вақтгача “Таржимонолар клуби” саҳифасида хориж адибларининг ижод намуналари билан танишиб келдингиз. Бу танишув ҳозирги замон дунё адабиёти тўғрисида қисман тасаввур ҳосил қилишингизга ёрдам берди, деб ўйлаймиз.

Клубнинг навбатдаги машғулотида ўзбек ёзувчиларининг асарларини инглиз, немис тилларида чоп этишига келишиб олинди. Зотан, бу усул қалам соҳибларининг хорижда танилишига имконият яратади.

Ана ўша мақсадда мазкур эзгу амални режалаштирганмиз. Клубимизнинг илк меҳмони шоир ва таржимон Аъзам Обидов. Аъзамжоннинг таржима китоби жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига тарқатилган шеърлари Интернет веб-сайтларига киритилган. У АҚШ, Германия, Ҳиндистон каби давлатларга сафар қилиб, ўзбек адабиёти тарғиботи ишига улкан ҳисса қўшди.

Куйида шоирнинг бир туркум шеърларини икки тилда ҳукмингизга ҳавола этамиз. Шеърларни муаллифнинг ўзи инглизчага ўлган.



**Аъзам ОБИДОВ**

### I FEEL ARDOUR IN

*I have spent a day, one more,  
The time climbs the future already.  
I either won or lost a score,  
But for my life I was so greedy.*

*Where is the ardour and the light,  
What's the result from softy bone?  
In my life I see, at last,  
What is one is as VALUE known!*

*Stop pulling back, my old living,  
I feel ardour instead of heart,  
Now the time is not deceiving,  
And my life, I will never cut!*



### СЕЗГУМ КЎНГЛИМ ЎРНИДА ЖУРЪАТ

*Мен яна бир кунни ўтказдим  
Эртанга ҳам тирмашгайдир вақт.  
Балки ютдим, ёхуд ютқаздим,  
Умримни кўп қизғондим фақат.*

*Минг шижоат ва бир ўт қани,  
Суякнинг бўш қотгани надир?  
Ахир шунча яшаб уққаним —  
Неки битта берилса — ҚАДР!*

*Сезгум кўнглим ўрнида журъат,  
Етар, ортга судрама, эским,  
Энди алдаб кетолмас фурсат  
Бўлмасман ўз умримга кескич!*

### THERE IS A BIRD

*I was told, that I'm a bird,  
All the seasons fit to me.  
To know myself never I could,  
To fly around wings to be.*

*However, do not sing for me,  
So much of eulogy, don't arrange.  
There's such a bird, you set it free,  
But it flies back to the cage.*

*Please never say I'm like that bird!*

### БИР ҚУШ БОР

*Мен бир қушга ўхшар эмишман,  
Мослик топиб ҳар йил фаслига,  
Ўзимни ҳам танийман қисман,  
Энди қанот чиққан аслида.*

*Лекин мени ўхшатманг, ҳайҳот,  
Қуруқ номга мадҳия айтиб —  
Шундай қуш бор, этсанг-да озод  
Учиб кирар қафасга қайтиб,*

*Мени ўша қушга ўхшатманг!*

### VIRGIN DREAM

*The star touches my eyelash every night,  
Behind my brows – arises – the Moon.  
Knocking the gateway of my heart  
Evening, like a guest, 'll come soon.*

*Each night, calling to the sky –  
Pressing birds – so pure – seem.  
“You're not with us, I cannot fly,  
Come”, says the troubled virgin dream.*



### БОКИРА ТУШЛАР

*Ҳар кеч кипригимга илашар юлдуз,  
Қошларим ортидан ой чиқар дилхун,  
Қалбим дарбозасин чертибон, маъюс,  
Ишқли қароғимга меҳмон бўлар тун.*

*Ҳар кеч, кечолмасман, кўксимни эзиб,  
Самога тортқилар покиза қушлар.  
Сиз йўқсиз, “Ўзимиз учолмасмиз” деб  
Тўлғониб чиқади бокира тушлар.*



## HURT IS NOTHING

*What is hurt, we do want meeting,  
Parting's nothing - far - the way.  
Coming to this world sans greeting,  
Full with great love, we go away.*

*We, through breathing, take refuge,  
Heart is broken: laughter, why?  
This temporal past is so huge,  
From love all the loveless die!*

## NIGHT

*Thanks, noise has stopped. Just Silence.  
Behind the home the moon has stuck.  
Grief is tired in the wildness,  
A weeping one is maybe Luck.*

*All around the dozy wall,  
The naked patience may disgorge.  
The endless land - so being small -  
Is guarded by the frightened watch.*

## ОЗОР НАДИР

*Озор надир, бўлурмиз зор-зор,  
Фироқ надир, йироқ-йироқ йўл,  
Бу дунёси бизга келур тор,  
Кетажакмиз севгига мўл-кўл.*

*Оҳ орқали топурмиз паноҳ,  
Юрак зил-зил, сохта хандалар,  
Бу шундайин бебақо фано,  
Ишқдан ўлар ишқсиз бандалар.*

## TUN

*Шукур, тинди шовқин. Сукунат.  
Уй ортида зерикади ой,  
Ухлаётир ҳорғин уқубат,  
Йиғлаётган бахтдир, ҳойнаҳой.*

*Чор-атрофда мудрайди девор,  
Босинқирар яланғоч тоқат.  
Худудсиз бир Ватанни бедор,  
Кўрқиб-кўрқиб кўриқлар соат.*

# ҲИКМАТЛАР

Оламда эришиш мумкин бўлмаган нарса-лар жуда кам. Агар бизда қатъият кўпроқ бўлганида истаган мақсад сари элтадиган йўлни топа олардик.

\*\*\*

Ҳақиқий чечанлик керакли гапнинг ҳаммаси-ни айтиб, керагидан ортиқ ҳеч нарса демаслик қобилиятидир.

\*\*\*

Ясама соддалик ўта нозик мунофиқликдир. Одамнинг бахти ва бахтсизлиги тақдирга қанчалик боғлиқ бўлса, унинг хулқига ҳам шунчалик боғлиқдир.

\*\*\*

Виждонимиз олдида ўзимизни оқламоқлик учун кўпинча мақсадга эришиш учун кучимиз етмади деб, ўзимизни ишонтирмакчи бўламиз. Ҳолбуки, амалда биз кучсиз эмас, иродасизмиз.

\*\*\*

Биз дўстларимиз билан тўла тўкис ошкора гаплашмаслигимизнинг боиси — уларга ишончи-миз йўқлигидан эмас, кўпроқ ўзимизга ўзимиз ишонмаслигимиздир.

\*\*\*

Феълу атворнинг ўзгармас даражада қатъий-лиги аёл табиатига ётдир.

\*\*\*

Биз ҳеч қачон ўзимиз кирмаган ва кирмайдиган қиёфада кўринишга ҳаракат қилмай, ҳаминша

қандай бўлсак шундайлигимизча кўринадиган бўлсак, борлигимизча намоён бўлсак, одамларнинг назарида кўп нарса ютган бўлардик.

\*\*\*

Инсоннинг ҳамма умидлари чипшакка чиқса, бу уларнинг дўстларига ҳам, душманларига ҳам ёқали.

\*\*\*

Жисмоний меҳнат руҳий изтиробларни унуттишга ёрдам беради, шунинг учун қашшоқлар бахтиёр одамлардир.

\*\*\*

Ишгиёқ туғдирадиган ҳамма васвасаларни қондиришдан кўра, ишгиёқ янги туғилганда уни ўлдириш керак.

\*\*\*

Бирор нарсани қаттиқ хоҳлаб қолишдан аввал шу истаган нарсанизга ҳозир эғалик қилаётган одам бахтлими-йўқми суриштириб кўрмоқ керак.

\*\*\*

Ҳақиқий дўст бу дунёнинг энг улуғ неъматидир. Ҳолбуки, биз айни шу неъматнинг ортидан ҳар нарсдан камроқ қувлаймиз.

\*\*\*

Қайта тикланган дўстлик ҳеч қачон узилмаган дўстликка қараганда кўпроқ эътибор ва ғам-хўрлик талаб қилади.

Азиз НОРҚУЛОВ  
тайёрлади.

# "МАРЖОН СУВИ" — ДАРДГА ДАРМОН



Республика уруш ва меҳнат фахрийлари «Маржон суви» сўхатгоҳи Жиззах вилояти Галлаорол туманидаги сўлим тоғлар бағридаги «Палмикор» қўрғонида жойлашган. Мазкур дам олиш маскани Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июндаги 375-ф-сонли фармойишига биноан «Сўхат-саломатлик йили» давлат дастури асосида 2005 йил май ойида ишга туширилди.



Сўхатгоҳнинг асосий даволаш воситаси 290 метр чуқурликдан отилиб чиқарилган маъданли сув

ҳисобланади. Маъданли сув таркибида инсон организми учун фойдали бўлган натрий, калий, магний, хлор, сульфид, бром, йод каби бир қанча минерал элементлар мавжуд. Бундан ташқари, сўхатгоҳда балчиқ билан даволаш, ҳар хил физиотерапевтик, бадантарбия муолажалари, шифобахш гиёҳлар билан даволаш, халқ табobati усуллари, игна билан даволаш, уқалаш хоналари, маъданли сув ванналари бор. Сўхатгоҳда асосан, суяк мушаклари, таянч-ҳаракат тизими, ошқозон-ичак, асаб тизими, юқори нафас олиш йўллари, юрак ва ўт йўли касаллиги, гинекологик ҳамда урологик хасталиклар даволанади.

110 нафар киши дам олиши учун мўлжалланган. Ушбу масканда даволаниш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Икки кишилик люкс хоналар, пинам жиҳозлар, юмшоқ мебеллар, музлатгич, телевизорлар дам олувчилар ихтиёрида.

— Сўхатгоҳимизда ҳар йили икки мингдан зиёд республикамизнинг барча вилоятларидан фахрийлар келиб, дам олиб, соғлиқларини тиклаб кетишади, — дейди биз билан суҳбатда сўхатгоҳ даволаш ишлари бўйича бўлим мудир Сайфулла ака Мамаюсунов. — 2006 йил феврал ойида янги даволаш биноси фойдаланишга топширилгандан сўнг даволаш турларидан — маржонли ванна, ичак йўллари ва ўт пуфгани ювиш, аёллар касалликларини даволаш муолажалари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, даволаш сифатини янада яхшилаш мақсади-

да ташҳис хонаси замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури ижроси бўйича сўхатгоҳда 11 та коттеж реконструкция қилиниб, фойдаланиш учун тайёр ҳола келтирилди. Шунингдек, бу ерда ёпиқ сув ҳавзаси мажмуаси янгитдан қурилди. Сўхатгоҳ моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида 10 кишилик пуллик ўринлар ташкил этилди. Ўтган 2006 йил мобайнида ушбу пуллик хизмат қўрсатиш ҳисобига 13.606.2 минг сўм маблағ ўзлаштирилиб, сўхатгоҳ ҳудуди ободонлаштирилди.

Бугунги кунда сўхатгоҳда ўз касбининг фидойилари бўлган қўли енгил, ширин сўзли, хушмуомалали шифокорлар ва ҳамширалар меҳнат қилмоқдалар. Чорак асрлик иш тажрибасига эга бўлган ташҳис бўлими шифокори Ўктам Ҳакимов, тажрибали шифокорлар Ҳалима Хурсанова, Озода Тошқўлатова, Шаҳодат Ҳайдарова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жорий «Ижтимоий ҳимоя йили» доирасида сўхатгоҳ аҳил жамоаси аниқ режалар ишлаб чиқиб, бугунги кунда уларни амалга ошириш йўлида меҳнат қилмоқда. Фахрийларнинг мароқли дам олишлари учун бу ерда турли тадбирлар, вилоят, туман маданият бўлими санъаткорлари иштирокида концертлар ўтказилади, ҳафтанинг якшанба кунлари эса Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилади.

Сўхатгоҳдан бир олам таассуротлар билан қайтар эканмиз, унинг аҳил жамоасига хайрли ишларида янгидан янги муваффақиятлар тиладик.

Ибодулла ХИТОЕВ

# ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

**Бизнинг Кўкдала иқтисодийёт коллежимиз ўзининг ўқув-тарбиявий фаолиятини 2003 йилда бошлаган. Ҳозирги кунда коллежимизда 1-босқичда 306 нафар, 2-босқичда 294 нафар, 3-босқичда эса 280 нафар, жами 880 талаба таҳсил олмақда. Уларга 70 дан зиёд малакали ўқитувчилар иқтисодийёт ва таълим-тарбия сирларини ўргатиб келишмоқда.**

Коллежимизда асосан, қуйидаги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади:

«Бошланғич синфларда таълим-тарбия»,

«Молия»,

«Бухгалтерия ҳисоби»,

«Банк иши»,

«Хўжалик ҳуқуқи»,

«Жисмоний тарбия»

«Мақтабгача таълим-тарбия ва оилавий гувернёр»,

«Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил транспорти ҳаракатини бошқариш».

Коллежимизда замонавий компьютер хонаси, химия, физика, биология фанлари бўйича лабораториялар, 28 минг китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, шунингдек, 150 ўринли талаба-ёшлар уйи ўқувчиларимиз ихтиёрига бериб қўйилган. Талаба-ёшлар уйида ўқувчиларнинг яшаш ва ўқишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Коллежда ташкил этилган «Илгор тажриба мактаби» бўлғуси ёш

мутахассисларга иш ўрганишларида таянч вазифасини ўтамоқда. Анъанавий «Очиқ дарс» соатларида бошқа таълим муассасаларидан ҳам етук мутахассислар жалб этилади. Ҳафтанинг муайян кунда тарбиявий соатлар ўтказиб борилади. Унда маҳалла фаоллари, ички ишлар ходимлари, ота-оналар ҳам иштирок этадилар. Бу эса ўз навбатида ёш йигит-қизларнинг бўш вақларини тўғри ташкил қилиш, таълим-тарбия ишларини янада яхшилашда жуда қўл келаяпти. Бундан ташқари, коллежимизда 16 та турли фан тўғараклари фаолият олиб боради. Иқтидорли ўқувчилар билан ўтказиладиган қўшимча дарс соатлари уларнинг билимларини мустаҳкамлаб, турли танлов ва олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритишларига имконият яратмоқда. Жумладан, коллежимиздан 8 нафар талаба яқинда туман фан олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, улардан 2 нафари вилоят фан олимпиадасига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Коллежимизда замонавий спорт зали ҳам мавжуд бўлиб, унда талабаларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар бор. Спортчиларимиз туман, вилоят спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан коллежимизда тадбирлар ишлаб чиқилди. 50 нафар кам таъминланган талабаларга 3 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 12 нафар ходимнинг ҳар бирига 20 минг сўмдан моддий ёрдам берилди.

Талабаларимиз баҳор байрами — «Наврўз» айёмига пухта тараддуд кўриб, коллежимиз ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратдилар. Улар томонидан 35 минг туп мевали ва манзарали дарахтлар, 0,5 га майдонга атиргул кўчатлари ўтказилди.

Маълумки, бошқа ташкилотлар ва таълим муассасалари билан йўлга қўйилган доимий ҳамкорлик ўзининг ижобий натижаларини бераверади. Коллежимизни битирган талабалар турли ташкилотлар билан кадрлар тайёрлаб бериш бўйича тузилган шартномага асосан доимий иш билан таъминланиб боришмоқда. Утган ўқув йилида коллежни тамомлаган йигит-қизлардан 35 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирди.

Талабаларимиз доимо изланишда. Улар касб сирларини эгаллаш билангина чекланиб қолмасдан, бўш вақтларини кутубхоналарда, турли фан ва спорт тўғаракларида ўтказиб, ҳар жиҳатдан етук мутахассис бўлиб етишиш учун бутун куч ва ғайратларини ишга солмоқдалар.

**Мўминжон АЗИМОВ,**

**Чироқчи туманидаги**

**Кўкдала иқтисодийёт коллежи**

**директори.**



Улк баҳор, ҳатто саратонда ҳам қуюқ бўтана бўлиб оқадиган дарё қизил қондек кўришиб, тошдан-тошга урилади. Зор-зор йиғлаётган Сангзорнинг бағри қон...

...Бир неча асрлар муқаддам Бахмал тоғлари бағрига одамлар кўчиб кела бошлаган. Сорибой деган одам туяларда Самарқанддан ғишт келтириб, сирли ва мустаҳкам қўрғон қурдирган. Қўрғон тахминан Тангатопди ва Сартюзи қишлоқларининг ораллиғида, қирғоқдан узоқроқда жойлашган. Одамлар атрофдаги арчаларни кесиб, экин майдонлари ва чорва учун яйловлар яратганлар. Тангатопди дарёсидан канал қазиб, сув чиқарганлар. Бироқ Ўратепа беги бу водий аҳлига божхирож тўлашни буюрган. Буёруғига қўрғон аҳолиси рози бўлмаганлигидан ғазабланган бек ўз лашкарлари билан Сартюзи қўрғонига ҳужум қилган. Қирқ кун қамал вақтида қўрғондан бирор киши на озиқ-овқат, на сув учун ташқарига чиқишган. Бекнинг одамлари қўрғондан қирқ тўртинчи кун тонг пайти чиққан икки ҳукизни

сўйсалар ичидан икки пудга яқин буғдой чиқади. Бу воқеадан кейин Сорибойнинг егани нарсаси тугаса, ўз-ўзидан таслим бўлади, деб уйлаган босқинчилар ортга чекинишга ҳозирлик кўра бошлайдилар.

Лекин бу орада Сорибойнинг қизи Олтиной ҳимоя девори кунгурасидан Ўратепа бегига бир неча марта кўзи тушган ва пинҳона кўнгул қўйган экан. Ёв қўшинининг қайтишини эшитган қиз қўрғондошларимни енгил учун ер остидан келтирилган сувни бекитмоқ керак, деган мазмундаги хатни бир мушук бўйнига боғлаб қўрғондан чиқаради.

Бир қанча қийинчиликлардан кейин бекнинг одамлари сув йўлини топиб, беркитишади. Қўрғон халқи қамалнинг отмиш иккинчи кун қаттиқ жангдан сўнг таслим бўладилар. Босқинчилар Қўрғон аҳлини ваҳшийларча қириб, қўрғон деворларини буздириб ташлайдилар. Бек Олтинойга уланади.

Жанг пайтида қўрғоннинг қўлдан кетишини англаб, бек одамларининг кийимларини кийиб, яроғларини олиб, душман орасига ки-

риб олган Сорибойнинг тўрт йигити икки кеча-кундуз пайт пойлаб, ниҳоят, учинчи тунда айғоқчилик — қоровуллик қилиш вазифасини олади. Ҳамма ухлагач, тун ярмида қизни уйқусида қопга солиб олиб чиқадилар. Талончилар ухлаётган сарой дарвозасини кулфлаб, атрофга шох-шабба ташлаб, зигир ёғи сепиб, ўт қўйишади. Сотқин қизни ортга ўнгариб, ортга қайтаётганда ёнаётганлар томонидан овоз эшитилади:

— Отасига хонлик қилган фарзанд бизга эл бўлмасди...

Бу тўрт баҳодир йигит қизни Қоровултепага олиб чиқиб, босқинчиларнинг кули кўкка соврилганини кўрсатади ва Олтинойга шундай дейди:

— Олтиной, сен Сорибой отанинг ёлғизи эдинг. Сени ҳаммамиз яхши кўрардик. Сен ота-онанг, қариндошларинг, элдошларингга хиёнат қилдинг. Энди сени халқ ҳукмига топширамыз.

Босқинчиларнинг кули кўкка соврилганини эшитган қўрғоннинг омон қолган аҳолиси байрам бошлашади. Эрта билан барча қишлоқ

# САНГЗОР


# ЗОР-ЗОР

аҳли дарё соҳилига йиғилади. Хоинлик қилган Олтинойга ҳар бир элдоши биттадан тош отиб, қиз жасадини тош уюмлари тагида қолдиради. Сангзор шу уюмгача сокин ва тиниқ оқади. Сув бағрида кундузи қуёш, кечаси ой балқийди, сувда балиқчалар, соҳилда эса ниначилар беҳавотир сайр қилади. Ёзда Бахмалда ҳордиқ чиқарувчилар буни яхши билганлари учун шу уюм (кўприк)дан юқорига ўтиб, ўз чодирларини тикадилар. Бу кўприкдан наstdа эса дарё безовта...

Босқинчилар зулмидан қутулган кунги байрамда шу ҳудудда аҳил яшовчи қирғизлар ва тожиклар ҳам қатнашган экан. Тантана сўнгигадаги фотиҳа тожик биродарларга берилади. Улар ғалабани таъминлаган тўрт баҳодир ҳақиқа олқиш айтиб, уларни дуо қиладилар. Қиз қабрини кўрсатиб, хиёнаткор қизга дарё ҳам санг, яъни тош отиб турсин, токи ота-онанинг, ўз юрти, элининг қадрига етмаган оқпадар фарзандлар ана шундай жазога лойиқ эканлигини барча билсин, дейишади. Шундан буён қиз қабри устида тош камайиб қолса, дарё саноқсиз тошлар билан тўлдириб кўяркан. Чунки тош ёзда иссиқ бўлиб, қишда музлатиб оқпадарнинг суягини азобда сақларкан. Дарёнинг Сангзор деб аталиши шундан экан...

Сангзор қилмишига яраша жазо олган хоин қизнинг тақдирига ачиниб, ҳамон зор-зор йиғлармиш...

**Абдурауф  
БАХМАЛИЙ**



# САРИМСОҚ ПИЁЗНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Саримсоқ пиёзнинг бир тури бўлиб, у халқ табобатида кенг қўлланиб келинган. Саримсоқнинг хонаки ва ёввойи тури мавжуддир. Саримсоқда инсон танаси учун зарур бўлган дармондорилар, жавғар ва эфир мойлари бўлганлиги учун кўпгина хасталикларни даволашда, жумладан, қаттиқ шамоллаш, нафас қисишда, қон босими ошганда, грипп бўлганда кенг қўлланилади. Саримсоқ озуқали ва катта калорияли тўйимли овқат бўлишидан ташқари, ниҳоятда самарали шифобахш доридир. Бу ўрида саримсоқнинг ўзи, барги ва уруғи ишлатилади.


Саримсоқ баргини, қуруғини исриққа каби чўққа солиб, уйда тутатиб турсангиз, ҳавони тозалайди. Бу иш, айниқса юқумли хасталикка қарши курашда тез ёрдам беради. Шундай ҳолда саримсоқнинг ёш баргидан кўп истеъмол қилинса, ҳароратни пасайтириб, бош оғригини қолдиради, иштаҳани очади ва юқумли касаллик тарқатувчи вирусларни ўлдиради.

Саримсоқ болалардаги гижжага қарши курашда яхши самара беради. Бу дард ёш болаларда кўп учраб, у сув чувалчанги сифатида болаларнинг ичагида яшайди, бола тановул қилган овқатнинг оқсил моддасини сўриб олиб, тез ривожланади, ҳатто бир метргача ўсиб боради. Гижжа боланинг тез ўсишига тўсқинлик қилади ва уни заифлаштириб қўяди. Бу хасталикни йўқотишда болага саримсоқ ва унинг баргидан берилганда ижобий натижаларга эришилади.

Беморда сурункали тумов, кўк йўтал ва нафас қисилиш хасталиги бўлса, саримсоқни янчиб, бодом чой қилиб берилса, яхши даво бўлади.

Бел оғриги, бўғимларда оғриқ бўлса, от ёғига саримсоқ сувидан кўшиб суртилса, бод касаллигидан халос қилади. Тананинг тери қисмида қичима, кўтир дарди бўлса, узум сиркасига саримсоқ сувини кўшиб суртилса, яхши даво бўлади. Саримсоқ тиш оғригини ҳам даволайди. Тишни “қурт ейишдан” ҳоли қилади, тиш милқини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Иби Сино саримсоқ кулини асал билан аралаштириб, темирткига қарши малҳам тайёрлаган. Саримсоқ қайнатмаси билан йўтал ва астма дардини даволашга ҳақида ёзган. Саримсоқни грипп хасталигига йўлиққанларга истеъмол қилиш тавсия этилади. Овқатдан олдин саримсоқнинг 1-2 бўлагини тановул қилинг. Саримсоқ сувини устки лабингизга суриг, бу билан гриппнинг зарарли моддаси — вирус ўлдирилади, саримсоқ пўстини исриққа кўшиб, бемор хонасида бир неча марта тутатиш керак ва саримсоқни пишириб, унга асал ёки ароқ билан аралаштириб кўкрак ва орқа куракка суриб, ўралиб ётиш яхши фойда беради. Бу усул бир неча марта такрорланса, бемор гриппдан тез халос бўлади.



|                   |                         |                              |                |                    |                         |                     |                |                    |
|-------------------|-------------------------|------------------------------|----------------|--------------------|-------------------------|---------------------|----------------|--------------------|
| Андарондаги туман |                         |                              |                | Сувоқ шебоби       | Устаи Зулфиян           | ... Эшон Қўрағонли  | Финий яси      | Найт               |
| Оғина             | ... Ибодуллоев (хонячи) | Уял боси неми                | Эйла хизмат... |                    |                         | Самолёт янаси       |                |                    |
|                   |                         | Хот... (таом)                |                |                    | Заҳар                   | Успирин             | Ўабек шотоси   | Фирон              |
| Гимнастикачи      | Панай оидати            | Мухаммад... (боячи)          |                |                    | Балиқ тури              |                     |                |                    |
|                   |                         | ... ва Заҳра (киши)          |                |                    | Забт сўмоқ              |                     |                |                    |
|                   | ... Темур               | "... қизини дафтарга" (асар) |                |                    | Газета номи (Ўзб.)      | Ўшич                |                | Бондариув меҳнатим |
|                   |                         |                              |                |                    | Фрива                   |                     |                |                    |
|                   | Фод                     |                              |                |                    |                         |                     | Радионив модда | ... товоқ          |
|                   |                         |                              |                |                    | ... элтибор             | Дошн яши            |                |                    |
|                   | Рифо неси бил           |                              |                |                    |                         |                     |                | Дуб томони         |
|                   |                         |                              |                |                    | Хабарчи                 | Ўабр, янфо          | Ўши (мева)     |                    |
| 1,3,5,7,9...      | Олим лёл                |                              |                |                    |                         |                     |                |                    |
|                   |                         |                              |                |                    | Танин эмне              | Қонун яши           | Қон қорону     | Лутф               |
| Энг машҳур қўшиқ  | Мини ромплотер          |                              |                |                    | Мақсела номи            | Кимёвий элемент     |                |                    |
|                   |                         |                              | ...га айб йўқ  | Устни              |                         | ... тили шигини     |                |                    |
| Ҳамду...          | Керамдан кўп            |                              |                |                    | Бир ... бир яши бўлиб   | Пталия              |                | Билап              |
|                   |                         |                              | Фирон          | Четта чиқин қорони |                         |                     | Тимсол         |                    |
| Равал             | Гринп, шамольян         |                              |                |                    | ... босл (аскар қўшини) | Тор (Жан Америка)   |                | Иши                |
|                   | Ветан                   | Содда, ўқиманчи              |                |                    | 21.06 (апо)             |                     | Рингли металл  |                    |
|                   |                         |                              |                | Билим              |                         |                     | Бези           |                    |
|                   |                         |                              |                |                    |                         | Озарбайжон пойтахти |                |                    |
| Бонг "гайм"и      | Бунн (шева)             |                              |                |                    | ... били                |                     | Фойда          |                    |



|                          |                          |                       |                                    |                        |                      |                     |                       |                  |
|--------------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------------------|------------------------|----------------------|---------------------|-----------------------|------------------|
| Ўрама                    | Номир, рабб              |                       |                                    |                        | ... Пирт (ақсёр)     | Эътиқод             | ...бади               | Дуридор асбоби   |
|                          |                          | Йул кўрсатувчи асбоб  | Завқ                               |                        |                      | Ўртоқ               |                       |                  |
| Ўлаёт                    | Соқовлар алафбоси        |                       |                                    |                        | Фол                  | Номмаълум сеп       | ... Сафот (сешичи)    | Гриш, шайхона    |
|                          |                          | Хул                   |                                    | ... Зокиров (бастакор) |                      |                     | Куръон га зми         |                  |
| Олтинани маҳсулоти       | ...нинг уручи            |                       |                                    | Содда ўқимали          | ... Ривз (ақсёр)     |                     |                       |                  |
|                          |                          |                       | Асқини ... тирит                   | ... Бросни (ақсёр)     |                      | Лининин айна        |                       |                  |
| Бизлик деген             | Хазирани таом            | "Доктор ..." (лор)    |                                    |                        |                      |                     | Өғизлик алаб          |                  |
|                          |                          | Жидал                 |                                    | ... Ваери (футболчи)   |                      |                     |                       |                  |
| Пампанида ... (файл суф) | ... кулоқ эпитети да     |                       |                                    |                        |                      |                     | Токинг теловидеоси    | Пит              |
|                          |                          |                       | Бил ту-риб                         | Муслибий бўлгани       |                      |                     |                       |                  |
| Мўғлибар                 | ... оқду-лари" (мукафот) | Асқини хайвонот       |                                    |                        |                      | Илгану раш тури     | Токи ... (бувчи)      |                  |
|                          |                          | Оғини ҳаммом-хели ... |                                    |                        |                      |                     |                       |                  |
| Миница                   | Дасил, рабоб             |                       |                                    |                        |                      | ... Турман (ақсери) |                       | Қалб             |
|                          |                          | Хамду ...             | Пирок                              |                        |                      |                     |                       |                  |
| ... жинс                 | Бақчи ала                |                       |                                    | Бўрак по ми            |                      |                     | Пиндил худудини ўчоки | Буни (ше на)     |
| Олин ёрми шиком          |                          | Шахир (Франция)       |                                    |                        | ... Зеландия (девят) | Фойди               | Навбат                |                  |
|                          |                          |                       | Обини ... билан ёшиб бўлмайдиган   | Гина                   |                      |                     | ... Отан (шоира)      | Тани қолмайс     |
|                          | Йирок                    | Рангил металл         | Оғдин тулға хам ...дан тушмайдиган |                        | Чалтор ... янмади    |                     |                       | Нило ... (шахир) |
|                          |                          |                       |                                    | Руханий, ақсёр         |                      |                     | Сизин е-постмаем ...  | Бугдой анхулооти |
|                          | Пайгамбар асқини         | ... Олимни (хонини)   |                                    |                        | Бурни ба-ди          |                     |                       |                  |
|                          | Широк қабиласи           |                       |                                    | ...ни Хам хайвонимин   |                      |                     | Хилду қабиласи        |                  |



Сканвордларни Акбар Йўлдошев тайёрлади.



# КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК



— Жуда яхши... ЖЭТ деб ёзиб қўямиз.  
— ЖЭТ дегани нима?  
— Жуда эрта ташлаган.

\*\*\*

Беморнинг касаллик варақасидан:  
«Бемор текшириб кўрилди. Бемор операция қилинди. Бемор яхши одам эди, раҳматли!».

\*\*\*

— Томирингиз жуда секин ураяпти-да, бемор.  
— Нима, сиз бирор ёққа ошиқяпсизми?

\*\*\*

— Табриклайман, ҳамкасаба. Операция жуда яхши ўтди. Фақат бемор бундан беҳабар кетгани чатоқ бўлди-да!

\*\*\*

Ўлим тўшагида ётган қария васият ёздиряпти:  
— Хотинимга юз минг сўм, ўғлимга эллик минг сўм васият қиламан. Қизимга ҳам, майли, эллик минг сўм қолдира қолай.

Кейин чуқур хўрсиниб:  
— Ё Парвардигор, шунча пулни қаердан оламан-а?

\*\*\*

Бемор врач ҳузурда:  
— Ёшингиз нечада, бемор?  
— 38 да.  
— Чекасизми?  
— Ташладим.  
— Ичасизми?  
— Ташладим.  
— Аёллар-чи?  
— Ташладим.



Эр-хотин кўчадан бораётиб дорихона олдида рўбарў келишади.

Хотини вазадаги нарсаларга тегинмоқчи бўлиб турган илонни кўриб, эридан сўради:

— Бу рамз нимани билдиради?

— Буми? Сенинг онанг чой ичаётганини билдиради-да.

\*\*\*

Врач ҳамширани уришаётган эмиш.

— Сиз овқатларингизнинг рецептини бошқа қоғозга ёзсангиз бўлмайдими? Менинг дори ёзиб берадиган бланкларимга ёзманг. Аптекачи беморларга сизнинг рецептингиз билан яна жаркоп қилиб беришти.

\*\*\*

Психиатр ҳузурига келган бемор аёлдан сўрайди:

— Сизнинг оилангизда улуғлик даъвосида юрган одам йўқми?

— Бор, доктор, бор. Эрим ўзини оила бошлиғи деб ўйлайди.

\*\*\*

— Доктор, склероз бўлиб қолибман.  
— Қачондан бери?  
— Нима қачондан бери?

**НИГИНА тайёрлади.**

